



63.000.1.

Н-79

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

С. НОРҚОБИЛОВ, О. АБДУСАЛОМОВА

БАНКЛАРДА АУДИТ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан уқув қўлланмаси сифатида чоп
этишга тавсия қилинган*

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2005 ТЕКА

Б.С. 112 я ЛП

76 112

Ушбу ўқув қўлланмасида республикамизда банк аудитининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари ўз аксини топган. Банкларда ташқи ва ички аудит турлари, уларнинг зарурлиги, банклар фаолиятидаги аҳамияти кўрсатилган. Ривожланган мамлакатлар ва ҳамдўстлик давлатларида аудит, хусусан банкларда аудит қандай ташкил этилганлиги таҳлил қилиниб, аудит бўйича халқаро андозаларнинг келиб чиқиш зарурияти очиб берилган.

Банкларда ташқи аудит текширишларининг самарали ва арзон бўлиши ички аудит ва ички назоратнинг қандай ташкил этилганига боғлиқдир. Шунинг учун қўлланмада ички аудит хизматини ташкил қилиш, ҳар бир ички аудиторнинг иш йўналишига, кўламига эътибор берилган. Банк амаллари: бухгалтерия, кредит, валюта, қимматли қоғозлар ва бошқа амалларни ички аудитдан ўтказиш тартиби батафсил ёритиб берилган.

Мазкур ўқув қўлланмаси олий ўқув юрти талабалари, магистрлар, аспирантлар, банк ходимлари, айниқса аудиторлар ва бошқа тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Такризчилар:

И. ф. д., проф. А. Қ. Қодиров

И. ф. д., доц. З. А. Холмахмадов

КИРИШ

Узоқ йиллар давомида собиқ социалистик мамлакатларда иқтисодий тараққиётга эришишнинг марказлашган режалаштириш усули ҳукм суриб келди. Хусусий мулкнинг инкор қилиниши, жамиятдаги барча қайта тақсимлаш функцияларининг марказлашган ҳукумат қўлида жамланиши, мафкуравий сабабларнинг асосли иқтисодий қонунлардан устун қўйилиши ва шу каби бошқа «ноиқтисодий» элементлар ушбу тизимнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб ҳисобланди. Ана шу тизимдан бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини бошидан кечираётган мамлакатларга нисбатан «ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари» ибораси кенг қўлланиб келинмоқда. Ўзга ривожланаётган мамлакатлардан фарқли ўлароқ ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари жамиятда туб, фундаментал ўзгаришларни амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бир вақтнинг ўзида кучли демократик давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворини яратиш каби чора-тадбирлар ўтиш даври дастлабки босқичининг энг муҳим вазифаларидан қилиб белгиланди. Ўзбекистон ҳукумати иқтисодий тараққиёт сари ўзига хос йўлдан, миллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда боришини эълон этди. Мустақиллиكنинг дастлабки ўн йилида бир қанча қўшма корхоналар ташкил этилди, кўпгина давлат тасарруфидаги муассасалар хусусийлаштирилди. Жумладан, иқтисодиётнинг энг сезгир ва асосий қисми бўлмиш банк соҳасида ҳам хусусийлаштириш жараёнининг олиб борилаётгани ислохотларнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Юқорида таъкидланганидек, давлат мулкига асосланган иқтисодиётни марказдан туриб маъмурий-буйруқбозлик усулида бошқариш бухгалтерия ҳисоби ва назорат ишларида намоён бўлар эди.

жиҳатдан тўла мустақил бўлмаган корхоналарни аудит текширувларидан ўтказишга зарурат туғилмас эди. Чунки уларни тафтиш қилишнинг ўзи етарли эди. Шунинг учун барча вазирлик, идораларда тафтиш бошқармалари фаолият юритарди. Улар ҳўжалик субъекти фаолиятини тафтиш қилаётганда, биринчи навбатда, камчиликларни аниқлаш, айбдорларни жазолаш, юқори идора буюртмасига асосан берилган режаларнинг, фармойиш ва қарорларнинг топшириқ асосида бажарилишини — ижрочилик фаолиятини текширар, активларнинг бут сақланиши, ҳўжасизлик туфайли етказилган зарар ёки камчиликларни тузатиш чоралари бўйича йўл-йўриқлар бериш билан кифояланарди. Барча камчиликлар акс этган тафтиш натижалари ички ҳўжжат бўлиб, юқори орган ёки идорага бериларди.

Давлат банки тизимида ҳам тафтиш бошқармаси мавжуд бўлиб, барча Давлат банки бўлимлари йилда бир марта режа асосида тафтиш қилинар эди. Бундан ташқари, айрим масалалар бўйича кўзда тутилмаган тезкор текширувлар ташкил этиларди.

Ўзбекистонда аудитнинг таркиб топиши мислсиз тарихий ўзгариш — бозор иқтисодиётига ўтиш билан изоҳланади. Чунки бозор иқтисодиётида тадбиркорлик субъектини бошқариш вазифаси профессионал менежерлар қўлига ўтади, натижада ташкилот молиявий ҳолатини мустақил назорат қилишга эҳтиёж туғилади. Капиталларни жамлашда акциялаштириш, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши, корпоратив бошқарув тизимининг йўлга қўйилиши мустақил молиявий экспертиза натижалари ошкоралигини таъминлашни талаб этади. Чунки молиявий ҳисоботлар ташкилот билан алоқада бўлган барчани — раҳбарлар, ходимлар, мижозлар, мулкдорлар, кредиторлар, инвесторлар, давлат ва ҳокимият органларини мустақил аудиторлар тасдиқлайдиган ахборотлар қизиқтиради. Ҳисоботлар бошқаларнинг банклар билан ҳамкорлик қилиши учун ишонч уйғотади. Бинобарин, мамлакатимизда аудит турли гуруҳларнинг қизиқиш ва талабларига жавоб тариқасида пайдо бўлди. Давлат эса аудитнинг ривожланиши ва такомиллашиши учун барча чораларни кўриб бормоқда.

Бозор иқтисодиётида тижорат банклари молиявий-иқтисодий, ижтимоий маъқега, мамлакат иқтисодиёти

истикболини белгилашда ҳал этувчи аҳамиятга эга. Бу, айниқса, ҳисоб юритиш ва ҳисоботларнинг ўзига хослигида, назоратга нисбатан талаб ва ёндашувларда, улар фаолиятини белгилашда, банк бизнесининг тадбиркорлик фаолиятининг бошқа соҳаларидан сезиларли даражада фарқ қилишида ёрқин намоён бўлади. Ўзбекистонда банк тизими шаклланиши давридаёқ банк аудитини халқаро талабларга жавоб берадиган даражада ташкил этишга алоҳида эътибор берилди. Ҳозирги пайтда тижорат банклари авваламбор Марказий банк томонидан диққат билан назорат қилиб бориш объекти саналадики, бу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил январида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонунда ҳам ўз ифодасини топди. Қонуннинг 50-моддасида айtilганидек, Марказий банк банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банklar фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради¹.

Шунингдек, у банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерлик ҳисоби ва банк статистик ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботлар тузиш юзасидан банklar учун мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди. Бу қоидалар қуйидагилардан иборат:

- банklarнинг ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларини олиш ҳамда текшириш, уларнинг фаолияти, шу жумладан операциялари тўғрисида ахборот сўраш ва олиш;

- олинган ахборот юзасидан изоҳ талаб қилиш;

- банklar, уларнинг филиаллари ва банк билан узвий боғланган юридик шахсларнинг фаолиятини текшириш ҳамда тартиббузарларга нисбатан санкциялар қўллаш;

- банklarнинг ички аудити бўйича қўйиладиган талабларни белгилаш;

- банк активларини уларнинг сифатига қараб тасниф қилиш ва активлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар ўрнини қоплаш учун шунга монанд резервлар яратишни талаб қилиш;

- ишончсиз активларни ҳисобдан чиқариш шартлари ва тартибини аниқлаш;

¹ Қаранг. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», 1995 йил 21 декабрь.

назоратнинг халқаро меъёрларга мос келадиган усуллари-ни татбиқ этиб, қонун йўли билан тобора мустақамлаб бормоқда.

Маълумки, иқтисодиётнинг реал секторидаги корхона ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби юритилиши ва ҳисоботини ташкил этиш методологияси билан Молия вазирлиги шуғулланади. 2000 йил 1 сентябридан кучга кирган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига мувофиқ «банкларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланади» деб мустақамланди ҳамда банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши кераклиги аниқ белгиланди. Шу билан бирга мазкур ҳужжатда банк аудити билан шуғулланадиган аудиторлик компаниялари ва аудиторларга лизенцияларни Марказий банк бериши белгиланган.

2-§. ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК АУДИТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ, ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг «Банкларда ҳисоб юритиш ва ҳисобот, банкларни назорат қилиш» деб номланган VI бобида банкларда бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот қоидалари Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқ белгиланиши, Марказий банк қонун ҳужжатларига мувофиқ банклар фаолиятини назорат қилиб бориши айtilган.

Қонуннинг 43-моддаси бутунлай аудитга бағишланиб, унда шундай дейилади: «Банкларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик текширишларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлар томонидан ҳар йили текшириб турилиши лозим. Аудит, хусусан, капиталнинг етарлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш, таваккалчиликни ва ликвидлиликни ўлчашни ўз ичига олади. Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ ички аудиторлик дастурларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари ҳам шарт»¹.

Ўзбекистонда банк аудитига бунчалик катта эътибор

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун. VI боб

қаратилаётганининг ўз сабаблари бор. Чунки давлат назорати органларининг тижорат банкларининг операцияларни ўтказиш ва уларнинг ҳисобини расмий жиҳатдан олиб боришига қўйиладиган барча талабларга риоя этилиши мамлакат кредит тизимининг сифати ва ишончлилигини таъминлайди. Бу талаблар, биринчи навбатда, банкларга жалб этилган омонатчилар ва мулкдорлар капиталининг йўқотишлар таваккалчилигини бартараф этиш ёки уни энг паст даражага тушириш шарти билан банк операцияларининг даромадлигини мақбул даражада таъминлашга қаратилган.

Агар биз жаҳон мамлакатлари кредит тизимининг таърихий ривожига назар солсак, банк ва улар миждозларининг кўп бор хонавайрон бўлганига гувоҳ бўламиз. Шу боис улар фаолияти устидан Ўзбекистонда давлат назорати ўрнатилиши зарурлигини тушунишга олиб келди. Мисол учун, 1929—1933 йилларда рўй берган жаҳон иқтисодиёти инқирози АҚШ иқтисодиётига катта зарба берди. Бу ҳолни таҳлил этган «The Banker» журнали қуйидаги хулосани чиқаради: «Америка банк ташкилотининг қоникарсиз аҳволи ва уни кескин узгартириш зарурати шунда бўлдики, бу тизим тадбиркорлик ҳамжамиятига ҳам, алоҳида шахсга ҳам хизмат қила олсин. Инқироз қуйидагиларни ошкор этди:

1. Америка банклари ташкилотининг носоглом табиати банкларнинг турли сабаблар билан хонавайрон бўлишига олиб келди.

2. Америка банк тизими иқтисодий инқироз ва стресслар пайтида жамият манфаатларини таъминлашга ноқобил бўлиб чиқди.

3. Федерал Резерв тизими (ўша даврда, инқироз пайтида) пул бозорини назорат ҳам қила билмади, мувофиқлаштира ҳам олмади.

АҚШнинг «буюк инқироз» йилларидаги аудит ва банк назорати таҳлили соҳадаги ишларни бутунлай қайта кўриб чиқишга олиб келди. Президент Ф. Рузвельт бошчилигидаги ҳукумат банк тизимини марказлаштириш сиёсатини юритди ва бу сиёсат мамлакатда банк назорати ва аудитини янги босқичга олиб чиқди. Кейинчалик депозитларни суғурталаш сиёсатининг кенгайиб бориши АҚШ молия тарихида банкларни Умумфедерал назорати остига олиш имконини берди»¹.

¹ М. С. Е. А. Давидов, «Американский аудит в годы «великого кризиса». Бизнес и банки. 1999 г., ноябрь, №44.

Фармон талабларига мувофиқ Марказий банк томонидан тижорат банкларида аудит текширувларини ўтказиш, аудиторлик фирмалари ва аудиторларга банкларда аудит ўтказишга рухсат беришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, шу жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк аудитини ўтказишга қўядиган талаблари тўғрисида», «Банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатни бериш, бекор қилиш ва аудиторларни малака аттестациясидан ўтказиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк аудитини ўтказиш учун сертификат бериш ва аудиторлар малакасини аттестациядан ўтказиш комиссияси тўғрисида»ги низомлари ишлаб чиқилди.

Фармондан кейин «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк аудитини ўтказиш учун сертификат бериш ва аудиторлар малакасини аттестациядан ўтказиш комиссияси» томонидан 1996 йил ноябрь-декабрь ойларида банк ва молия соҳасида консалтинг хизматлари кўрсатиш ва аудит ўтказиш бўйича дунёда етакчи ўринларни эгаллайдиган «Coopers & Lybrand», «Deloitte & Touche», «Artur Andersen», «Ernst & Young», «KPMG» халқаро аудиторлик консалтинг фирмаларига ҳамда «Ўзбанкаудит» акционерлик жамиятига республикамызда банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи тегишли сертификат (лицензия)лар берилди.

Фармоннинг 1-банди 3-хатбошисига асосан республика ҳудудида фаолият юритувчи аудитор фирмалари ва аудиторларга тижорат банкларида аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи жами 6 та сертификат ҳамда 10 та малака сертификатлари берилди.

Шунингдек, ўша йили республикамыздаги мавжуд тижорат банклари гуруҳларга ажратилиб, Марказий банк лицензиясини олган аудиторлик фирмаларига тақсимлаб берилди. Марказий банк топшириғига мувофиқ мутахассислар томонидан банк аудитини ўтказиш бўйича тузиладиган шартномаларнинг намунаси ҳамда тижорат банкларида аудит текширувларини ўтказиш учун Жаҳон банки мутахассислари билан биргаликда техник топшириқлар ишлаб чиқилди. Банк фаолияти ва ҳисоботи таҳлилига оид бу топшириқларда аудиторлар олдида аудиторлик текширишлари лавомида келинган ҳудудда (беш йилгача) таҳлилий об'ект олиб бори-

шн вазифаси қўйилди. Унда стандарт молиявий таҳлилда қўлланилган баланс ва балансдан ташқари позициялар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботлар ҳамда бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган молиявий кўрсаткичлар жамланган асосий молиявий кўрсаткичларни атрофлича ва ўсиш изчилликларини ёритиш талаб этилди.

Кўрсаткичларни танлаб олишда:

— ссудаларни таснифлаш асосида активлар сифати ва захираларни яратиш;

— баланс ва балансдан ташқари моддаларнинг таркибидаги ўзгаришларнинг асосий тенденциялари, нисбий ликвидлилик, фоиз ставкаси ва валюта таваккалчилигини бошқариш бўйича чоралар;

— даромадлар таркибидаги асосий тенденциялар;

— бошқарувнинг иқтисодий самарадорлиги ва сарф-харажатлар самарадорлигига эътибор қаратилиши зарурлиги таъкидланди.

Аудиторлар қуйидаги ҳолларни алоҳида қайд этиши лозимлиги уқтирилди:

— банк активлари портфели аҳволи, жумладан, ссудаларни таснифлашда фойдаланилган мезонлар кўрсатилган ҳолда муддати узайтирилган қарздорликлар;

— банкнинг маҳаллий ва хорижий банклардаги текширилган ҳисобварақлари («ностро» ҳисобрақаи) ва йил якунигача тугалланмаган позицияларнинг тўлиқ қондирилган таққосламаси;

— банкнинг маҳаллий ва хорижий банклардаги текширилган ҳисобварақлари («лоро» ҳисобрақаи) ва йил якунигача тугалланмаган позицияларнинг тўлиқ қондирилган таққосламаси;

— йил якунигача амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўтказилган инвентаризация натижаларини текшириш;

— филиаллар ва бош банк ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг дебет ва кредит сальдосини текшириш, уларнинг йил якунигача тўлиқ қондирилган таққосламаси;

— фоизлар бўйича даромадлар ва харажатлар таҳлили, бошқа даромадлар ва харажатлар, олинган даромадларнинг аниқлиги ва оқилоналиги таҳлили, жумладан, ҳисобрақамлардаги маблағларни хорижий валютага конвертирлаш натижалари;

— барчи чегирмалар, шу жумладан ссудалар бўйича

— ссудалар ажратиш бўйича қабул қилинган қарорларга масъуллик, банкнинг кредит комитети билан бирга баҳолаш ва кредитлаш вазифасини бошқага бериш;

— ссудаларни олиш процедуралари, ҳужжатлаштириш, қоплаш, ссудаларнинг ишлатилишини кузатиб бориш.

Шу билан бирга, фоиз ҳисоблаш тўхтатилган, ҳаракатда бўлмаган ссудалар ҳажми ҳамда муддати узайтирилган имтиёзли ссудалар ҳақида ахборотлар тўпланиб, тавсифланиши зарурлиги белгиланди.

Аудиторлар Марказий банк талабларига мувофиқ ссудаларни қайтармасликдан пайдо бўлган йўқотишларни қоплаш учун зарур қўшимча захира назарда тутган ҳолда банк активлари сифатига умумий баҳо бердилар.

Аудиторларнинг:

— юқори ликвидли активлар мавжудлиги ва қўшимча мажбуриятлар олишнинг муқобил имкониятларини эътиборга олиб, банкнинг ўз операцияларини молиялаш салоҳияти ҳақида маълумот бериши;

— банкнинг ўз активлари ва пасивларини бошқариш салоҳияти, ўзининг операцион харажатларини қоплаш учун мўлжалланаётган даромадларини етарли миқдорда операция қилиш салоҳиятини банкнинг ликвидлиги бўйича баҳолаши ва тушунтиришлар бериши;

— активлар ва пасивлар муддати, кафиллар томонидан ликвидлиликни таъминлаш бўйича тафовутларга тушунтиришлар бериши лозим топилди.

Аудиторлар муайян мажбуриятларда ҳар қандай жиддий таваккалчиликни концентрациялаш, шунингдек, қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишда қонунчиликка риоя этилишини алоҳида қайд этиши зарурлиги белгиланди.

Хорижий валютада амалга оширилган операцияларда қуйидаги ҳоллар акс этиши лозим эди:

— спотлар, форвард позицияларни эътиборга олган ҳолда хорижий валютадаги баланс ва балансдан ташқари позициялар таркиби;

— бу позицияларнинг банк миқдори операциялари бўйича ёки бу позицияларнинг банк томонидан очилган ва фойда олиш (спекулятив операциялар)га йўналтирилгани туфайли пайдо бўлган-бўлмагани;

— олди-сотди операцияларининг ўрилатилган максимал.

чегараланган даражаси, айрим валюта турлари ва бошқа позициялар бўйича муддатлардаги фарқлар мавжудлиги;

- бу чекловларни кузатиш ва бошқариш ҳамда муддатлардаги ҳар қандай форвард тафовутлар, қарши томоннинг таваккалчиликларини қайд этиб бориш учун тузилган ички назорат процедуралари ва усуллари;

- маълумотларнинг даврийлиги ва теранлиги, ахборот билан таъминлаб турадиган тизимнинг муқобил базаси;

- қабул қилинган позицияларни мутаносиб ҳолда тутиб турадиган ва уларни бошқаришга ёрдам берадиган ўзига хос инструментлар ва усуллар;

- валюталарни қайта баҳолашда фойдаланиладиган бухгалтерия ҳисоби процедуралари;

- очиқ позициялар лимитига риоя қилиниши.

Аудиторлар Марказий банкнинг банк фаолиятини мувофиқлаштирадиган меъёрий ҳужжатларига риоя қилиниши ҳақида маълумот бердилар. Жумладан:

- капиталлар етарлилиги коэффиценти;

- банк капитали ва унинг мажбуриятлари нисбати кўрсаткичлари;

- жорий ликвидлилик кўрсаткичлари;

- қисқа муддатли ликвидлилик кўрсаткичлари;

- ўрта муддатли ликвидлилик кўрсаткичлари;

- узоқ муддатли ликвидлилик кўрсаткичлари;

- бир қарз олувчининг максимал таваккалчилиги;

- дахлдор бўлган шахсларга ажратилган кредитлар умумий суммасининг устав капиталига нисбати;

- амалга оширилган инвестициялар турлари ва шакллари;

- кучмас мулк ва бошқа мулклар сотиб олиши ва уларга эгалик қилиши;

- бошқа юридик шахсларнинг устав фондида иштирок этиши;

- асосий воситаларнинг энг юқори чегараси ва акциялар портфели;

- хорижий валюта билан рухсат этилган операциялар.

Текширишлар натижаларига кўра, аудиторлар:

- бухгалтерия ҳисоби тизими ва банк бошқаруви Марказий банк меъёрий талабларига мос келиши, банк раҳбариятининг таваккалчиликларни аниқлаш, улчаш ва на-

дартлари, яъни меъёр ва нормативлар тизимига боғлиқ-дир. Бозор иқтисодиётининг чуқурлашуви, банклар фаолиятининг кенгайиши билан банк аудитини ўтказишнинг ягона стандартини жорий этишга талаб кучая боради. Агар банк аудити ривожланишига назар солсак, бундай методологик йўл-йўриқлар йилдан йилга такомиллашиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Марказий банк банк аудити стандартларининг ҳуқуқий мақомини таъминлаш учун қоидалар ишлаб чиқади ва уларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Чунки Марказий банк инспекцион текширувлар ўтказиш ҳуқуқига эга. Шу тариқа, Марказий банк тижорат банкларининг фаолияти бўйича маълум ахборотларга эга бўлади ва бу ахборотларни аудиторлар хулосаси билан таққослаб, аудиторлик фаолиятининг сифатини аниқлай олади.

Аудитор молиявий ҳисоботларга нисбатан ўз фикрини виждонан билдиришда масъулликка эга. Аудиторларнинг профессионал мустақил фикри молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар ўртасида ҳисоботга нисбатан ҳам, қолаверса, аудиторлик фирмасига нисбатан ҳам ҳурмат уйғотади. Аммо бу ҳаққонийлик банкнинг келгусида соғлом фаолият юритиши учун кафолат бўла олмайди, чунки кредит ташкилотларининг операцияларини текшириш яхлит характерга эга бўлмай, балки танланган репрезентатив маълумотларга асосланилади. Бундан ташқари, баланс ҳаққонийлигини баҳолаш у ёки бу кредит ташкилотининг фаолиятини характерлайдиган жиҳатлардан бири, холос. Шу боис, банкларни аудитдан ўтказишда бухгалтерлик ҳисоби юритиш ҳаққонийлигини аниқлаш билан бирга мавжуд қонунчиликка, Марказий банк низомларига ва банк операциялари ва бошқа операциялар, операция ишларини ташкил этиш, бухгалтерлик ҳисоби, ҳисоботларни тайёрлашда ўрнатилган талабларга риоя этилиши, банкларнинг ўз маблағлари ҳисоби тўғрилиги ва мажбурий нормативларни бажариши, таваккалчиликларни бошқариш сифати, банкнинг келгуси ҳисоботгача соғлом фаолият юрита олиши имконияти каби масалалар ҳам кўриб чиқилади ва хулоса талаб этилади.

Аудиторлик фирмаларига ва аудиторларга банкларда аудит ўтказиш учун Марказий банк томонидан бериладиган сертификатларни олиш тартибини янада такомиллаш-

тириш ҳамда тижорат банкларида аудит текширувларини Банк назорати бўйича халқаро Базель комитети талабларига мувофиқлаштириб, амалиётга янгича мазмунда жорий этиш мақсадида Жаҳон банки экспертлари иштирокида 1998 йилда мазкур меъёрий ҳужжатлар қайта ишлаб чиқилди.

Хусусан, Марказий банкда фаолият курсатган «Barents group LLC» консалтинг фирмаси маслаҳатчилари билан Марказий банк мутахассислари ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасида банкларни аудит қилиш тўғрисида»ги Низом, «Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар», «Тижорат банкларида ички назоратни ташкил этишга оид тавсиялар» ишлаб чиқилди.

Ушбу меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиши тижорат банкларида ўтказилаётган ички ва ташқи аудит текширувларини Марказий банк томонидан тартибга солиш жараёнини анча яхшилади.

Марказий банк тижорат банкларида аудит текширувлари сифатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида хорижлик мутахассислар билан биргаликда ташқи аудит текширувларини ўтказишга оид меъёрларни, уларни такомиллаштириш чораларини куриб бормоқда.

Шунингдек, республика молия бозорида иштирок этаётган тижорат банклари фаолиятига реал баҳо бериш, банк тизимига бўлган ишончни мустаҳкамлашда банкларда аудиторлик текширувлари сифати ва таъсирчанлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини холисона таҳлил этилишини таъминлаш ва аудит текширувларини халқаро андозалар даражасида ташкил этиш мақсадида Марказий банкнинг «Ўзбекистон Республикасида банкларни аудит қилиш тўғрисида» 1998 йил 4 июлдаги 403-сонли Низомига 1999 йил 18 сентябрда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Юқорида номлари курсатиб утилган низомлар асосида Марказий банкда аудиторларга сертификатлар бериш ва аудиторлар малакасини аттестация қилиш бўйича тузилган комиссия томонидан 4 та нуфузли халқаро аудиторлик фирмалари — Artur Andersen ltd., Ernst & Yong, Pric Waterhaus Coopers, KPMG ва 3 та маҳаллий — «Холис Гуруҳ», «Одил-аудит», «Ўзбанкаудит» аудиторлик фирмаларига банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи серти-

Зеро, Банк назорати буйича Базель комитетининг «Самарали банк назоратининг асосий принциплари» 14-бандида «банк назорати органлари банкларнинг ички назорат фаолияти кўлами ва характери учун етарли бўлган воқеаларга эга бўлишини аниқлаши керак» дейилади.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти шаклланиши ва ривожланиш йўлларига назар солар эканмиз, Марказий банк ва аудиторларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан банк аудити тизими яратилгани, бугунги кунда бу аудиторлар малакали бухгалтерлар ва иқтисодчилар бўлиб, мамлакат банк тизимининг соғлом фаолият юритишида катта роль ўйнаётгани, Ўзбекистонда банк аудити мактаби шаклланиб ва тобора такомиллашиб бораётганининг гувоҳи бўламиз.

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ТАШҚИ АУДИТ МАСАЛАЛАРИ

1-§. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ТАШҚИ АУДИТ ТЕКШИРИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Банк тизими молиявий тизимнинг узвий бўлаги сифатида ҳар қандай давлат иқтисодиётининг ривожланишида ҳал қилувчи уринга эга. Бошқа мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам банклар асосан вақтинча буш турган пул маблағларини фоииз эвазига ва муддатида қайтариш шарти билан ўз номидан ва ҳисобидан юридик ва жисмоний шахсларни кредитлаш, молиявий ҳисоб-китобларни амалга ошириш, давлат тўлов тизимини шакллантириш, банкнот, депозит сертификатлари, қимматли қоғозлар ва бошқа шаклларда пул эмиссиясини амалга ошириш билан шуғулланади. Маълумки, тижорат банкларининг операциялари кўпроқ ўз капиталидан эмас, балки жалб қилган маблағлари ҳисобига амалга оширилади, бинобарин, банк фаолияти жалб этилган маблағлар ўз капиталидан кўп бўлишини кузда тутди. Банк маблағ эгалари ва ундан фойдаланувчилар ўртасида молиявий востачи вазифасини бажарар экан, бунда банк маблағларнинг эгаларига белгиланган муддатда сақланиши ва қайтарилиши мажбуриятини олади.

Банк ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш чоғида бошқа фаолият турлари каби назорат этиб боришни тақозо қилади. Назорат эса бозор иқтисодиётининг муҳим унсурларидан биридир. Унинг давлат, бошқарув ва мустақил назорат тизимлари мавжуд бўлиб, улар бошқарув органларини зарур ахборотлар билан таъминлайди. Бироқ банк фаолиятини назорат қилувчи институтларнинг мавжудлиги банк тизимидаги инқирозларнинг олдини олишга кафолат бермайди. Бунинг учун қуйидаги жиҳатлар ҳаммаша эътиборда бўлиш керак:

- банк капиталини муттасил ошириб бориш;
- банк активларининг қадрсизланишига йўл қўймаслик;

ловчи ва деталлаштирувчи махсус қоидалар ишлаб чиқилган. Аммо инспекция жараёнларини давлат тасарруфидан чиқариш анчайин субъективдир.

Легал ёндашувнинг асосий камчилиги шундаки, унда таваккалчилик мавжуд, чунки аудиторлик фирмалари тижоратлашган, улар томонидан амалга ошириладиган назорат эса уларга қўшимча, юклатилган вазифа бўлиб қолади. Таваккалчиликнинг мавжудлиги қуйидаги ҳолларда сезилади: биринчидан, аудиторлик фирмалари ҳукумат ва марказий банклар олдида, иккинчи томондан, тижорат банклари олдида лоқайдликка риоя қилишга мажбур, шу тариқа банк назоратининг зарур тузилмаси йўқлигидан аудиторлар можароли шароитга тушиб қолган. Иккинчидан, аудиторлик ташкилоти, бошқа тижорат ташкилоти сингари ўз даромад ва фойдаларини назорат қилади, шунга мос равишда, аудиторлик текширувларини ўтказишда зарур ресурсларга эга бўлмай қолиши мумкин¹.

Ўзбекистонда бундан фарқли ўлароқ, тижорат банклари фаолияти устидан назорат қилиш, ички назоратни ташкил этиш ва ташқи аудитдан ўтказиш функциялари Марказий банкка берилган ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамлаб қўйилган. Солиқ назоратини эса Давлат солиқ қўмитаси бажаради.

Марказий банк ўзига юклатилган вазифаларни ижро этишда тижорат банкларига бажариши мажбурий булган банк операцияларини ўтказиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, бухгалтерия ва статистика ҳисоботларини тузиш ва тақдим этиш қоидаларини белгилайди, ижроия орган раҳбарларига ва бош бухгалтерларига малака талаблари қўяди.

Тижорат банкларининг мажбурий захиралари меъёрлари ва улар фаолиятининг миқдорий чекловлари Марказий банк пул-кредит сиёсатининг асосий инструменти ва методлари ҳисобланади. Марказий банк тижорат банклари фаолиятини пруденциаль назорат қилади.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 43-моддаси ва «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасида банклар ҳар йили лицензияга эга бўл-

¹ Қараг: А. А. Ивалин. Внешний аудит как элемент банковского надзора. «Бухгалтерия и банки», 2001 г., №11.

ган аудиторлик ташкилотлари текширувидан ўтказилиши мажбурийлиги айtilган. Аудиторлик ташкилоти банкнинг молиявий ҳисоботлар ҳаққонийлиги ҳақидаги маълумотлар, унинг Марказий банк томонидан ўрнатилган мажбурий нормативларни бажариши, банкни бошқариш сифати, қонунчилик ва банк уставида белгиланган бошқа маълумотлар акс этган аудиторлик текширувлари натижалари ҳақида хулоса тузади.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки туғрисида»ги қонуннинг 51-моддасига мувофиқ, аудиторлик ташкилотларига Марказий банк томонидан лицензия берилади.

Марказий банкнинг «Банкларнинг йил давомидаги фаолиятини текшириш натижалари бўйича аудиторлик хулосасини тузиш ва Марказий банкка тақдим этиш» низомига мувофиқ, аудиторлик текширувлари объекти банкнинг йиллик ҳисоботи, шунингдек, матбуотда очиқ ёритиладиган ҳисобот саналади.

Аудиторлик ташкилоти аудит мақсадлари ва аудиторлик хулосасида барча сезиларли шароитларни акс эттириш учун текшириш шакл ва методларини ўзлари аниқлайди. Бунда аудиторлар аудиторлик фаолиятининг қуйидаги: «Аудиторлик исботи», «Аудитор танлови», «Бухгалтерия ҳисоботида хатоларни аниқлашда аудиторнинг хатти-ҳаракатлари», «Аудит жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини ўрнатиш ва баҳолаш», «Эксперт ишларидан фойдаланиш» каби стандартларидан фойдаланади.

Ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашда жорий йилнинг бухгалтерия ҳисоботи (қўшимча тушунтиришлар билан ижобий хулоса тайёрланмоқда)га ўзгартишлар киритилган ҳолларда таҳлилий қисмга бу шарт-шароитлар кўрсатилиши шарт, аудитор талабига кўра бухгалтерия ҳисоботига киритилган ўзгартишлар рўйхати аудиторлик хулосасига илова қилинади.

Банкларни инспекцион ва бошқа текширишлар даврида аудитнинг малакасиз ўтказилган ҳоллари аниқланса, Марказий банк ошкор бўлган хатоларни аудиторлар билан муҳокама этиши керак.

Аудиторлик текширувлари малакасиз ўтказилганлиги қайта такрорланса, аудиторлик ташкилотининг лицензияси бекор қилиниши мумкин. Бунда қайта хатолар аудиторлик фаолияти давомида икки ёки уч марта қайта так-

— банк операциялари амалга оширилганда узидан масъулиятни соқит қилиш учун хатоларни уларга йўл қўйилгандан кейин аниқламоқда, хатоларни ўзлари аниқлаб, ўзлари тузатмоқда.

Текширишлар давомида аудиторлик процедураларини режалаштиришда тегишли ички назорат хизматини (у ёки бу категориясини) таснифлаш зарурати келиб чиқмоқда. Бундай талаб тегишли аудиторлик стандартларида ҳам ўз аксини топган. Шундай қилиб, ташқи аудитнинг тижорат банкининг ички назорат ҳақидаги хулосалари муқобил хулоса чиқариб олиш учун Марказий банк томонидан эътиборга олиниши зарур.

Чунки ташқи аудиторлар томонидан тузилган ҳисоботларда банк фаолияти ҳақида назорат органлари учун фойдали маълумотлар мавжуд бўлади. Кўпгина мамлакатларда бундай ҳисоботлар назорат органларига ҳам тақдим этилади. Бундай ўзаро ҳамкорлик аудитор учун ҳам, назорат органлари учун ҳам фойда келтиради. Масалан, инспекция текширишлари хулосаларига «хизматда фойдаланиш учун» грифи қўйилади. Аудиторнинг банк манфаатлари ҳамда назорат органларининг эҳтиёжларини қондириш, умуман уларнинг самарали ишлашини таъминлаш учун, бизнингча, уларнинг банкларда ўтказилган инспекция текширувлари ҳужжатларидан фойдаланишига рухсат этилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Чунки аудиторлар назорат органларининг хулосаларига алоҳида эътибор бериб, назорат қилиш жиҳатдан кенгроқ қарайди ёки назорат органи жиҳатларини чуқурроқ ўрганadi. Шу боис аудиторларнинг инспекция текширишлари хулосалари билан танишишга рухсат этилиши, меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилиши лозим.

Банк аудиторлик ташкилоти ва назорат органи ўртасида ташкил этилган уч томонлама ўзаро мулоқот охиrhoқибат банк фаолиятининг равшанлигини таъминлайди. муаммоларни тезда пайқаб олиш ва тўғрилаш имкони пайдо бўлади.

Ички назорат хизмати банк раҳбарларини ҳар томонлама тўлиқ ва объектив ахборотлар билан таъминлайди. Ташқи аудитнинг ялпи текшириш имкони йўқ ва бу серхаражат ва узoқ муддат талаб қилинадиган жараён. Бунинг

бўлади ва муайян таваккалчиликда кўрилади. Ички аудит-да эса маълумотлар кўп бўлади. Ташқи аудитор ички назорат хизматининг фаолиятини чуқур ўрганиш натижасида унинг ихчамлиги ва самарадорлигини аниқлайди ва баҳолайди. Шу боис ташқи аудитор ички аудитор ва ички назорат хизматининг материалларидан фойдаланади.

Ўзбекистон молия институтлари устидан назорат тизими, халқаро молия ташкилотлари таъкидлаганидек, янада такомиллаштирилиши зарур. Марказий банкнинг биринчи галдаги вазифаси банк ҳисоботларини оператив таҳлил қилиш ва сифатини яхшилаш, ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш процедураларини соддалаштириш, банк муаммоларини тез ва самарали диагностика қилиш, йул-йўриқлар бажарилишини назорат қилиш, иқтисодий меъёрлар ва бошқа талабларни аниқлашни тақозо этади.

Банк ҳисоботларида акс этган баланс маълумотлари ва молиявий натижаларни ташқи аудит томонидан шунчаки тасдиқлаб қўйиш ҳозирги пайтда етарли эмаслиги кўриниб турибди. Бугунги кунда молиявий ахборотлардан фойдаланувчиларни нафақат ҳисоботларда реал рақамлар акс этганлиги ва банк операциялари қонунчилик талабларига жавоб бериши масаласи тўлқинлантиради, балки банк фаолияти ҳақида мустақил аудиторларнинг хулосаси билан танишишни хоҳлайдилар. Акциядорлар, омонатчилар, кредиторларни маблағларимни шу банкка қўйиб туғри қилдимми, банк аҳволи қанчалик барқарор, охир-оқибатда қўйилган маблағларимни оламанми, деган масалалар қизиқтиради. Молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги банк хизматчилари учун ҳам муҳим, чунки улар мансабининг ошиши, ишда қўним топиши ва ҳоказолар учун, мижозларни эса банк билан узоқ муддатли муносабатларга киришидан рағбат топиши, давлат муассасаларини эса солиқ чегирмалари масаласи қизиқтиради.

Шундай қилиб, россиялик аудитор А. Иванов таъкидлаганидек, банк аудитининг мундарижаси ўзгариши зарур. Шу билан бирга, аудиторлар банк томонидан амалга оширилган барча — ҳам иқтисодий, ҳам бухгалтерия операцияларининг тўғрилигини баҳолашлари лозим, диққат-эътиборни кўпроқ банкнинг барқарорлигига қаратишлари керак. Масалан, Буюк Британияда аудит масаласи бир неча йиллардан бери...

— банк аудитини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи малака имтиҳонларини ўтказиш;

— банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни олиш ва уни бекор қилиш;

— аудиторлик ташкилот (фирма)ларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш;

— аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар томонидан аудитни амалга ошириш;

— аудиторлик текширувларини ўтказишда Банк кенгаши ва Бошқаруви фаолияти.

Тижорат банклари аудиторлик текширувларини ўтказиш учун Марказий банкнинг банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификати (малака сертификати)га эга бўлган аудиторлик ташкилоти (аудиторлар)ни мустақил равишда танлайди.

Аудиторлик текшируви ўтказиш учун шартнома тузишдан олдин аудиторлик ташкилоти (аудитор) тижорат банкига Марказий банк томонидан берилган сертификат (малака сертификати)ни кўрсатиши шарт.

Банкларда аудиторлик текширувлари ҳар йили йиллик ҳисобот бўйича ўтказилади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ, давлат муассасалари талабига кўра ёки банкнинг ўз ташаббуси билан бутун банк фаолияти ҳамда алоҳида масалалар бўйича ўтказилиши мумкин.

Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар банклар фаолияти текшируви натижалари бўйича ҳисобот тўғрилигини тасдиқлайдилар (ёки тасдиқламайдилар), шунингдек, банклар йиллик ҳисоботига илова қилинадиган расмий аудиторлик хулосаларини берадилар. Аудиторлик хулосасиз банк йиллик ҳисоботи Марказий банк томонидан қабул қилинмайди ва матбуотда эълон қилинмайди.

Аудиторлик хулосасининг сарварағида аудиторлик ташкилотининг тўлиқ номи, банк аудити билан шуғулланиш учун берилган сертификат номери, хулоса қайси банк учун берилаётган бўлса, шу банкнинг тўлиқ номи кўрсатилиши керак. Сарвараққа ташкилотнинг шу банкда аудит ўтказилиши учун масъул аудиторлари имзо чекадилар ва бу имзо муҳр билан тасдиқланади.

Банк ҳисоботлари бўйича аудиторлик хулосаси Мар-

казий банк аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича қўядиган талабларга мос шаклда тузилиши ҳамда аудиторнинг фикрини аниқ ифодалаши лозим.

Марказий банк қўйидаги ҳуқуқларга эга:

— аудиторлик текширувлари мундарижаси ва қўлами юзасидан қўшимча талаблар қўйиш;

— банклар, улар филиаллари ҳамда банк билан узвий боғланган (аффилланган) юридик шахслар фаолиятини Марказий банк назоратчилари, шунингдек, Марказий банк тайинлаган аудиторлар орқали текшириш. Бу текширувчилар банкларнинг ҳар қандай маълумотлари билан танишиш ҳуқуқига эга бўлади.

Аудитор ишни ёрдамчиларига топширганда ёки бошқа аудиторлар тайёрлаган материаллардан фойдаланганда ўз ҳулосасининг расмийлаштирилиши ва сифати, шунингдек, молиявий маълумотлар сир сақланиши учун жавобгарликдан холи бўлмайди.

Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар Марказий банкка ўтказилган аудиторлик текшируви тўғрисида ҳисобот ва ахборот тақдим этадилар.

Марказий банк текширув натижалари ва аудиторлар ҳулосасини Тижорат банкларини рўйхатга олиш комиссиясининг мажлисида кўриб чиқади. Аудиторлик ҳулосаси муҳокамаси натижаларига кўра, Марказий банк текширилган банк Кенгаши ва Бошқарувига аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатма юборади.

Банк фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиши ҳуқуқи учун сертификат олган аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар банкларда ўтказилган аудиторлик текширувлари тўғрисида Марказий банкка маълумот бериб туришлари шарт.

Қўйидаги ҳолларда аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг банк фаолияти текшируви тўғрисидаги ҳисоботи ҳақиқий ҳисобланмайди:

а) аудиторлик ташкилоти ёки аудит қилинаётган банк билан алоқадор шахс бўлса;

б) аудиторлик ташкилоти ёки аудиторнинг банкдан пул қарзи бўлса;

в) аудитор ёки аудиторлик ташкилотининг ҳисоботида шу аудиторлик текширувини ўтказган ҳамда банк фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш ҳуқуқига эга бўлмаган банк қўйидаги талабларга мос шаклда тузилиши ҳамда аудиторнинг фикрини аниқ ифодалаши лозим.

Аудиторлик текширувлари якунланганидан сўнг 10 кун муддат ичида аудиторлик ҳисоботини Марказий банкка тақдим этиш тижорат банкларининг мажбуриятига киради.

Банк Кенгаши қуйидаги ҳужжатлар нусхасини Марказий банкка тақдим этиши шарт:

а) аудиторлик ҳисоботи, баланс, даромад ва харажатлар тўғрисидаги ҳисобот, пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни ўз ичига олган ҳолис аудиторлик ҳулосаси;

б) ички аудит аҳволи тўғрисида алоҳида ҳисобот;

в) текширув давомида аудиторлар томонидан тайёрланган барча қўшимча ҳисоботлар.

Банк Кенгаши тижорат банки аудиторлик ҳисоботини олган вақтдан бошлаб 30 кун мобайнида аудиторлар томонидан аниқланган ички назоратга доир камчиликларни бартараф этиш ва тавсияларни бажаришга қаратилган чоралар юзасидан Марказий банкка ҳисобот бериши лозим.

2-§. АУДИТ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛЛАР

Аудит текширувлари натижалари кўпгина иқтисодий-молиявий қарорлар қабул қилиниши учун асос яратар экан, аудитга барча мамлакатларда қаттиққўллик билан ёндашилади. Айрим мамлакатларда, масалан, Францияда бу соҳага давлат аралашади, меъёрлар ўрнатади, аудитор ва аудиторлик фирмаларини қайд қилади ва улар фаолияти устидан назорат олиб боради. АҚШ ва Англияда эса бу жараён билан жамоатчилик асосида ишлайдиган профессионал аудиторлик ташкилотлари шуғулланади.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти асослари «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун асосида йўлга қўйилган бўлиб, аудиторлик ташкилотлари Адлия вазирлигида рўйхатга олинади. Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш ва аттестациядан ўтказиш эса Молия вазирлиги зиммасига юкланган. Марказий банк эса банк аудити билан шуғулланадиган аудитор ва аудиторлик фирмалари учун тегишли лицензия беради ва аттестациядан ўтказиб боради. Айтиш мумкинки, Марказий банкка бу банкларни билвосита назорат қилиш тижорат банкларининг жаҳон пул-кредит, молия бозорига интеграциялашиб боришини таъминлашда

Марказий банк банк аудитининг сифат даражасини ошириш ва баҳолаш усуллари ишлаб чиқишда бир талай ишларни амалга оширмоқда. Чунончи, ўқув-методик марказларда аудиторларнинг профессионал малакасини ошириш ва тайёрлаш мақсадида дам-бадам илмий-амалий анжуманлар ўтказиб, иш услубларини такомиллаштириш чораларини кўриб бормоқда. Чунки аудиторлар етарлича билим ва малакага эга бўлмаса, текширишлар сифатига ҳеч ким кафолат беролмайди. Аудит сифатигина Марказий банк талабларининг изчил ва тулақонли бажарилишини, тижорат банкларининг йил давомида узлуксиз самарали фаолият юритишини таъминлайди.

Барқарор фаолият кўрсатадиган молия тизимини яратиш Марказий банк ва аудиторларнинг биргаликдаги мақсадидир. Чунки Марказий банкнинг асосий мақсади кредит ташкилотларининг соғломлигини таъминлаш бўлса, аудиторларнинг вазифаси улар фаолиятини холис баҳолаш, молиявий муаммоларини бартараф этишга кўмак беришдан иборат.

Ўтказиладиган аудит сифати устидан назорат қилишнинг асосий механизми метъерий-ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлаштириш, шунингдек, аудиторлик фаолиятини лицензиялаш ва аудиторларни аттестациядан ўтказишга боғлиқ. Бу механизм банк аудити соҳасига тасодифий шахсларнинг кириб қолишига йўл қўймаслиги лозим. Аудиторлик фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси аудиторлик текширувлари сифатини баҳолаш ва белгилашга ёндашувлар билан белгиланади. Банк аудити сифатини аниқлаш мезонлари, биринчидан, аудиторлик хулосалари сифати устидан самарали назорат ўрнатиш имконини беради, иккинчидан, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолашда назорат этувчи органларни субъективликдан халос этади. Шунингдек, аудиторлик ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кузда тутилган қоидалар бузилишига қарши таъсир чораларини қўллаш имконини беради.

Аудит сифатини баҳолашнинг мезонларида ташкилий-метъерий талаблар, аудиторлик текширувларини ўтказиш шартнома муносабатларини тузиш жараёنлари талабларига асосан...

...қисми мамлакатимизда шаклланиб келаятгани...

га қарамай, халқаро банк аудити амалиётидаги тажрибалар, стандартлар дадиллик билан қўлланилмоқда. Аудиторлик текширишлари сифатини ошириш учун малака аттестациялари ва сертификатлар беришга талабчанлик билан ёндашилмоқда. Айтиш мумкинки, аудиторларнинг иш сифати ва малака тайёргарлигини ошириш тизимини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида Марказий банкнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бу сифатдан, биринчи навбатда, Марказий банкнинг ўзи манфаатдор. Чунки у илгари таъкидланганидек, мамлакат банк тизимининг ҳалол ва ишончли, соғлом ишлаши устидан назорат олиб боради.

Мамлакатимиз тижорат банклари бухгалтерия ҳисобини юритишни халқаро стандартлар асосида олиб бораркан, молиявий ҳисоботларни ҳам ана шу асосда йўлга қўйган. Чунки МҲХСга мос келадиган молиявий ҳисоботлар ҳаққоний, ишончли деб тан олинади. Ахборотларнинг ҳаққонийлиги эса бошқарув қарорларини чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Халқаро стандартлар профессионал фаолиятни мувофиқлаштиришнинг умум тан олган механизмидир. Улар воситасида аудиторлик фаолияти сифатини таъминлаш мумкин. Ана шунда жамоатчиликда банк тизими соғломлиги ва ишончлигига нисбатан ишонч мустаҳкамланади¹.

Халқаро аудиторлик стандартлари ўзида 45 та стандартни жамулжам этган бўлиб, улар 10 гуруҳга ажратилади: кириш фикрлари, масъулият, режалаштириш, ички назорат, аудиторлик исботи, бошқа (учинчи) шахслар фойдаланадиган ишлар, аудитдаги хулоса ва ҳисоботлар, махсус соҳалар, топшириқлар, халқаро аудит тажрибаси бўйича низомдан иборат. Шу асосда тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси Миллий аудит стандартлари ҳам тахминан шунча стандартдан иборат бўлиши кутилмоқда. Ҳозиргача унинг 21 стандарти тасдиқланган. Бухгалтерия ҳисоботлари стандартларида молиявий ҳисоботларни тайёрлаш қоидалари, аудит стандартларида эса молиявий ҳисоботларни текшириш тушунилади. Бу қоидаларни аудиторлик лицензиясига даъвогар булган ҳар бир аудитор билиши шарт.

Молиявий ҳисоботлар аудити бу молиявий ҳисоботлар-

¹ Қаранг: З. Маматов, Н. Обломуродов. Финансовая отчетность коммерческих банков. Релиз, деньги и кредит. Тошкент, 2001 г., №12

ни умум қабул қилган ҳисобот принципларига мувофиқлиги даражаси бўйича мустақил шахс томонидан ўз фикрини билдиришдир. МҲХСга мос келадиган молиявий ҳисоботлар ишончли ва ҳаққоний деб тан олинади. МҲХС ўзида 34 та стандартни жамлаган бўлиб, улар қуйидагилардир: молиявий ҳисобот тақдими; захиралар; амортизация ҳисоби; пул маблағлари ҳаракатининг ҳисоботи; муайян муддат давомидаги соф фойда ёки зарар; тадқиқот ва ишланмаларга ажратилган харажатлар; шартли воқеалар ва ҳисобот давридан кейинги воқеалар; пудрат шартлари; солиққа тортиладиган фойда; сегмент ҳисоботдорлик; баҳолар ўзгаришига таъсир кўрсатувчи ахборотлар; асосий воситалар; ижара; тушум; ходимларни мукофотлаш; ҳукумат субсидиялари ҳисоби ва ҳукумат ёрдами ҳақидаги ахборотларни маълум қилиш; валюта курслари ўзгаришига таъсир этувчи омиллар; компанияларнинг бирлашиши; заёмлар бўйича харажатлар; алоқадор томонлар ҳақидаги ахборотларни маълум этиш; инвестициялар ҳисоби; пенсия таъминоти дастурлари бўйича ҳисоб ва ҳисоботдорлик; йиғма молиявий ҳисобот ва шуъба корхоналарга қилинган инвестициялар ҳисоби; уюшган компанияларга қилинган инвестициялар ҳисоби; гиперинфляция шароитида молиявий ҳисоботдорлик; банкларнинг ва уларга ўхшаш молиявий ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларида ахборотларни маълум этиш; ҳамкорликда иштирок этиш тўғрисида молиявий ҳисоботдорлик; молиявий инструментлар: ахборотларни маълум қилиш ва тақдим этиш; акциялар бўйича фойда; оралиқ молиявий ҳисобот.

Ана шу талабларга жавоб берган ҳисоботгина ҳаққоний деб топилади. Ҳаққонийлик эса ўз навбатида бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим ўрин тутди. Шу боис аудиторлик стандартлари барча аудиторлар ўзларининг профессионал фаолияти давомида амал қиладиган ягона мезонлардир.

Бизнингча, банк аудити сифатини таъминловчи омиллар бир-бирига чамбарчас боғланган уч жараёндан иборат: 1) Марказий банкнинг аудиторлик ташкилотларини лицензиялаш ва уларга малака аттестацияси бериш механизми; 2) уларнинг билим ва малака даражасини аниқлаш; 3) аудиторларнинг аудиторлик текширувларини режалантириш ва ўтказишни ташкил этиш.

2.1. Марказий банкнинг аудиторлик ташкилотларини лицензиялаш механизми

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг банк аудити ўтказиш учун сертификат (малака сертификати) бериш ва аудиторлар малакасини аттестациядан ўтказиш комиссияси (кейинги уринларда — комиссия) аудиторлик ташкилотлар ва аудиторларга банк аудитини ўтказиш ҳуқуқи учун сертификат (малака сертификати) бериш ёки бермаслик, шундай сертификатни бекор қилиш ҳамда бу аудиторларни банк аудити билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлар рўйхатига киритиш масалалари билан боғлиқ асосли таклифлар тайёрлаш мақсадида тузилган.

Ушбу комиссия аъзолари 7 кишидан иборат бўлиб, бу таркибга комиссия раиси ҳам киради. Комиссия таркиби Марказий банк бошқаруви раисининг буйруғи билан тасдиқланади. Марказий банк бошқаруви раисининг уринбо-сарларидан бири комиссия раиси бўлади. Комиссияга қуйидаги департаментлар мутахассислари кириши белгиланган:

- тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти;
- тижорат банкларини назорат қилиш департаменти;
- валютани тартибга солиш ва ташқи алоқалар департаменти;
- бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот ва давлат бюджетининг касса ижроси департаменти;
- методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти;
- қимматли қоғозлар департаменти.

Равшанки, комиссия ўз фаолиятини «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банklar ва банк фаолияти тўғрисида», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар ҳамда ўз Низоми асосида олиб боради.

Комиссия зиммасига қуйидаги масалалар юзасидан тушган материалларни кўриб чиқиш ҳамда қарорлар қабул қилиш вазифаси юклатилган.

- Ўзбекистон Республикаси

Марказий банк аудитини ўтказиш ҳуқуқи

учун сертификат (малака сертификати) бериш ёки бермаслик;

- аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларни банк аудити ўтказиш ҳуқуқини олган аудиторлар рўйхатига киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қайдлов маълумотлари ўзгарган ҳолларда аудиторлар рўйхатига тегишли ўзгартишлар киритиш;

- банк аудити ўтказиш ҳуқуқи учун сертификатлар бериш билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш;

- аудиторлар малакасига нисбатан қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

- аудиторлар малакасини аттестациядан ўтказиш.

Комиссияга тақдим этилган ҳужжатлар улар қабул қилинган кундан бошлаб бир ой ичида кўриб чиқилади.

Ҳужжатлар комиссия мажлисида кўриб чиқилишидан олдин Марказий банкнинг тегишли департаментлари ва комиссия аъзолари томонидан атрофлича ўрганилади. Комиссия аъзоларида тақдим этилган ҳужжатлар бўйича мулоҳазалар туғилса, улар келишув варақасида қайд этилади. Ҳужжатларни комиссия аъзоларининг ҳар бири кўпи билан икки кун ичида кўриб чиқади.

Банк аудити бўйича лицензия олишга даъвогарлар томонидан қонун талаблари бажарилмаса, шунингдек, тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунларга зид ўринлар бўлса, банк аудити ўтказиш ҳуқуқи учун сертификат (малака сертификати) берилмаслиги ёки уларнинг даъвогарларга қайтарилиши учун асос бўлади.

Даъвогарлар ҳужжатлардаги аниқланган камчиликларни бартараф этсалар, комиссия уларни кўриб чиқиш учун қабул қилади. Бунда комиссия аъзолари келишув варақасига камчиликлар бартараф этилганини ёзиб қўядилар.

Айтиш лозимки, камчиликларни бартараф этишга сарфланган вақт аризани кўриб чиқиш учун белгиланган муддатга кирмайди.

Аризани кўриб чиқиш муддати барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган ҳамда аудит масалаларини тартибга солувчи қонуннинг қўлланган ҳолатида ўтказиш билан алоқадор бўлган ҳолларда белгиланган муддатга кирмайди.

Комиссия зарурат юзаси келишига қараб чақирилади ва ўз мажлисларини ўтказди.

Марказий банкнинг тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти ҳужжатларни тайёрлайди ҳамда комиссияга тақдим этади.

Комиссия кўриб чиқиши учун тайёрланган ҳужжатлар мажлисга камида уч кун қолганда комиссия раисига топширилади.

Комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган комиссия мажлиси қонуний ҳисобланади. Қарорлар комиссия мажлисида иштирок этаётган аъзолар берадиган оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Бордию овозлар тенг бўлиб қолса, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссия қарорлари баённома билан расмийлаштирилади, комиссия аъзолари ва мажлисда қатнашаётганлар томонидан имзоланади. Комиссия раиси имзосидан кейин, Марказий банкнинг гербли муҳри билан тасдиқланади.

Банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатни (малака сертификати) олиш учун даъвогарлар Банк аудиторларини тайёрловчи марказларнинг махсус ўқув курсларини тамомлаганларидан сўнг малака имтиҳонларини топширишга рухсат этилади.

Банк аудити ўтказиш ҳуқуқи малака сертификати бериш тўғрисидаги ариза даъвогар томонидан Марказий банкка топширилади.

Жисмоний шахс аризасига қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

- аудитор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилгани ва у профессионал аудиторлар рўйхатига киритилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариус тасдиқлаган нусхаси;

- банк аудити ўтказиш ҳуқуқи учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги берган лицензиянинг нотариус тасдиқлаган нусхаси;

- олий маълумот тўғрисидаги диплом ҳамда меҳнат дафтарчасининг нотариус тасдиқлаган нусхалари;

- шахсий варақа (2 дона фотосурат билан бирга);

- банк аудитори малакасини олганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

Аудиторлик ташкилотининг аризасига қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- таъсис ҳужжатлари ҳамда аудиторлик ташкилоти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариус тасдиқлаган нусхалари;

— унинг таркибида банк аудити ўтказиш ҳуқуқи учун малака сертификати олган аудитор борлигини тасдиқловчи маълумотлар;

— аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги берган лицензиянинг нотариус тасдиқлаган нусхаси.

Марказий банк банк аудитини ўтказиш ҳуқуқи учун сертификат бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган қўшимча ахборот ёки ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли.

Даъвогарлар малака имтиҳонларини Марказий банкда топширадилар. Имтиҳонларни топшириш тартиби, унинг шакли ва мазмунини Марказий банк белгилайди. Бажарилган ишлар «қониқарли» ва «қониқарсиз» тизими бўйича баҳоланади.

«Қониқарли» баҳо олган даъвогарлар малака имтиҳонларини муваффақиятли топширган ҳисобланадилар.

Имтиҳон комиссияси имтиҳонлар ўтказилганидан сўнг сертификат (малака сертификати) олиш учун даъвогарлар топширган имтиҳон натижалари бўйича ижобий ёки салбий қарор қабул қилади. Айрим ҳолларда яқиний баҳони чиқариш учун даъвогарлар суҳбатга чақирилиши мумкин.

Малака имтиҳонларининг натижалари имтиҳон комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Баённома комиссия раиси ва барча аъзолар томонидан имзоланади.

Малака имтиҳонлари натижалари уч кун ичида имтиҳон комиссияси томонидан даъвогарларга эълон қилинади.

Комиссия бу орада имтиҳон натижаларини кўриб чиқади ва икки ҳафта муддат ичида имтиҳонни муваффақиятли топширган даъвогарларга аудиторлик сертификати (малака сертификати)ни бериш ҳақида қарор қабул қилади.

Аудиторлик сертификати (малака сертификати) уни бериш ҳақидаги қарор қабул қилинганидан сўнг бир ой муддат ичида гувоҳнома эгасига сертификатлар (малака сертификати) бериш давлат рўйхатига имзо чектирилган ҳолда берилади.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида

банк аудити ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар рўйхатини белгилайди.

Банк аудити ўтказиш ҳуқуқи учун малака сертификати Марказий банк томонидан аудиторга унинг тегишли малака ҳамда банк аудитини ўтказиш ҳуқуқига эгаллигини тасдиқлаш мақсадида берилади (1-илова). Банк аудити ўтказиш ҳуқуқи учун малака сертификати аудиторга уч йил муддатта берилади.

Банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификат Марказий банк томонидан таркибида банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатига эга 2 нафар аудитор бўлган аудиторлик ташкилотига берилади (2-илова).

Банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификати фақат «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Молия вазирлиги томонидан бериладиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш лицензиясига эга бўлган, Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган ҳамда Банк аудиторларини тайёрлаш марказининг гувоҳномасини олган аудиторларга берилади.

Марказий банкдан тегишли сертификат олмаган аудиторлик ташкилоти ёки аудитор амалга оширган банк аудити қонуний ҳисобланмайди ва бу фаолиятдан олинган барча даромад давлат бюджетига ўтказиб юборилади.

Аудиторлик ташкилоти банк фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказаётганда Марказий банкнинг малака сертификатини олган аудиторлар қатнашиши шарт.

Банк аудити ўтказиш, аудиторлик ҳулосаси (ҳисобот) тузиш тартиби амалдаги қонунлар ҳамда Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади.

Қуйидаги асосларга кўра, банк аудити ўтказиш ҳуқуқи учун сертификат берилмаслиги мумкин:

жисмоний шахслар учун:

— даъвогар Марказий банк қўйган талабларга жавоб бермаса, жумладан, олий маълумотта, банк соҳасида (камида икки йил) ёки халқаро аудиторлик ташкилотларида (камида бир йил) иш тажрибасига эга бўлмаса; суд ҳукми билан муайян лавозимни эгаллаш ёки молиявий-ҳўжалик муносабатлари соҳасида муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш (муайян ҳуқуқдан маҳрум

этиш) жазо турини қўллаш орқали жиноий жавобгарлик-
ка тортилган бўлса, жазони ўташ даврида ва қонунда бел-
гиланган тартибда судланганлик ҳолатининг тугаллани-
ши (олиб ташланиши)га қадар;

– банк аудити ўтказиш ҳуқуқи учун сертификат олиш
мақсадида тақдим этилган ҳужжатларнинг бирортаси Ўз-
бекистон Республикаси қонунлари ва ушбу низом талаб-
ларига тўғри келмаса;

аудиторлик ташкилоти учун:

– банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сер-
тификатига эга бўлган мутахассислар бўлмаса;

– аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини
тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа материаллар. шунинг-
дек, унинг аудиторларига тааллуқли бошқа маълумотлар
тўлиқ тақдим этилмаган бўлса.

Банк аудити ўтказиш ҳуқуқи учун сертификат (малака
сертификати) берилмаган тақдирда Марказий банк ариза
топширилган вақтдан бошлаб бир ой ичида аудиторлик таш-
килоти (аудитор)га бунинг асоси кўрсатилган хат юборади.

Марказий банк банк аудити ўтказиш ҳуқуқи учун бе-
рилган сертификатлар (шу жумладан малака сертификат-
лари) рўйхатини юритади. Бу рўйхатга қуйидаги маълу-
мотлар киритилади:

а) аудиторлик ташкилотлари бўйича:

– ташкилот номи, юридик манзили, алоқа воситала-
рининг номери, ҳисоб-китоб варағи, унинг устав фонди
таркиби ва муассислари тўғрисидаги маълумотлар;

– ташкилот раҳбарлари, уларнинг уринбосарлари ва
унда ишловчи банк аудити ўтказиш ҳуқуқи учун малака
сертификати олган мутахассислар тўғрисидаги маълумот-
лар (фамилияси, исми, отасининг исми, аудиторлик фао-
лияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун берилган лицензия
номери ва у берилган сана);

– банк аудити ўтказиш ҳуқуқи учун сертификат номе-
ри ва берилган санаси;

б) аудитор жисмоний шахслар бўйича:

– фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаролиги,
тураржойи, жорий ҳисобварағи, алоқа воситаларининг но-
мерлари, мавжуд малака гувоҳномалари берилган сана ва
шамал қилиш муддати;

– банк аудити ўтказиш ҳуқуқи учун малака сертифи-
катининг номери ва берилган санаси.

Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар қайд этилган маълумотлардаги ўзгаришлар тўғрисида уларни Марказий банкнинг юқорида айтилган рўйхатига тузатиш кiritиш учун ўн кун муддат ичида Марказий банкка маълум қилишлари шарт.

Банк фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш ҳуқуқи учун сертификат бериш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар ҳамда банк аудити ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар рўйхатидаги ўзгаришлар матбуот воситаларида эълон қилиб борилади.

Марказий банкнинг банк аудити ўтказиш ҳуқуқи учун сертификат бермаслик ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарорлари бўйича манфаатдор томонлар қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси судларига шикоят қилишлари мумкин.

Банк аудити ўтказиш ҳуқуқи учун сертификат қуйидаги асослардан бирига кўра Марказий банк томонидан бекор қилиниши мумкин:

а) аудиторлик текшируви давомида олинган, банк ёки тижорат сири бўлган маълумотлар учинчи шахсларга (Марказий банкдан ташқари) ошкор этилиши ёки берилиши (агар шундай ҳолат суд қарори билан тасдиқланган бўлса);

б) Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Марказий банк меъёрий ҳужжатлари, банк аудити ўтказиш жараёни ва методологияси бузилиши;

в) аудиторлик ташкилоти ва аудиторнинг аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензиясини бекор қилиш тўғрисида ваколатли орган қарор чиқариши;

г) банк фаолияти аудитини ўтказиш ҳуқуқи учун сертификат берилган кундан бошлаб бир йил давомида шу сертификатни бериш учун асос бўлган маълумотлар нотўғрилиги аниқланиши;

д) аудиторлик ташкилотида Марказий банкнинг банк аудити ҳуқуқи учун малака сертификатида эга аудиторларнинг йўқлиги.

Банк аудити ўтказиш ҳуқуқи учун сертификатни бекор қилиш тўғрисидаги қарор Марказий банкнинг Банк аудити ўтказиш ҳуқуқи учун сертификат (малака серти-

фикати) бериш ва аудиторлар малакасини аттестациядан ўтказиш Комиссияси томонидан қабул қилинади.

Банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификат амал қилиш муддати қонунда белгиланган тартибда тўхтатилади.

2.2. Банк аудиторидан талаб этиладиган билим ва малакани аниқлаш дастури

Банк аудити билан шуғулланишга талабгорлар мамлакат банк-молия тизими ҳаётидаги ўзгаришлардан ҳамиша хабардор бўлиб турмоғи лозим. Бу билим аудит сифатини таъминлашнинг пойдевори ҳисобланади. Улар биринчи навбатда қуйидагиларни билмоғи зарур.

Банк фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари:

– Ўзбекистон банк тизимининг тузилиши ва унинг ҳуқуқий асослари.

– Тижорат банкларининг ўзига хос хусусиятлари.

– Ўзбекистонда банк хизматлари бозори.

– Тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналишлари.

– Банк таваккалчилиги, уларнинг турлари ва бошқариш усуллари.

– Банкнинг молиявий аҳволини баҳолаш ва таҳлил қилиш.

Банк фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлаштириш:

– Ўзбекистондаги мавжуд қонунчилик асосида банк фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлаштириш.

– Тижорат банкларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.

– Тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштиришда фуқаролик ҳуқуқларининг асослари.

– Кредит муносабатларини ҳуқуқий мувофиқлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

– Ҳисоб-китобларни ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлаштириш.

– Валюта операцияларини ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлаштириш.

– Процессуал ҳуқуқ асослари.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот:

– Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш асослари.

– Таҳлилий ва синтетик ҳисоб-китоблар.

– Ҳужжатлаштириш ва ҳужжатлар айланиши. Банк ҳужжатлари турлари ва уларни таснифлаш.

– Банк капитали ҳисоби ва фондлар.

– Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари ва расмийлаштирилиши.

– Ажратилган кредитлар ҳисобини юритиш.

– Банклараро кредитлар ҳисобини юритиш ва депозитлар.

– Қимматли қоғозлар билан операцияларни юритиш.

– Касса операциялари ҳисобини юритиш ва расмийлаштириш.

– Хорижий валютадаги операциялар ҳисобини юритиш.

– Қимматли металллар билан операциялар ҳисобини юритиш.

– Асосий воситалар, номоддий активлар, уларни қайта ишлаб чиқариш, амортизация ва ҳисобдан чиқариш ҳисобини юритиш. Банк моддий бойликлари ҳисобини юритиш.

– Тижорат банклари фаолиятининг натижалари. Даромад ва харажатлар ҳисобини юритиш ва уларни тақсимлаш.

– Тижорат банкларининг бухгалтерия ва молиявий ҳисоботдорлиги.

Тижорат банкларини солиққа тортиш:

– Солиқлар ва солиқ сиёсати.

– Ўзбекистонда солиқ тизими.

– Тижорат банкларида фойда солиғини тўлашдаги ўзига хосликлар.

– Тижорат банкларида қўшимча қиймат солиғини тўлашдаги ўзига хосликлар.

– Тижорат банкларида мулк солиғи.

– Тижорат банкларининг йўл фондларига тўловларидаги ўзига хосликлар.

– Тижорат банклари тўлайдиган солиқлар ва йиғимларнинг бошқа турлари.

– Бюджетдан ташқари фондлар, уларнинг мақсади, турлари, шакллантириш манбалари ва тартиби. Бюджет-

дан ташқари фондлар учун мажбурий туловлар ва чегир-
малар.

— Мижозларнинг солиқ қонунчилигига риоя қилиши-
ни назорат қилиш.

— Солиқ инспекциясининг баланс ва бухгалтерия ҳи-
собида юритишни ҳужжатлар асосида текшириш.

— Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

Тижорат банкларини аудит қилиш:

— Аудиторлик тушунчаси, мақсади ва фаолиятини таш-
кил этиш.

— Ўзбекистонда банк аудитини олиб боришнинг ҳуку-
қий асослари.

— Аудитни режалаштириш.

— Аудитни ҳужжатлаштириш.

— Аудиторлик исботи ва уларнинг танланиши.

— Тижорат банкларида таҳлилий ва синтетик ҳисоб
юритишнинг йўлга қўйилишини назорат қилиш.

— Ҳужжатлар айланиши ва банк ички назоратини аудит
қилиш.

— Банк устав капитали ва бошқа фондларни аудит
қилиш.

— Тижорат банклари ажратган кредитларни аудит
қилиш.

— Олинган ва берилган банклараро кредитлар, жалб
қилинган ва жойлаштирилган депозитларни аудит қилиш.

— Банкнинг қимматли қоғозлар билан операциялари-
ни аудит қилиш.

— Касса операцияларини аудит қилиш.

— Тижорат банкларида мижозларнинг ҳисоб-китоб опе-
рацияларини аудитдан ўтказиш.

— Тижорат банкларида банклараро ҳисоб-китоблар ва
корреспондентлик муносабатларини аудит қилиш.

— Хорижий валютада амалга оширилган операциялар-
ни аудит қилиш.

— Қимматли металллар билан операцияларни аудит
қилиш.

— Тижорат банкларининг актив операциялар бўйича
резервлар ташкил этиш ва фойдаланишини аудит қилиш.

— Асосий воситалар ҳисобини юритиш. Ҳужалик мате-
риаллари, кам қийматли ва тез ишдан чиқадиган пред-
метлар, номоддий активларни аудит қилиш.

– Тижорат банкларида бошқа банк операциялари амалга оширилганини аудит текширувидан ўтказиш.

– Тижорат банклари фаолиятининг натижалари, даромад ва харажатлар ва улар тақсимланишини аудит қилиш.

– Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрларнинг бажарилишини аудит текширувидан ўтказиш.

– Тижорат банклари бошқарув тизими таҳлили ва уни баҳолаш.

Аудит сифатига, аудиторлар билим ва малакасига талаблар кучайтирилиши мамлакатимиз банк тизимининг халқаро молия бозорларидан ўрин олиши йўлидаги саъй-ҳаракатларига мос равишда юзага чиқмоқда. Аудиторнинг профессионалиги юқоридаги мавзуларни билиши, базавий олий маълумотларга эга бўлиши, профессионал назарий тайёргарлиги, малакасини аниқлайдиган иш тажрибаси билан аниқланиб қолмайди. Аудиторлик шундай касбки, базавий маълумотларга қўшимча равишда назарий ва амалий тайёргарликни талаб этади.

Банк аудиторларини профессионал тайёргарлиги ва малакасини ошириш тизимига кўра такомиллаштирилиши зарур.

Бунинг учун:

– аудиторлар малакасини оширишнинг зарур ўқув-методик марказларини ташкил этиш;

– аудиторларга малака сертификатларини беришда тижорат банки фаолиятининг аналитик жиҳатлари, ҳар хил банк таваккалчиликларини бошқариш усуллари, ҳуқуқий масалалар, бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича халқаро стандартлар, Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимидаги ўзгаришларни нечоғли билиши;

– талабгорларни малака имтиҳонлари топширишга руҳсат этишда фақат тегишли маълумотлар, иш стажига қараб қолмасдан, унинг тайёргарлиги сифатига кўпроқ эътибор бериш;

– малака имтиҳонларини топширишда саволлар гуруҳланиши керакки, ҳар бир гуруҳ саволлар банк иши назарияси ва амалиёти, банк менежменти, тижорат банкида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари, аудит назарияси ва амалиёти,

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, солиқ қонунчилиги, тижорат банклари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини назарий ва амалий жиҳатдан ҳар томонлама билиш имконини бериши, жумладан, иқтисодий вазият-ни баҳолай олиши зарур.

Банк аудиторларининг малакасини ошириш тизими-нинг такомиллаштиши қуйидаги жиҳатларни қамраб оли-ши зарур:

- профессионал тайёргарлик сифатини назорат қилиб бориш, методик йўл-йўриқлар даражасини ошириш, ўқув-нинг изчиллиги ва систематик характерга эгалигини;

- методик йўл-йўриқларда тегишли дастурга эга бў-либ, ўрганилиши лозим бўлган адабиётлар рўйхати, мав-зу, аудитор профессионал тайёргарлигини тасдиқлаш тар-тиби кўрсатилишини;

- малака ошириш курсларида лекциялар билан бирга амалий машғулотлар бир вақтда олиб борилишини таъ-минлаш, мустақил иш билан бойитилиши.

Курслар охирига етгач, дастурий ўзлаштирилишини аниқлаш усули — тест ўтказилиши лозим.

Банк аудиторлари малакасини оширишда Марказий банк ходимлари, халқаро аудиторлик ташкилотлари ва-киллари иштирокида долзарб мавзуларда семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказиш ҳам катта фойда беради.

2.3. Аудитни ташкил этиш ва уни амалга ошириш

Марказий банк томонидан белгиланган тартибда ли-цензия олган аудиторлик фирмаси ўз фаолиятини «Ауди-торлик фаолияти туғрисида»ги қонун, Марказий банк-нинг меъёрий ҳужжатлари, ўз устави доирасида амалга оширади. Аудиторлик ташкилоти ўзининг профессионал хизматини берилган лицензия ва амалдаги қонунчилик асосларида ташкил этади.

«Банклар ва банк фаолияти туғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида банк аудити йўналишлари белгиланган. Бу йўналишлар Марказий банкнинг «Тижорат банкларини аудитдан ўтказиш бўйича талаблари» деб номланган меъё-рий ҳужжатида батафсил кўрсатилган. Унга биноан ауди-торлик ташкилоти аудиторлик текширишлари натижа-лари — молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги туғри-

жак ишлар режаларини ишлаб чиқишгача бўлган барча масалаларни муҳокама қилиб олишлари зарур.

«Аудиторлик ташкилотлари ва текшириладиган иқтисодий субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» стандартига мувофиқ аудиторлик ташкилоти аудиторлик хизмати кўрсатиш бўйича шартнома тузишдан олдин текшириладиган иқтисодий субъектларнинг бухгалтерия ҳисоботларига оид ҳужжатлар билан танишиши, шунингдек, бухгалтерия ҳисоботи, ички назоратнинг ишончлилигини баҳолаш мақсадида туғиладиган масалаларда раҳбарлардан тушунтириш олиши ва аудиторлик таваккалчилигини баҳолаши зарур. Аудиторлик ташкилоти текшириладиган иқтисодий субъектдан исталган пайтдаги аудиторлик текшируви хулосасини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

Асосий молиявий кўрсаткичларни ўрганиш ва уларни ўтган даврдаги маълумотлар билан таққослаш, улушлар нисбати, баланс ҳисобварақлари ҳамда фойда ва зарарлар бўйича ҳисоботлардаги ўзгаришлар, айрим баланс моддаларини профессионал баҳолаш, масалан, яратилган резервлар ва жойлаштирилган маблағлар ҳажмининг мутаносиблиги, иқтисодий меъёрларнинг моҳияти, уларнинг энг юқори кўрсаткичларга яқинлашувини ўрганиш, суд даъволари, солиқ идоралари текширувларига тегишли материаллар, ички йўл-йўриқлар, банк ижроия органи ва кенгаши мажлиси қарорлари, туғиладиган саволлар бўйича банк раҳбарларининг ишончли изоҳлари аудиторлик текширувлари ўтказиш имконияти борлиги туғрисида, аудиторлар гуруҳи сони ва сифати ҳамда зарур иш вақти бюджети бўйича хулоса чиқаришга имкон беради. Аудитнинг ҳар бир босқичида гуруҳнинг тахминий иш муддати, гуруҳ аъзолари сони, уларнинг вазифаси ва ворислиги, малака даражасига қараб, иш вақти бюджети аниқланади.

Аудиторлик ташкилоти аудит ўтказиш бўйича ижобий қарорга келгач, банк ижроия органига тузилажак шартноманинг нотўғри тушунилиши олдини олиш учун хат-битим йуллайди. Хат-битим қуйидаги мазмунда бўлиши мумкин (5-иловага қаранг):

а) аудиторлик текширувлари шартлари бўйича:

— аудиторлик текширувлари объекти ва мақсади, жумладан, Марказий банк томонидан урнатилган меъёрий талабларни бажариш мақсадида банк филиалларининг аудит қилиш тартиби ҳақида,

мәърий хужатлар тўғрисида;

— зарур бўлган
матлар тўғрисида;

б) аудиторлик ташкилоти мажбуриятлари бўйича:

– аудиторлик ташкилотининг олиб борилган ишлар бўйича ҳисобот шакли (аудиторлик хулосаси ва ҳисоботдаги деталлаштириш) ҳақида;

– кўрсатилган хизматлар учун аудиторлик ташкилотининг масъулияти ҳақида;

– аудиторлик ташкилотининг банк ва тижорат сирига
риоя қилиш мажбурияти ҳақида;

– банкда ички назорат тизимининг номукаммаллиги ҳамда аудиторлик процедураларида қўлланилган танлан-ма характер туфайли бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларда сезиларли ноаниқликлар ёки хатоларнинг аниқланмай қолиши таваккалчилиги ҳақида;

в) тижрат банкининг мажбуриятлари бўйича:

– тижорат банки ва унинг ижроия органининг тақдим этилган бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигига масъуллиги ҳақида;

– аудит текширувлари жараёнида зарур бўладиган дастлабки ҳужжатлар ва бухгалтерия қайдлари, маълумотлар компьютер базаси ва ёки бошқа ҳужжатлар ва ахборотлардан эркин фойдаланиши ҳақида;

– тижорат банкининг молиявий ҳисоботи ҳаққонийлиги бўйича аудиторлик ташкилотининг фикрини узгартириш мақсадида босим ўтказмаслик ҳақида¹.

Тижорат банки аудиторлик ташкилоти тақлиф этган аудит шартларига рози эканини ёзма равишда билдириши зарур. Аудиторлик ташкилотининг тижорат банкига юборган хат-битими аудитни ўтказишга розилигини ёки бу банкнинг расмий аудитори эканини тасдиқлайди. Агар аудиторлик ташкилоти тижорат банкида текширишларни илгарироқ бошлаган ва хат юборишга зарурат йўқ деб топса (яъни тижорат банки аудитнинг кулами ва мақсадини туғри тушунса, банк раҳбариятида ўзгаришлар бўлмаса, текшириш шартлари ўзгармайди), аудиторлик ташкилоти илгари ёзилган хат-битимни эслатиб қўйиши лозим.

Адрес: А. Мещеряков, г. Москва, ул. Мясницкая, д. 10, кв. 10. Тел. 251-11-11. Факс 251-11-11. E-mail: a.mecherjakov@yandex.ru

Бундан ташқари, аудиторлар мижозларга кредит бериш ва уларнинг қайтиши бўйича қандай ишлар олиб бораётгани, мижоз манзилига бориш-бормаслиги, ишлаб чиқариш билан танишиш амалиёти йўлга қўйилган-қўйилмагани, гаров мулки аҳволидан хабардор бўлиб туриш-турмаслиги, кредитдан мақсадли фойдаланаётгани мониторинг қилиб борилишини ҳам кўриб чиқишлари лозим.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш, ички назорат тизимининг ўзига хосликларини ўрганиш ва баҳолаш аудиторлик ташкилотининг ўзи томонидан ташкилотнинг ички услуги асосида олиб борилади ва ҳужжатлаштирилади. Бунда аудиторлар, одатда, махсус тест ва саволномалардан фойдаланадилар.

Ўрганиш ва баҳолашга тавсия этиладиган ҳужжатларнинг асосий талаблари «Аудит жараёнида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолаш» стандартларида баён этилган. Ички назорат тизими қачонки нотўғри ахборот пайдо бўлгани ҳақида банк менежерларини ўз вақтида огоҳлантирса ёки нотўғри ахборотни билиб қолса, самарали ҳисобланади. Ички назорат тизими самарадорлиги баҳоланар экан, аудиторлик ташкилоти етарли миқдорда аудиторлик исбот-далилларини тўплаши керак. Агар аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигига етарли даражада ишонч ҳосил қилиш учун ички назорат тизими ва бухгалтерия ҳисобига суянса, у шунга мос равишда аудит ҳажминини аниқлаб олиши зарур.

Аудиторлик текширишлари олиб борилаётганда, аудитор тижорат банкида бухгалтерия ҳисоби юритилиши ва олиб борилиши, ташкил этилишига боғлиқ ички ҳужжатлар билан танишиши зарур. Бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича ягона ҳуқуқий ва услубий асослар ўрнатилиши Марказий банкка юклатилганини эътиборга олиб, тижорат банкининг Марказий банк томонидан ўрнатилган талабларга, айниқса, 1998 йил 16 ноябрда 61-рақам билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботлар бўйича тартиблар»ига мос келишини кўриб чиқиши лозим. Аниқланган хатолар аудиторнинг иш ҳужжатларида акс эттириб борилади.

Бухгалтерия ҳисоби тизимини ўрганишда қўйилади

— ҳисоб юритиш системи

– бухгалтериянинг ташкилий тузилиши;
– ҳисоб юритиш ва ҳисоботларни тайёрлашда ишти-
рок этадиган ходимлар ўртасида мажбурият ва ваколат-
ларнинг тақсимланиши;

– банк операциялари акс этган ҳужжатларнинг айла-
ниши ва сақланишини ташкил этиш; банк операцияла-
рини бухгалтерия ҳисобини юритиш қайдларида акс эт-
тириш тартиби, бундай қайдлардаги маълумотларни
ўмумлаштириш шакл ва усуллари;

– бухгалтерия ҳисобини юритиш маълумотлари асо-
сида ҳисоботларни тайёрлаш тартиби;

– «Маълумотларни компьютерда қайта ишлаш шароит-
ларида аудит қилиш» стандартларига мос равишда банкда
махсус бухгалтерия дастурларининг қўлланишини ўрганиш
пайтида, аудитор:

а) молиявий ахборотларни ишлашда фойдаланиладиган
компьютер техникасининг дастурий таъминоти бўйича та-
саввур олади, яъни маълумотларни компьютерда қайта иш-
лаш шароитида амал қиладиган маълумотларни қайта иш-
лашнинг ташкилий шакллари, бухгалтерия ҳисобини юри-
тиш шакллари, ҳисоб юритиш бўлимлари ва қисмлари, маъ-
лумотларни узатишнинг техник шароитларини ўрганади;

б) дастурий таъминот бухгалтерия, молия ва ички бош-
қарув ҳисоботи, таҳлилий процедураларни амалга оши-
риш нуқтаи назаридан амалдаги қонунчилик ва Марка-
зий банкнинг меъёрий ҳужжатларидаги ўзгаришларга мос-
ланувчанлиги имкониятларини баҳолайди;

в) операция таваккалчиликларини прогнозлаш учун
малакавий вазифаларни аниқлайди;

г) банкда ички назоратнинг йўлга қўйилиши, жумла-
дан, назоратнинг изчиллигини ўрганади.

Банк раҳбарлари банкда ички назорат тизимини иш-
лаб чиқиш ва амалга оширишга масъулдирлар. Ички на-
зоратнинг мунтазам ва самарали ишлаши, банк фаолияти
ва кўламига жавоб бериши раҳбариятга боғлиқ.

Ички назоратдан кутилган асосий мақсад – инвестор-
лар, банклар ва мижозлар манфаатларини банк ходимла-
рининг профессионал фаолияти давомида қонунчилик,
меъёрий ҳужжатлар ва стандартларга мос равишда олиб
бариб, манфаатлар ўртасидаги зиддият келиб чиққанда,
уларнинг ўртасида

ган операциялар характери ва кўлами ҳамда банк фаолиятидаги таваккалчиликларни минималлаштириш, ишончлиликни зарур даражада таъминлаш йўли билан ҳимоя қилишдан иборат. Бунда ички назоратнинг ташқи аудиторлар билан самарали ҳамкорлик қилиши катта ўрин тутadi.

Банк ички назорат хизмати банк бўлимлари ва айрим ходимлари фаолияти қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар ва профессионал фаолияти стандартлари, банк сиёсатини аниқлайдиган ва фаолиятини мувофиқлаштирадиган ички ҳужжатлар, зарур йўл-йўриқларга нечоғли мос келишини мунтазам текширишлар асосида доимий назорат қилишлари керак. Банк ходимлари томонидан ўрнатилган процедуралар, қарорлар қабул қилишда вазифа ва ваколатларга риоя қилинишини доимий кузатиб борадилар. Ҳар бир текшириш тула ҳужжатлаштирилиши ва улар бўйича хулосалар тайёрланиши лозим. Уларда текшириш жараёнида пайдо бўлган барча масалаларга жавоблар, аниқланган камчиликлар ва оғишлар, уларни тузатиш бўйича йўл-йўриқлар акс этиши лозим.

Бундан ташқари, баъзи мамлакатларнинг молиявий бозорларида кредит ташкилотларининг молиявий бозорлар тўғрисидаги қонунчиликка мос ҳаракат қилиши устидан комплаенс-назорат (назоратга мослик) ўрнатилиши ишлаб чиқилган. Комплаенс-назоратнинг вазифаси тижорат банки, шунингдек, унинг ходимларининг фаолияти молиявий бозорлар тўғрисидаги қонунчилик ва стандартларга мос ҳаракат қилишини, мижозлар ва контрагентларнинг тижорат банкининг олди-сотди шартномалари ёки банк ходимларининг хизмат вазифасини бажариш чоғидаги уларга нисбатан билдирган эътирозларини кўриб чиқади.

Комплаенс-назоратчи ўтказилган ҳар бир текширишни тулиқ ҳужжатлаштиради, текшириш давомида урганилган, аниқланган барча камчилик ва хатоларни тузатиш бўйича тавсияномалар беради, текшириш натижалари бўйича хулосаларни расмийлаштиради.

Банк раҳбарияти аудитни ўтказишда ташқи аудиторларга ички назорат хизмати томонидан тайёрланган ҳужжатлар билан танишиши учун барча ёрдамни бериши зарур. Уларнинг мақсади битта бўлгани билан баъзи масалаларни турлича талқин этадилар. Буни А.Иванов қуйидагича характерлайди:

— ички назорат, авваламбор омонатчиларнинг манфадларини ҳимоя қилиш учун банкнинг барқарорлиги масалалари билан шуғулланади. Шу боис у банкнинг ривожланган томонини баҳолашга қўмаклашиш учун молиявий ҳисоботдан фойдаланади. Аудитор, бошқа томондан, банкнинг молиявий аҳволи ва у амалга оширган операциялар натижалари бўйича молиявий ҳисоботларини текширади. У шу билан бирга тайёрланган молиявий ҳисобот асосларини «фаолиятнинг изчиллиги принципи»дан келиб чиқиб, банкнинг жорий қобилиятини кўриб чиқади;

— ички назорат хизмати банк фаолиятини бошқариш хавфсизлигини таъминлаш асоси сифатида ички назорат тизимининг мустақамлиги масалаларини назорат қилади. Аудитор аксарият ҳолларда ишончлилик даражасини аниқлаш учун ички назорат тизимини баҳолайди, чунки у бунга ўз ишини режалаштириш ва ўтказиш жараёнида суянадиган тизим сифатида қарайди;

— ички назорат хизмати тегишли ҳисоб тизимининг мавжудлигига таваккалчиликни назорат қилиш ва ўлчаш мақсадида ҳаққоний ахборот олишнинг дастлабки шарти сифатида қарайди. Аудитор эса молиявий ҳисоботлар тайёрланадиган асослар — бухгалтерия ўтказмалари тўғри акс эттирилганига кафолат олишни хоҳлайди.

Банк раҳбарлари аудиторлик процедураларининг майда деталларини кескин қисқартириш учун банк ички назорат тизими доирасида аудиторлар билан тестларни муҳокама этиши лозим. Раҳбарият ички назорат тизимини тест қилишга хушламай қараши мумкин, шунга қарамасдан, бу аудитнинг муҳим процедурасидир.

Аудитор маълумотларни компьютерда қайта ишлаш тизими ишончлигини аниқлаш мақсадида ички назорат тизимини тест қилади. Бу жараёнда қуйидагилар баҳоланади:

— маълумотларни тайёрлаш фойдаланувчи даражасида ҳам, компьютер хизмати даражасида ҳам ўрнатилган назорат;

— иш вақтида хато ва сохталикларнинг олдини олиш бўйича назорат;

— маълумотлар билан ишлашни назорат;

— дастур таъминотининг, айниқса дастлабки ахборотларни қайд этиш усуллари қисмида ўзгаришлар булиш бўлмаслигини;

— ахборотлаштириш хизмати ва маълумотларни компьютер тизимида ишлаш тизими фойдаланувчилари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва мувофиқликни.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш, ички назорат хизмати тизимини ўрганиш ва уларни баҳолаш натижалари аудиторлик таваккалчилигини баҳолаш учун асос бўлади ва аудиторлик процедураларини режалаштириш, зарур танланма маълумотларни жойлаштириш имкониятини яратади. Умумий режада аудиторлик ташкилоти дастлабки таҳлил натижалари, ички назорат тизими ишончилигини баҳолаш, аудит рискларини баҳолашга асосланиб, аудит ўтказиш усулларини аниқлаб олади. Маъодо аудитни танланма усулда ўтказишга қарор қилинса, аудитор ишни «Аудиторлик танланмаси» стандартига мос равишда олиб бориши керак.

Аудит текширувларининг умумий режасини тузишда режалаштиришнинг ҳар бир босқичи аудит жараёнига тижорат банкининг ахборот технологиялари ва маълумотларни компьютерда қайта ишлаш тизимининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак.

Аудитнинг умумий режаси «Аудитни режалаштириш» стандартига мос равишда ишлаб чиқилиши ва тахминан қуйидагича кўринишга эга бўлиши керак¹.

3-§. ТАШҚИ АУДИТ СТАНДАРТЛАРИ ВА ХУЛОСАЛАРИ

Молиявий ҳисоботларни аудит қилишдан мақсад операциялар бухгалтерия ҳисоби талабларига риоя этилган ҳолда бажарилган ёки бажарилмагани хусусида аудитор фикрини олишдан иборат. Ўзбекистон, умуман кўпгина ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тижорат банкларининг молиявий ҳисоботлари ҳаққонийлигини тасдиқловчи ҳужжат бу Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларидир.

Авваламбор, аудиторлик стандартларини аудиторлик процедуралари билан чалкаштирмаслик керак. Стандартлар аудиторлик фаолияти сифатини аниқлаб беради. Улар аудиторлик текширувлари вақти, шароитига қараб ўзгармайди. Процедуралар эса турли мураккабликлар, шароитга қараб ўзгариши мумкин. Шу боис аудиторлик ҳисоботла-

¹ 3 ва 4-инишларга қаранг. 3-иловада тижорат банкини аудитдаги ўтказишнинг умумий режаси, 4-иловада кредит операцияларини аудитдаги ўтказиш

ти-ҳаракат иштирокчи сифатида баҳоланади. Мижоз аудиторлик стандартларига мувофиқ тайёрланган, ноқонуний операциялар акс этган ҳисоботларни қабул қилмаса, аудиторлик ташкилоти мижоз билан алоқаларни узиб, унинг сабабларини Банк кенгашига маълум қилиши шарт. Бу аудитор томонидан ахборотни фош этиш деб баҳоланмайди.

Аудитор иш стандартлари, режалаштиришдан тортиб то хулоса берилгунга қадар бўлган аудиторлик процедуралари устидан ўрнатиладиган назорат аудиторлик текширувлари сифатини белгиловчи умумий мезондир. Банк аудити назариячиларининг фикрига кўра, иш стандартларига қараб, аудиторнинг профессионал маҳоратини билиш мумкин.

Аудиторлар ишни пухта режалаштиришлари, танлаб олинган операциялар бўйича кўпроқ маълумотларга эга бўлишлари учун банкда молиявий йил якунланмасдан туриб, ишга киришишлари лозим. Оралиқ вақтда дастлабки таҳлилий маълумотлар тайёрланади, ички назоратнинг самарадорлиги бўйича илк хулосага келинади ва ҳисобва-рақлардаги қолдиқлар текшириб чиқилади. Бунинг устига оралиқ вақтдаги ўрганишлар аудиторларга йиллик текширувларнинг самарали дастурини танлаб олишига имкон беради. Шундай қилиб, аудиторлик текширувлари фақат тегишли метод ва стандартларни иш фаолияти давомида қўллаш эмас, балки ҳисоботлар бўйича ҳолис, мустақил фикр-мулоҳаза билдириш ҳамдир.

Аудиторлик хулосаси тўрт хил бўлади:

Изоҳсиз (иҷобий) фикр — банк молиявий ҳисоботи барча жиҳатлари билан Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мос равишда ҳаққоний тақдим этилган.

Изоҳли фикр — айрим сабаблар изоҳли фикр билдиришга таъсир кўрсатса-да, молиявий ҳисобот Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мос равишда ҳаққоний тақдим этилган. Аудитор бу сабабларни кўрсатади ва уларнинг молиявий ҳисоботларга кўрсатган таъсирини изоҳлаб беради.

Ёмон фикр — молиявий ҳисоботлар Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мос равишда ҳаққоний тақдим этилмаганда билдирилади. Аудитор бу ҳолда ўзининг барча ёмон фикрлари сабабларини кўрсатиши шарт.

Фикр билдиришдан воз кечиш — бу ҳолда аудитор молиявий ҳисоботга фикр билдириш учун аудитни етарлича тула ҳажмда амалга оширмаган бўлади. Бу ҳолда аудитор аудитнинг нега халқаро стандартларга мувофиқ келмаслиги сабабларини кўрсатиши талаб этилади.

Молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигига аудитор фақат ўз фикри учун масъулдир. Банк раҳбарияти эса, аудиторлик текширувларига тортилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, китоб ва қайдларнинг юритилиши учун жавобгардир.

Тажрибада аудиторлар ва бухгалтерлар молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигига берилган кафолат даражасига қараб, турлича хулосалар билдириши мумкин. Энг ишончли кафолатларни стандарт ижобий ҳисоботлар бера олади. Стандарт ижобий ҳисоботлар шаклидаги ҳар хил ўзгаришлар пухта кафолатни таъминлай олмайди. Бундай ўзгаришлар Джек К.Робертсоннинг «Аудит» китобида айтилишича, чекланган, ўзгарган ва изоҳли аудиторлик стандартлари дейилади.

Ҳисоботлар ҳаққонийлигига кафолат бўлмаса, бу хулоса беришдан воз кечишни англатади. Бундай ҳолларда аудитор молиявий ҳисоботлар ҳақида бирор хулосага келмаганини тасдиқлайди.

Аудиторлик текширувлари мақбул харажатлар билан ўз вақтида ўтказилиши керак. Бу вақт ва молиявий чегаралар текшириш жараёнида муайян аҳамият касб этса-да, аудиторлик ҳисоботларида иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Бу ҳисоботлар етарлича ишончли бўлган ахборотларга таянгани билан, сифат ва сон жиҳатдан ахборотларни олиш вақти ва маблағига қарамай мутлақо айрича баҳоланади. Ҳисоботлар тузилиш пайтида етарлича ахборот тўпланмаса, хулоса ижобий баҳоланиши мумкин эмас. Одатда, аудиторлар молиявий ҳисоботлар ҳақида хулоса чиқараётганда салбий хулоса бериши мумкин эмас, чунки уларнинг асл мақсади — банкнинг операциялари натижаси ва молиявий ҳолатини кўрсатишдан иборат.

Стандарт ижобий хулоса уч таркибий қисмдан иборат бўлади: 1) кириш қисми; 2) асосий қисм; 3) аудиторлик хулосаси (6—7-иловаларга қаранг).

Кириш қисмида аудиторлик текширувлари аниқ молиявий ҳисоботлар бўйича ўтказилгани кўрсатилади. Бун-

дан ташқари, молиявий ҳисоботларга ахборотларни тайёрлашда текшириладиган банк раҳбариятининг ва аудиторлик хулосаси мазмуни учун аудиторнинг масъулияти қайд этилади. Бу қисм текшириш сифати ва қўламини аниқлаш учун жуда муҳимдир.

Асосий қисмда аудиторлар нафақат ўз хулосаларини, балки ўз ишининг мазмунини ҳам баён этади. Аудиторлик текширувлари давомида аудитор томонидан олиб борилган ишлар характери ҳақида маълумот берилади. Ҳисоботнинг бу қисми сифат ва текшириш қўламини очишда жуда муҳимдир.

Асосий қисмда текширув давомида умумий иш стандартларига риоя этилгани, жумладан, а) аудиторлар тегишли тайёргарлик ва малакага эга эканлиги; б) аудиторлар мустақиллиги; в) текширув юксак малака даражасида бажарилгани; г) текширув олдиндан режалаштирилган ва уни ўтказиш назоратга олингани; д) ички назорат ва аудит яхши ўрганилгани ва баҳолангани; е) ишончли ахборотлар етарли миқдорда олингани айтиб ўтилади. Бордию текшириш давомида бир ёки бир нечта стандартларга риоя этилмаган бўлса, асосий қисмга қайси стандартга риоя этилмагани кўрсатилади. Чунки бу ҳол ҳолисликка путур етказиши, ахборотнинг ишончли эмаслигига боғлиқ бўлиши мумкин. Тажрибалар кўрсатишича, аудиторлар баъзи ҳолларда, дейлик, асосий қисм чегараланган бўлса, стандарт шаклларга ўзгартиришлар киритадилар.

Асосий қисмда аудиторлик текширувларининг ўзи ҳақида умум томонидан қабул қилинган аудиторлик стандартларига суянган ҳолда асосий характеристикалар берилади. Шунингдек, аудиторлар банк раҳбарияти томонидан қўлланиладиган бухгалтерия принциплари ва тақдим этилган барча молиявий ҳисоботларга умумий баҳо берадилар. Асосий қисм текшириш давомида молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса бериш учун етарлича ишончли ахборот олингани ҳақидаги асосли фикр билан тугатилади.

Шу ўринда бухгалтерия ҳисоби хусусида тўхталиб ўтиш жоиз туюлмоқда. Бухгалтерия ҳисоби — бу иқтисодий ахборотлардан фойдаланувчиларга таҳлил қилиш ва қарор қабул қилишга имкон берувчи аниқлаш ва ўлчаш жараёнидир. Бухгалтерия ҳисобидан банк менежерлари, бошқарув кенгаши, акциядорлар, салоҳиятли инвесторлар, кредиторлар,

Марказий банк ва банк хизматчилари фойдаланадилар. Бинобарин, бухгалтерлар операциялар натижаларини аниқ ва пухта ёзиб боришлари зарур. Бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари ундан фойдаланувчилар учун тушунарли, ссуда бериш ёки бермаслик бўйича қарор қабул қилинаётганда долзарб, хатолардан холи, яъни ҳаққоний бўлиши, активлардаги суммаларни аниқлаш усуллари бошқа банклар фойдаланадиган усуллар билан бир хиллиги таққосланадиган даражада бўлиши лозим.

Операцияларни амалга оширишда эътибор уларнинг шунчаки юридик жиҳатдан тўғри бўлишига қаратилмаслиги, балки уларнинг иқтисодий реаллиги ва мазмуни ҳам бир-бирига мос келиши қайд этилиши лозим. Чунки операциялар мазмуни амалда ҳар доим ҳам юридик шакли билан мувофиқ келавермайди.

Аудиторлик хулосасида аудиторнинг молиявий ҳисобот ҳақидаги фикри акс этади. Бундан ташқари, бу стандартларга жорий даврда ҳам аввалги даврдагидек стандартларга риоя қилинган-қилинмагани, маълум бўлган ахборотларнинг молиявий ҳисоботларга тўғри келиш-келмаслиги, молиявий ҳисоботлар ҳақида яхлит хулосага келгани ёки келмагани сабаблари кўрсатилади.

Аудитор ҳисоботни тайёрлаётганда номоддий ахборотни унчалик аҳамиятга эга эмас, деб эътиборсиз қолдириши ҳам мумкин. Агар бу сира ахборотлар молиявий ҳисоботларга сезиларли таъсир кўрсатса, аудиторлик ҳисоботи стандартларига ўзгартиришлар киритиш зарур.

Умуман, аудиторлик ҳисоботи мазмуни тўпланган материалларга қараб белгиланади. Агар ижобий ҳисобот тузиладиган бўлса, стандарт шаклларга ҳеч қандай ўзгартиришлар киритиш талаб этилмайди. Аудиторлик стандартларига мувофиқ аудиторларнинг ижобий хулосаларида молиявий ҳисоботлар ёки бошқа ахборотлар умум томонидан қабул қилинган бухгалтерия принципларига мос равишда тақдим этилаётгани кўрсатилиши шарт. Салбий хулосада молиявий ҳисоботлар молиявий аҳвол, операциялар натижаси ва молиявий аҳволнинг ўзгариши умум томонидан қабул қилинган бухгалтерия принципларига мос келмаслиги тасдиқланиши шарт. Аудиторлар салбий хулоса бериши учун зарур ахборотларга етарлича эга бўлишлари керак. Салбий хулоса билдирилганда барча сабаблар тушунтириш қисмларида акс этмоғи лозим.

Энди ташқи аудит томонидан тайёрланган муайян банкнинг молиявий ҳолати ҳақидаги баланс ҳисоботларини кўриб чиқамиз.

Иловада кўрсатилган молиявий ҳисоботнинг тўғрилигини ва барча амалдаги Халқаро стандартлар ва бухгалтерлик ҳисоби қонунчиликларига асосан тайёрланганини NNN (ЎзР МБнинг 1998 йил 28 январдаги 5-сертификатига асосан) аудиторлик фирмаси тасдиқлайди.

Юқоридаги маълумотлар тўғрисидаги ахборот 2001 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган банк ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида мавжуд.

Баланс ҳисоботи ёки молиявий ҳолат ҳақидаги ҳисобот ўзида муайян даврда ҳаракатда бўлган активлар, пасивлар ва акциядорлик капиталини жамлайди. Баланс ҳисоботидаги бирор ҳисобвараққа қараб ишнинг қанчалик яхши йўлга қўйилганини аниқ айтиш мушкул. Баланс ҳисоботи даромад ва харажатлар ҳақидаги ҳисобот эмас, балки молиявий аҳвол ҳақидаги ҳисоботдир. Унда муайян давр мобайнидаги банк бизнесининг молиявий ҳолати акс этади. Бундай ҳисоботлар менежернинг хоҳишига қараб, исталган вақтга тайёрланиши мумкин. Бироқ у асосан ҳар ой, чорак ёки йил якуни бўйича тайёрланади. Баланс ҳисоботи бизнес ниҳояга етган пайти, даромад олинган сўнгги кунда тайёрланади. Ана шунда ҳисобот даврига тузилаётган баланс ҳисоботида барча даромад ва харажатларни акс эттириш имкони пайдо бўлади.

Активлар сўнгги воқеалар натижасида банк томонидан назорат ва эгалик қилинадиган барча ресурслардир. Пассив эса сўнгги воқеалар туфайли пайдо бўлган банкнинг мажбуриятларидир. Ўз капитали банкнинг барча мажбуриятлари ҳисобдан чиқарилгандан сўнг қолган активлар фоизини англатади. Баланс ҳисоботида акс этадиган ўз капитали банкка қилинган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳамда банкнинг барча қайта молиялаштирилган, банк томонидан тақсимланмаган даромадларидан ташкил топади. Акциядорлик капитали акциядорларнинг банк капиталида иштирок этиш улуши (банкка мулкчилик қилиш ҳуқуқини беради) бўлиб, уларнинг амал қилиш муддати чекланмайди, акциядорлик капиталига дивиденд тулаш талаб этилмайди ва у номинал қийматга эга бўлади. Акциядорлик капитали икки хил кўринишга эга бўлади: а) оддий акция — овоз бериш, қолдиқ

фойдалан улуш олиш, тугатилиш пайтида қолдиқ воситалардан улуш олиш ҳуқуқига эга бўлади; б) имтиёзли акция — оддий акциядорлардан кўра маълум имтиёзларга эга бўлиб, дивиденд ва тугатилиш пайтида кўпроқ улуш олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Аудиторлар банк фойдаланадиган ҳисобварақлар режаси тартиб рақамларини яхши ўзлаштириб олишлари зарур. Чунки бу аудиторларнинг баланс ҳисоботини тузиш, операциялар ҳаққонийлигини далиллаш, иқтисодий моҳиятини таҳлил қилиш ва тушуниш жараёнини енгиллаштиради. Чунки тижорат банклари учун ишлаб чиқилган ҳисобварақлар режаси муҳим ахборот манбаи бўлиб, операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мос равишда юритилишини таъминлайди. Шу боис активларнинг барча ҳисобварақлари 10000 дан 19999 гача бўлган тартибда, пасивларники — 20000 дан 29999 гача, капиталларники — 30000 дан 39999 гача, даромадларники — 40000 дан 49999 гача, харажатларники 50000 дан 59999 гача рақамланиши зарур. Ёки кассадаги нақд пуллар — 10100, ундан олиш — 10300, асбоб-ускуналар — 16500 ҳисобварақ бўйича қайд қилиб борилиши керак.

Баланс ҳисоботида лизингга йўналтирилган маблағлар банди бўлиб, у Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари 17-стандартига мос келади. Мисол учун, банк бинони ўз бўлими ёки бошқа мақсадлар учун ижарага олган бўлса, уни Бош китобда актив сифатида қайд этиши ҳам, қайд этмаслиги ҳам мумкин. Молиявий лизинг — ижара шартларига мувофиқ бинога эгалик қилиш бўйича барча таваккалчиликлар ва мукофотлар ижарага олувчига (банкка) ўтса, бу ҳолда ижара молиявий лизинг ҳисобланади. Бинобарин, банк бинони Бош китобга актив сифатида ва келгусидаги ижара тўловлари бўйича мажбуриятларни қайд этади. Тўловлар амалга оширилиши билан мажбуриятлар қисқариб бориб, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда «ижара харажатлари» деб қайд қилинмайди. Операцион лизинг — агар ижара шартларига мувофиқ, барча таваккалчиликлар ва мукофотлар бинога эгалик қилиш ижарага олувчига (банкка) ўтмаса, ижара операцион лизинг сифатида баҳоланади. Бу ҳолда банк Бош китобга бинони актив сифатида қайд этмайди. Аксинча, фойда ва зарарлар тўғри-

сидағи ҳисоботда ижара тўловлари ижара харажатлари сифатида қайд этилади. Молиявий лизинг ёки операцион лизинг операция моҳиятидан келиб чиқиб эмас, балки ижара шартномаси шаклидан келиб чиқиб аниқланади.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ёки фойда ҳақидаги ҳисобот молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми бўлиб, унда банкнинг муайян давр оралиғида курган фойда ва зарарлари акс этади. Бу ҳисобот ҳисоблаш усулига асосланади, яъни фойда ишлаб топилган пайтда, зарар эса пул маблағлари олинган ёки сарфланганидан қатъи назар, кўрилган пайтда тан олинади. Бухгалтерия ҳисобида ҳисоблаш усули ҳозирги замон бухгалтерия ҳисобини юритиш тизимида фойдани ўлчашнинг асосидир.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда асосий урғу ссудаларга қаратилади. Чунки ссудалар банкнинг асосий фойда топадиган манбаидир. Муддати узайтирилган ссудалар эса банкнинг тўловга ноқобиллигини кўрсатувчи амалдаги ягона сабабдир. Ссудаларни ҳисобга олиб бориш банк раҳбарияти учун муҳим иқтисодий қарорлар қабул қилишда асосий ахборот манбаи ҳисобланади. Ссудаларни ҳисобга олиб бориш унчалик мураккаб эмас. Аммо берилган ҳар бир қарз ва унга ҳисобланган фоизларнинг қайтарилишини аниқлаб олиш зарур. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари 10-стандартида зарар фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботда харажат деб қайд этилиши, агар активлар ёмонлашиш эҳтимоли бўлса, зарар суммаси оқиллона ҳисобланиши лозим.

Ссудалар бўйича эҳтимол тутилган зарарларни баҳолаш (ҳисобварақ номери 56802) ҳисобварағи ссудалар бўйича эҳтимол тутилган зарарлар белгиланганда дебит қилинади. Бухгалтериянинг консерватив мезонларига мувофиқ, бу зарарлар йил бўйича фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда харажат сифатида қайд этилади. Эҳтимол тутилган зарарлар учун резерв (12999 ва ҳоказо) ҳисобварағи ссудалар бўйича эҳтимол тутилган зарарлар белгиланганда кредит қилинади. Бу контрактив ҳисобварақ ссудаларнинг соф суммасини камайтиради. Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизлар (16309 ҳисобварағи) ишлаб топилган, аммо ҳали олинмаган фоизлар суммаси дебит қилинади. Ҳисобланган кредит фоизлари фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда фоизли даромадлар банкида акс этили.

Фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботнинг тақсимланмаган фойда бандида банкнинг эълон қилган дивидендлари олиб ташлангандан кейинги жамгарган фойда ва зарарлари акс этади. Тақсимланмаган фойда суммасини аниқлаш учун ҳисобварақлар режасидаги бир неча ҳисобварақларни (30903 — умумий мақсадлар учун резерв фонди, 30906 — девальвация учун резерв, 31203 — тақсимланмаган фойда, 31206 — йил давомидаги соф фойда (зарар)ни билиш шарт.

Умумий мақсадлар учун резерв фонди банк томонидан тақсимланмаган фойданинг бир қисмидан шакллантирилиб, акциядорларга банк томонидан жамғарилган фойданинг маълум бир қисми дивидендлар тулаш учун фойдаланилмаслигини билдиради. Банк резерв фондидан активларини кўпайтириш ёки бошқа мақсадлар учун фойдаланади. Бу фонд тақсимланмаган фойдани тақсимлашдан ҳосил бўлгани боис тақсимланмаган фойдага дебит қилинади. Резерв фондига бошқа ҳисобварақлардан ҳеч қандай ўтказмалар қилинмайди. Умумий мақсадлар учун ташкил этилган резерв фонди банк активлари ҳисобланмайди. Аксинча, у тақсимланмаган фойданинг бир қисми бўлиб, банк капитали ҳисобланади.

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ҳам молиявий ҳисоботларнинг таркибий қисми бўлиб, маблағларнинг манбалари ва улардан қайси мақсадда фойдаланганини кўрсатади. Пул маблағларининг уч хил кўринишдаги ҳаракати (операциялар, инвестициялар, молиялаш) ўртасидаги ўзаро муносабатларни акс эттиради. Бу ҳисобот банкнинг пул маблағларини ишлаб топиш ва бу пул маблағларини фойдаланиш салоҳиятини баҳолаш учун тўла маълумот беради. Шунингдек, бу ҳисобот ундан фойдаланувчилар учун банкнинг соф активларидаги ўзгаришлар, молиявий тузилма (жумладан ликвидлилик ва туловга қобиллик), пул маблағлари ҳаракатини режалаштириш ва назорат қилиш қобилиятини баҳолаш имконини беради. Бу ҳисоботни кўздан кечириб, молиявий операциялар (товарлар сотиб олиш ва сотиш, хизмат кўрсатиш) пул маблағлари ҳаракатига нечоғли таъсир кўрсатганини билиб олиш мумкин.

Бундан ташқари, банк раҳбарлари ташқи аудиторларга банкнинг икки йиллик фаолиятини аудитдан ўтказиш бўйи-

ча ҳам буюртма бериши мумкин. Бундай аудит ўтказилаётганда ҳам юқорида таҳлил қилинган иловадагидек аудит хулосаси тузилади. Икки йиллик баланс ҳисоботлари тузилиши 9-иловада келтирилган.

ХУЛОСА

Ушбу бобда тижорат банкларини ташқи аудитдан ўтказишнинг мазмунини очиб бериш билан самарали банк назорати олиб бориш ўртасидаги боғлиқлик кўрсатилди. Марказий банклар томонидан самарали банк назорати асосан икки усулда олиб борилади.

Америка Қўшма Штатларида тижорат банки фаолияти жойига чиқиб, инспекторлик текширишлари орқали амалга оширилса, Европа давлатларида масофадан туриб тижорат банклари ҳисоботларига асосан текшириш олиб борилади. Масофадан текшириш олиб боришда, тижорат банкларининг ҳақиқий ҳолати мустақил аудиторлик ташкилотларига юклатилади.

Ўзбекистонда ҳам Марказий банк томонидан ташқи аудит фирмаларига сертификатлар берилиши, аудит текширишлари бўйича ҳисоботларни тақдим этишнинг ҳуқуқий асоси яратилганлиги мазкур бобда ўз аксини топган.

III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

1-§. ИЧКИ АУДИТ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Банк тизимидаги ислохотларнинг чуқурлашуви молиявий ресурсларни оқилона бошқариш усуллари ва воситаларидан кенгроқ фойдаланиш, тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштиришда эса бевосита ва билвосита назорат воситаларини кенг қўллашни тақозо этади. Шу бонс Марказий банк тижорат банклари ва уларнинг филиаллари молиявий-хўжалик фаолиятини вақти-вақти билан мунтазам назорат қилиб туришга катта эътибор қаратмоқда. Дунё банкчилик тажрибаси курсатишича, тижорат банклари барқарорлигини сақлашда ташқи ва ички аудит катта аҳамият касб этади. Марказий банкнинг ички ва ташқи аудитни кучайтиришга нисбатан қўяётган қатъий талаблари назорат органлари ва молия-кредит муассасаларининг ўз зиммаларига юкланаётган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажаришига шароит яратмоқда.

Ички ва ташқи аудитдан кутилган асосий мақсад, илгарироқ таъкидланганидек, кўп жиҳатдан ўхшаш бўлиб, назорат қилиб боришдан иборат. Бироқ улар ўртасида муайян фарқлар ҳам борки, бу аудитор характериға боғлиқ. Ташқи аудит ҳисобот тизимини баҳолаш, банкнинг актив ва пасивларини баҳолаш ва текшириш, мавжуд ички назорат тизимини тестдан ўтказишдан иборат. Ташқи аудит текширилаётган банкнинг тақдим этган ҳисоботи ва баланслари ҳақиқатга тўғри келадими ёки йўқми, унинг молиявий аҳволи ва муайян даврдаги фаолияти натижаларини баҳолашдан иборат. Четдан таклиф этилган, мустақил аудиторлик фирмалари томонидан тайёрланган хулосалар юқори ташкилотларга, акциядорлар, кредиторлар ва ҳоказоларга мўлжалланади ва ундан ички аудиторлар ҳам фойдаланади.

Ички аудит ташқи аудитга нисбатан белгиланиши ва ташкил этилишига қараб, бошқача характерга, мазмунга эга бўлади. Ички аудит банк доирасида мустақил бўлима

сифатида банк фаолиятининг ҳар кунги фаолиятини текширувдан ўтказиб боради. Умум томонидан қабул қилинган қоидаларга қўра, ички аудит банкнинг ўз мажбуриятларини самарали бажаришга хизмат қилади, яъни биринчи навбатда муаммоларнинг эндиgina вужудга келаётган даврида аниқлашга йўналтирилган бўлади. Ички аудит бошқарув қўроли, банк операцияларини ички кучлар ёрдамида жуда яқиндан кузатиш имконияти бўлиб, бошқарув мақсадига эришиш кафолатидир. Бунинг учун ички аудит хизмати бошқарувни бажарилган анализ натижалари ҳақидаги ахборот билан таъминлаб, бўлинмалар фаолиятини, ҳар хил йуриқларни таҳлил этиб, уларга юзага чиқаётган муаммоларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар бериб боради. Ички аудит хизмати ходимлари ташқи аудиторлар билан ҳамкорликда иш юритади.

Ички аудит натижалари банк раҳбарлари томонидан амалдаги қонунлар доирасида мавжуд ресурсларни ҳисобга олган ҳолда жорий ишларни бошқаришда фойдаланилади. Шу тариқа ички аудит ташкилотнинг ўз мақсадига эришиши учун хизмат қилади. Банк фаолиятининг ички аудит вазифалари юқорида саналганлардан фарқ қилмайди, аммо банк фаолиятининг хусусиятлари, банк маҳсулотлари, бухгалтерия ҳисоби, ишни ташкил этиш жараёни, таваккалчилик омилларининг кўплиги билан ўзгача хусусиятга эгадир.

Ички аудит жараёнида топшириқларнинг бажарилиши турли-туман бўлиб, унинг мақсади ва ташкилот фаолияти характериға боғлиқдир. Қўйилган вазифаларни ҳар хил мезонларға суянган ҳолда турли йўллар, ҳар хил теранлик ва деталлар билан ечиш мумкин. Бунда стандартлар катта ўрин тутати.

Давлат аппарати ривожланган мамлакатларда аудит муаммоларига, жумладан, ички аудитга катта эътибор берилади. Шу ўринда назорат қилиш юқори институтларининг халқаро ташкилоти The International Organization of Supreme Audit Institutions (INTOSA) бўлиб, унга АҚШ, Англия, Япония каби ўнлаб мамлакатлар аъзодир. Халқаро ички аудиторлар институти The Institution of Internal Auditors (IIA) ҳам мавжуд. Бу йўналишда ҳукуматнинг махсус ташкилотлари, масалан, АҚШда (General Accounting Offis) иш олиб боради. Бу каби идораларнинг ҳар бирида аудит стандартларини ишлаб чиқаритган махсус бўлинма-

лар мавжуд. Бу стандартлардан кутилган мақсад ички аудитнинг аҳамияти ва масъулиятини тушунтириш, ички аудит бўйича бошқарув учун асослар яратиш ва ишларни меъёрлаштириш, ички аудитни ўтказиш тажрибасини такомиллаштиришдан иборат. Стандартларининг асосий принципларига мустақиллик ва объективлик, профессионализм, иш ҳажми, аудиторлик топшириғини бажариш, ички аудит бўлимини бошқариш киради.

Ўзбекистонда тижорат банкларида ички аудитга қўйиладиган талаблар Марказий банкнинг 2000 йил 24 июндаги «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида»ги ва 2000 йил 25 ноябрдаги «Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низомларида белгилаб берилган. Ана шу асосда ҳар бир тижорат банкида мустақил ички аудит хизмати ташкил этилган ва улар ўз фаолиятини Марказий банк талаблари даражасида ташкил этганлар.

Аудит хизматлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари ҳамда ўз низомлари асосида олиб боради.

Аудит хизмати, бугунги кунда, айтиш мумкинки, тижорат банки ва унинг барча филиаллари ва бошқа таркибий тузилмалари фаолиятини аудитдан ўтказиш орқали Банк кенгашига банк фаолияти истиқболлари ва мақсадларига эришишда ҳақиқий кўмакчи бўлмоқда. Аудит хизмати мустақил таркибий тузилма бўлса-да, ўз фаолиятини банкнинг бошқа мустақил бошқармалари билан ҳамкорликда олиб боради. Аудит хизмати бевосита Банк кенгаши ва унинг аудиторлик қўмитасига бўйсунди. Аудит хизматининг таркибий тузилиши ва штат бирлигини ҳам Банк Кенгаши тасдиқлайди.

Бош аудитор (аудит хизмати раҳбари) Банк кенгаши қарори билан тайинланади ва ўз лавозимидан озод этилади. Аудит хизматининг бошқа ходимлари Банк кенгаши раиси томонидан бош аудитор тавсиясига асосан тасдиқланади. Аудит хизмати Банк кенгаши томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига эга бўлади. Харажатлар сметаси ҳар йили бош аудитор томонидан ишлаб чиқилади ва Банк кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Фа-

сига ўзгартириш киритиш мутлақ ҳуқуқига эга. Аудит хизмати ходимларининг иш ҳақлари Банк кенгаши томонидан урнатилади.

2-§. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ КЎЛАМИ

Ички аудит хизматини йўлга қўйишдан кутилган мақсад ички назорат тизими, жумладан, молиявий ҳисоботларни тузиш устидан назорат урнатишдир. Ички аудит томонидан банк фаолияти, бошқарув жараёни сифатини ошириш, банк фаолиятини янада яхшилашга йўналтирилган объектив баҳо ва маслаҳат бериш банкнинг молиявий бозордаги ўрнини мустаҳкамлашга олиб келади. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил этиш Банк кенгашининг зиммасига юклатилган бўлиб, ички назоратнинг самарадорлиги билан боғлиқ масалаларни вақти-вақти билан кўриб боради, банкдаги ички назорат аҳволини банк менежерлари, ички ва ташқи аудиторлар билан муҳокама этади, ички ва ташқи аудиторлар, назорат муассасаларининг банкда аниқланган камчиликларни бартараф этишдаги таклифларининг банк раҳбарлари томонидан бажарилишини таъминлайди, мавжуд таваккалчилик ва лимитларнинг банк стратегиясига мос келишини кузатиб боради. Банк раҳбарияти ходимларнинг ўз бурчларини оғишмай бажаришини таъминлайдиган ваколат ва масъулиятини аниқ белгилаб бериши керак. Чунки банк таваккалчиликларини мониторинг қилиш учун биринчи навбатда банк раҳбарлари жавобгардир.

Ички аудит ўз фаолиятининг мақсадларига эришиш учун асосан қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Банк кенгашини аудит текширувларига асосланган банкнинг ҳақиқий молиявий ҳолати ва банкнинг ички назорат тизими самарадорлиги тўғрисидаги аниқ ва мустақил (холис) маълумотлар билан таъминлаб боради;

- ички аудит тизимининг самарадорлиги ва аудит текширувини ўтказишга доир қабул қилинган тартиб ва тадбирларнинг амалда қандай қўлланилаётгани ва таъсирчанлигини баҳолайди ва таҳлил қилади;

- банк фаолиятида кузланган мақсадларга эришиш учун қўлланилган маъмурий ва амалий тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилади;

– таваккалчиликларни бошқаришга ва уларни баҳолаш услубларига доир тартибларнинг қўлланилиши ҳамда уларнинг самарадорлигини таҳлил қилади;

– молиявий маълумотлар тизимини, жумладан, электрон маълумотлар тизими ва электрон банк хизматларини таҳлил қилади;

– бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлигини таҳлил қилади;

– банк фаолиятининг амалдаги қонун ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини баҳолайди;

– Банк кенгаши томонидан қабул қилинган ички сиёсатлар ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига риоя қилинишини текширади;

– доимий ҳисоботларнинг тулиқлилиги, ишончлилиги ва ўз вақтида тақдим қилинишини текширади;

– бухгалтерия китоби ва молиявий ҳисоботларнинг туғрилиги ва ҳаққонийлигини урганади;

– капитал таркиби ва етарлилиги, активлар сифати ва ссуда портфелини таснифлаш асосида захиралар ташкил қилинишини, баланс ва балансдан ташқари моддалар таркибидаги ўзгаришлар ҳаракати ва жиҳатларини, Бош банк томонидан тасдиқланган Молия режаси ижросининг бажарилишини, даромадлар таркибидаги баланснинг асосий жиҳатларини, бошқарувнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилади;

– Банк кенгаши талабига асосан махсус текширишлар утказишга ёки махсус текширишлар утказишга ёрдам беради.

Шунингдек, аудит хизмати:

– банк ходимларига уларнинг ўз вазифаларини самарали бажаришда кўмаклашиш;

– ойлик, чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни жорий аудитдан утказиш;

– бухгалтерия, амалиёт ва маъмурий назорат тизимининг монандлигини баҳолашга ёрдам беради.

Бундан ташқари, ички аудит хизмати:

– банк ички сиёсати ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқишда қатнашади;

– ўзаро тажриба алмашиш ва малака ошириш мақсадида бошқа тижорат банклари ва ташкилотларнинг ички аудит хизматлари билан ҳамкорлик қилади;

— маълумотларни алмашиш орқали ички аудит ходимлари ташқи аудиторларга ёрдам беради ва уларнинг ишида қўмаклашади;

— ўтказилган аудит текширувлари материалларини умумлаштиради ва Аудиторлик қўмитасига текшириш натижалари туғрисидаги ҳисоботни тақдим этади;

— аудит ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича Банк кенгаши ва Бошқарув томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ва тулиқ ижро этилиши устидан доимий назорат олиб боради.

Аудит хизматини бошқариш. Аудит хизматига Банк кенгаши томонидан тайинланган бош аудитор раҳбарлик қилади. У аудит ўтказишни режалаштиради, сиёсат ва жараёнларни белгилайди, ходимлар малакасини ошириш ва ўқитиш чораларини кўради, сифатга жавоб беради.

Бош аудиторнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— аудит хизмати фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

— аудит хизматининг таркибий бўлимлари тузилишини, уларнинг лавозим вазифаларини, аудит хизматининг низомини, аудит текширишлари тартибларини, аудит хизматининг йиллик харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва ушбу ҳужжатларнинг ички аудит стандартларига мувофиқлигини таъминлайди;

— аудит хизматига малакали ходимларни жалб қилади ва улар фаолиятини бевосита бошқаради;

— аудит хизмати ходимларининг малакаларини ошириш чораларини кўриб боради;

— Банк кенгаши ва аудиторлик қўмитасига аудит хизмати фаолияти бўйича доимий ҳисоботлар бериб боради;

— Бош аудитор лавозим йуриқномасида қайд этилган бошқа вазифаларни бажаради.

Аудит хизмати ходимларининг ҳуқуқ ва ваколатлари. Аудит хизмати ходимларининг ҳуқуқ ва ваколатларининг аниқ белгиланиши ўз фаолиятини сифатли ва самарали бажарилишини таъминлайди. Текширув давомида улар:

— текшириш ўтказиш мақсадида Бош банк ва банк филиалларининг барча бино ва хоналарига, шу жумладан касса тармоғи, пул алмаштириш шохобчалари, жамғарма кассаларига тўсиқсиз кириш;

— банк фаолиятига тегишли бўлган ва аудит текширу-

ви предмети ҳисобланган барча зарур ҳужжатларни банк ва банк филиаллари раҳбарлари ҳамда ходимларидан талаб қилиш;

– текшириш давомида банк ва унинг филиаллари раҳбарлари, ходимларидан юзага келган саволлар бўйича тушунтиришлар олиш, зарур ҳолларда улардан ёзма тушунтиришлар олиш;

– ҳужжатлардан нусхалар олиш;

– зарур ҳолларда, белгиланган тартибда (келгусида сақланиши гумон бўлган) ҳужжатларнинг асл нусхаларини олиб қўйиш;

– алоҳида банк операциялари ва ҳужжатлари текшири-лаётганда расмий сўровнома орқали банк мижозларидан зарур маълумотлар, тасдиқномалар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқ ва ваколатларига эга бўлиши керак.

Бундан ташқари, текшириш жараёнида аниқланган хато ва камчиликлар бўйича филиалларга нисбатан тегишли чоралар қўрилиши тўғрисида Банк кенгашига тақлифлар киритиб бориши лозим.

Аудит хизмати ходимларининг мажбуриятлари ва масъулияти. Аудит хизмати ходимлари банк фаолиятининг барча қирраларини текшириш ҳуқуқи, ўз навбатида, уларга муайян мажбуриятлар ҳам юклайди, ҳисоботларнинг тўғри ва ҳаққоний тузилишида катта масъулиятга эга бўладилар. Бу жиҳатдан улар:

– банк муассасасида текшириш ўтказиш ҳақидаги фармойиш ва хизмат гувоҳномасига эга бўлиши;

– банк ва унинг филиалларида ўтказилган текшириш жараёнида маълум бўлган банк ва тижорат сирларининг махфийлигини таъминлаши;

– аудит текширувларини мутлақ мустақил равишда олиб бориши;

– аудит текширувларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиши;

– текшириш натижалари бўйича ўз вақтида холис аудит ҳисоботларини тайёрлаши ва тақдим этиши;

– аудит текшируви ўтказишга доир Марказий банк меъёрий ҳужжатлари ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига риоя қилиши лозим.

Шу билан бирга ички аудит хизмати ходимлари:

– текшириш натижаларини бузиб кўрсатгани, банк ва

унинг филиаллари молиявий ҳолатига холис баҳо бермагани;

— текшириш жараёнида маълум бўлган банк ва тижорат сирларининг махфийлигини таъминламагани;

— текшириш давомида олинган ҳужжатларнинг бутлиги ва қайтарилишини таъминламагани учун ички аудит хизмати ходимлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва банкнинг тегишли ички меъёрий ҳужжатларига биноан жавобгар бўлиши лозим.

Ички аудит хизмати ходимларига нисбатан ва текширувларни ўтказиш учун белгиланган талаблар. Ички аудит хизмати ходимларининг профессионал малакаси ички аудит хизмати ва ҳар бир аудиторнинг масъуллигини белгилайди. Ҳар бир аудитор бухгалтерия ҳисоби, иқтисодиёт, молиявий иш, статистика, маълумотларни қайта ишлаш, техника, солиққа тортиш ва ҳуқуқ соҳасида пухта билимга, иш фаолияти давомида ички аудит стандартлари, процедуралари ва усуллари, бухгалтерия ҳисоби принципи ва методлари, бошқарув принциплари, ЭҲМда жойлаштирилган ахборот тизими ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим. Бунда:

— бажараётган вазифалари характериға мос олий маълумотга ҳамда тегишли касбий куникма ва малакага эга бўлишлари;

— банк қонунчилиги ҳамда Марказий банкнинг банк фаолиятини тартибга солувчи йуриқнома ва меъёрий ҳужжатларини билишлари;

— умумий қабул қилинган халқаро бухгалтерия ва аудит андозаларини яхши билишлари;

— ўз малакаларини доимий равишда ошириб боришлари;

— вазифаларни ҳал этиш кўлами ва муддатига доир аудиторлик дастурлари режалаштирилаётганда чекловларга эга бўлмасликлари лозим.

Текширувлар «Аудит хизматининг банклар фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш тўғрисида»ги тартибига асосан амалга оширилади.

Аудит хизматининг иш дастури:

— аудит текшируви аниқ мақсадга эга бўлиши;

— дастур қамров доираси аудит мақсадларига эришиш учун зарари бўлиши;

— бажарилган иш режаси ва куриладиган ҳар бир тармоқнинг зарур тамойиллари тасвирини ўз ичига олиши талабларига жавоб бериши лозим.

Амалга оширилаётган амалиётлар ҳажми ва мураккаб-лигига ёки ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатларнинг ўзгаришига қараб дастурга киритилган тамойиллар ўзгариб ту-риши мумкин.

Аудиторлик ҳисоботига қўйиладиган асосий талаблар. Аудиторлик ҳисоботи аудит текшируви тугаши билан қисқа муддат ичида тайёрланади. У ўз ичига аудит текшируви мақсади ва объекти, текшириш вақтида аниқланган муаммо ва камчиликлар, аниқланган ҳар бир муаммони бартараф этиш бўйича таклифларни қамраб олган бўлиши шарт.

Муаммоларни бартараф этиш бўйича тайёрланган таклифларда аниқланган муаммоларнинг қисқача тавсифи, бу муаммоларни тўғрилаш бўйича амалга ошириладиган чоралар, уларга бириктирилган масъул ходимлар ва чораларни амалга ошириш учун белгиланган муддатлар кўрсатилган бўлиши лозим.

Аудит хизмати ходимларининг ҳисоботлари бевосита Банк кенгашига ва аудиторлик қўмитасига тақдим қилинади. Ушбу ҳисоботларнинг нусхалари Банк бошқаруви-га, аниқланган камчиликларга тегишли бўлган қисми эса муайян бошқармаларга тақдим этилади.

Аудит хизмати текшириш жараёнида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича филиаллар томонидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва уларга амал қилинишини назорат этиши лозим.

3-§. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ТОМОНИДАН АУДИТ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА ЖАРАЁНЛАРИ

Аудит текширувларини ўтказишдан мақсад, Бош банк-ни ва унинг барча филиаллари фаолиятини аудитдан ўт-казиш, банклар фаолиятини тартибга солувчи қонунчи-лик ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини назорат қилиш, бухгалтерия, операция ва маъмурий назорат ти-зимлари монандлигини баҳолаш, филиаллар фаолиятини таҳлил ва назорат қилиш орқали Банк кенгаши ва Банк бошқаруви-га банк фаолияти бўйича белгиланган истиқ-бол ва максалларга эришишда қўмаклашишдан иборат

Аудит ўтказиш тартиби ва жараёнлари. Бош банк ва филиаллар фаолиятини аудитдан ўтказиш Банк кенгаши томонидан тасдиқланган «Аудит хизматининг филиаллар фаолиятини аудитдан ўтказиш бўйича текшириш режаси»га асосан амалга оширилади ва ушбу ҳужжат махфий ҳисобланади. Текшириш режасига Бош банк ва унинг барча филиаллари киритилган бўлиши лозим. Филиалларнинг молиявий аҳволи ёхуд иқтисодий кўрсаткичлари кескин ўзгарган ҳолатларда текшириш режасига ўзгартириш киритилиши мумкин.

Аудит текширувлари аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади.

Филиалларда аудит ўтказиш бўйича аудит хизмати ходимлари сафидан аудит ўтказиш ишчи гуруҳи тузилади. Ушбу гуруҳ аъзоларидан гуруҳ раҳбари тайинланади. Гуруҳ раҳбари мазкур гуруҳ ишини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради, гуруҳ аъзоларига аудит ўтказиш бўйича топшириқларни тақсимлайди, улар томонидан тайёрланган материалларни умумлаштиради ва ушбу материаллар учун жавобгар ҳисобланади, текширилаётган филиалдаги вазият ва муаммолар ҳақида вақти-вақти билан Бош аудиторни хабардор этиб туради.

Аудит ўтказиш ишчи гуруҳи текшириш режалаштирилган Бош банк ёки филиал фаолиятини аудит текширувидан ўтказишдан олдин, текшириладиган банк муассасасида унинг фаолияти аҳволини тавсифловчи илгариги текширув материаллари билан танишиб чиқишлари лозим. Бунда мазкур филиал асосан қайси соҳалар бўйича камчиликларга йўл қўйгани ва бу камчиликларнинг қанчалик бартараф этилганига эътибор қаратилади. Шунингдек, аудит ўтказилиши кутилаётган филиалнинг Бош банкка берган ҳисобот ва маълумотлари билан танишиб чиқишлари лозим ва бунинг учун уларга тегишли бўлган ҳисоботлар ва ҳужжатлар тўплами Бош банкнинг тегишли бошқарма ва бўлимларидан талаб қилиб олинади.

Муайян филиал ёки Бош банкда аудит текшируви ўтказиш бўйича расмийлаштирилган фармойиш (10-илова) асосида амалга оширилади. Аудит ўтказиш тўғрисидаги фармойишлар аудит хизмати томонидан алоҳида китобда рўйхатга олиб борилади.

Фармойишда аудит ўтказилаётган филиалнинг тўлиқ

номи, текшириш даври ва муддатлари, аудит текшируви-
га қатнашувчи аудит хизмати ходимларининг рўйхати, гу-
руҳ раҳбари аниқ кўрсатилиши шарт. Аудит ўтказилиши
учун расмийлаштирилган фармойишлар филиаллар касса
тармоқларида тўсатдан текширув ўтказишни таъминлаш
мақсадида бир марталик рухсатнома расмийлаштирмас-
дан ҳамда касса учун масъул мансабдор шахсларнинг бит-
таси бўлган тақдирда ҳам филиаллар кассаларида текши-
рув ўтказиш ҳуқуқини беради.

Муайян банк муассасасида аудит ўтказиш тўғрисида-
ги фармойиш билан мазкур банк раҳбари таништирили-
ши лозим. Ўтказилаётган аудит текширувининг белгилан-
ган тартибда ва ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш учун
аудит хизмати ходимларига тегишли шарт-шароит яратиб
берилишига филиал раҳбарлари масъул ҳисобланади. Ауди-
торларнинг компьютер тизимидаги дастурий таъминот-
лар ва маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятла-
ри чекланмаслиги лозим.

Аудиторлар томонидан талабнома (11-илова)га асосан
талаб қилинадиган барча ҳужжатларнинг ўз вақтида тақ-
дим қилиниши учун филиаллар ходимлари масъул бўлади.
Аудит ўтказилиши бўйича талаб қилинадиган ҳужжатлар-
нинг ўз вақтида тақдим қилинмаслиги бевосита аудит тек-
шируви муддатининг узайишига таъсир кўрсатади ва ушбу
ҳолат мазкур филиал ходимларининг масъулиятсизлиги
деб баҳоланади.

Алоҳида банк операциялари ва ҳужжатлари текшири-
лаётганда расмий сўровнома орқали банк мижозларидан
зарур маълумотлар, тасдиқномалар ва ҳужжатлар ҳам та-
лаб қилиб олинishi мумкин.

Филиаллар фаолияти аудитдан ўтказилаётганда айрим
ҳолатларда ҳужжатлардан нусхалар олинishi, зарур ҳол-
ларда эса белгиланган тартибда ҳужжатлар расмийлашти-
рилгандан сўнг, ҳужжатларнинг асл нусхалари олинishi
мумкин.

Аудиторлар текширув ўтказиш жараёнида айрим ҳо-
латлар бўйича йўл қўйилган камчиликлар юзасидан фи-
лиал ходимларидан тушунтириш хатлари талаб қилиши
мумкин.

Аудит текширувининг сўнгги босқичида текширув ма-
териаллари умумлаштирилиб, далолатнома расмийлаш-

тирилади ва ушбу ҳужжат аудитда қатнашган барча аудит хизмати ходимлари ҳамда филиал раҳбарияти томонидан имзоланади. Филиал раҳбарлари ушбу материалларни имзолашдан бош тортган ҳолларда эса ёзма равишда тушунтириш беришлари шарт.

Амалиёт кассалари бўйича тузилган материаллар махфийлиги туфайли алоҳида далолатнома расмийлаштирилади ҳамда ушбу ҳужжат филиал кассасида иштирок этган аудиторлар ва касса учун масъул филиал ходимлари томонидан имзоланади. Ушбу ҳужжатнинг биринчи нусхаси филиалнинг махсус бўлими орқали Бош банкка жўнатилади ҳамда унинг тўлалигича ва ўз вақтида жўнатилиши учун филиал раҳбарлари жавобгар ҳисобланади.

Текширув материаллари давлат тилида ёзилади.

Аудит текширувлари тугаши билан аудит хизмати томонидан қисқа муддат ичида аудиторлик ҳисоботлари тайёрланади. Ушбу ҳисоботлар бевосита Аудиторлик қўмитасига тақдим этилади. Бошқармаларга тегишли бўлган аудит хизматининг материалларида акс эттирилган камчиликлар юзасидан уларни бартараф этиш бўйича қандай тадбирлар ишлаб чиқилиши, камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан қандай чоралар курилиши кераклиги ҳақида икки кун муддат ичида тегишли бошқармалар ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма равишда аудит хизматига тақдим этишлари лозим.

4-§. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ИШ ДАСТУРИ

Тижорат банкларининг Аудит хизмати Марказий банкнинг 2000 йил 25 ноябрдаги «Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низоми ҳамда аудиторлик фаолиятига тааллуқли бошқа меъёрий ҳужжатларига асосан ишлаб чиқилган ўз иш дастурига эга бўлиши лозим.

Аудит хизматининг иш дастури Бош банк ёки филиаллар олдида турган барча (кредит, операцион, ликвидлилик, фоиз ставкалари, валюта, ҳуқуқий, ўз мавқеини йўқотиш) таваккалчилик даражаларини баҳолаб беришга қаратилади.

Аудит хизматининг иш дастури қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим.

- аудит текшируви аниқ мақсадга эга бўлиши;
- дастур қамров доираси аудит мақсадларига эришиш учун етарли бўлиши;
- бажарилган иш режасини ва ҳар бир кўриладиган тармоқнинг зарур тамойиллари тасвирини ўз ичига олиши лозим.

Амалга оширилаётган амалиётлар ҳажми ва мураккаб-лигига ёки ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатларнинг узгари-шига қараб дастурга киритилган тамойиллар узгариб ту-риши мумкин.

Бош банк ёки филиаллар фаолияти аудит текшируви-дан ўтказилганда, қуйидаги масалаларни ёритиб бериши лозим:

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчи-лигига ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига риоя қилинишини;

- Бош банк ёки филиалнинг иқтисодий-меъёрий кўр-саткичларини, маблағларнинг етарлилигини, ликвидли-лигини, активлар сифатини;

- кредиторлар ва омонатчилар олдидаги ўз мажбурият-ларини бажара олаётганини;

- банкларнинг депозит, кредит, пул муомаласи, ҳи-соб-китоб, касса, валюта ва бошқа операциялари бўйича ўтказилган амалларнинг тўғри ва асослилигини;

- ички назорат аҳволини, тузилаётган ҳисоботларнинг ўз вақтида ва тўғри тузилиб, тегишли жойларга тақдим этилаётганини;

- ходимларнинг ижро интизомини;

- филиал раҳбарларининг банк ишини қай тарзда таш-кил қилганини ҳамда банк даромадларини ошириш ва ха-ражатларни камайтириш борасида олиб бораётган ишла-рини аниқлашдан иборатдир.

5-5. ИҚТИСОДИЙ МЕЪЁРЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНИШНИ АУДИТДАН ЎТКАЗИШ

Бош банк ва филиалларнинг иқтисодий меъёрларга риоя қилинишини аудитдан ўтказиш Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва бевосита тижорат банкининг ус-лубий кўрсатмаларига асосланган ҳолда ўтказишлари ва бу-да қуйидагиларга эътибор берилиши лозим.

— кредит, инвестиция, қимматли қоғозлар портфеларининг ҳолати;

— филиаллар фаолиятининг рентабеллик курсаткичлари (даромадлар, харажатлар, фойда), фойдани тақсимлаш тартиби, харажатларнинг тасдиқланган сметаларга риоя қилиниши;

— ликвидли активларнинг етарлилик даражаси;

— даромад келтирадиган ва даромад келтирмайдиган активларнинг салмоғи;

— мажбурий захира жамғармасига маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ ўтказиш қоидаларига риоя қилиниши;

— Бош банк ёки филиалларнинг фойда ва зарарлари ҳақидаги ҳисоботлари таҳлил қилинади.

6-§. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА БАНК ИЧКИ НАЗОРАТИНИ АУДИТДАН ЎТКАЗИШ

Текширилаётган Бош банк ёки филиалда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва назорат ишлари қай даражада ташкил этилганига аҳамият берилиши керак, бунинг учун текширишни мазкур банкда бухгалтерия ишлари бухгалтерия ходимлари ўртасида қай даражада тақсимлангани, ходимларнинг лавозим вазифалари, ички назорат гуруҳи иш режалари, улар томонидан тузилган маълумотномаларнинг сифатлилиги, бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш бўйича тутилган журналларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги, ҳужжатлар айланиши ва миқдорларга хизмат кўрсатиш жадвалларига риоя этилаётганлиги аудитдан ўтказилади.

Текшириш кунига банк баланси олиниб зарур тарзда тўлиқ таҳлил қилингандан сўнг, қуйидагилар текширилади.

— Бош ва Ёрдамчи китоблардаги амал қилиб турган ҳисобварақлар (депозит, қарз, банкнинг ички ҳисобварақлари ва бошқа ҳисобварақлар), инкассо ҳужжатлари, иш ҳақи тўлаш учун берилган маблағлар ҳисобини юритиш карточкалари ва умуман, аналитик ҳисоб билан синтетик ҳисобларнинг бир-бирига мослиги;

— текширилаётган даврда очилган ҳисобрақамлари бўйича ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари йиғма жилдларининг тўлиқлиги, ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги;

— миждозларнинг ҳисоб-китоб операциялари бўйича ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши, бухгалтерия ходимлари томонидан ушбу ҳужжатларнинг ижро учун тўғри қабул қилиниши;

— қатъий ҳисобдаги бланкаларнинг бут сақланиши ва улар ҳисобининг тўғри юритилаётгани;

— электрон тўлов ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлиги;

— бухгалтерия кирим-чиқим ҳужжатларининг ўз вақтида расмийлаштирилиши ва уларнинг ўрнатилган тартибда архивга топширилиши;

— жорий ойдаги шахсий ҳисобварақлар маълумотларини йиғиш ҳамда уларни белгиланган тартибда жорий архивда сақлаш тартиблари;

— савдо ташкилотларига очилган субҳисобрақамлар орқали амалга оширилаётган операциялар аҳволи;

— бюджетга тўловларни ҳужалик органларининг ҳисоб-рақамларидан мутаносиб равишда ўчириб боришнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши.

7-§. БАНКНИНГ МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ ХАРАЖАТЛАРИНИ АУДИТДАН ЎТКАЗИШ

Бош банк ёки филиалнинг бевосита ички фаолиятига боғлиқ бўлган ҳисобварақлари бўйича операциялари аудити ҳам Бош ва Ёрдамчи китоблар маълумотномаларини бир-бири билан таққослаб текширишдан бошланади.

Мазкур ҳисобварақлар бўйича амалга оширилган операцияларнинг қонунийлиги бирламчи ҳужжатлар асосида текширилади ва бу ҳужжатлар шахсий ҳисобварақлардаги ёзувлар билан солиштириб чиқилади.

Бош банк ёки филиалларнинг лавозимлар жадвали текширилганда, лавозим жадвалларининг Бош банк томонидан белгиланган фоизларда қисқартирилишига амал қилингани, ўрин жадвалидан ташқари ишлаётган ходимларнинг бор-йўқлиги, ишлаётган ходимлар билан «Меҳнат шартномаси» тузилганлиги кўриб чиқилади.

Шундан сўнг, банк лавозимлар жадвали билан ходимларнинг меҳнат дафтарчалари, уларнинг иш ҳақини ҳисоблаш варақалари ва табеллар бир-бири билан солиштириб текширилади.

Лавозимлар жадвали, табеллар, иш ҳақини ҳисоблаш варақалари, меҳнатга лаёқатсизлик варақалари асосида ҳодимлар учун ҳисобланган меҳнат ҳақлари танлов йўли билан текширилади.

Филиалларнинг даромад ҳисобварақлари текширилганда қуйидагиларга эътибор берилади:

- берилган кредитлар учун фоизларнинг ўз вақтида тўғри ҳисобланиши ва банк даромадига олиб борилиши;

- ҳисоб-китоб касса хизматлари учун белгиланган тарифга амал қилиниши;

- ҳисоб-китоб касса хизматлари кўрсатилгани учун олинадиган фоизларнинг тўғри ҳисобланиши ва даромад ҳисобварақларига олиб борилиши аудитдан ўтказилади.

Аудит жараёнида банк балансидаги асосий воситалар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар, омборда сақланаётган моддий ашёлар рўйхат (инвентаризация)дан ўтказилади.

Бош банк ёки филиалларнинг операцион харажатлари бўйича қуйидагилар аудит текширувидан ўтказилади:

- «Банк биноси, мебель ва ускуналар» ҳисобварақлари бўйича ўтказилган операцияларнинг асосли ва тўғрилиги, улар бўйича инвентар варақчаларнинг ўз вақтида очилиши ва юритилиши, сотиб олинган асосий воситаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ кириш қилиниши, асосий воситалар учун эскириш суммаларининг белгиланган меъёрида ҳисобланаётгани;

- иш ҳақи фондидан қилинаётган ажратмаларнинг тўғри ҳисобланиши ва ушбу ажратмаларни тегишли ҳисоб-рақамларга ўз вақтида ўтказилиши;

- автотранспортдан фойдаланиш ва уни жорий таъмирлаш харажатлари ҳисобининг юритилиши ва мазкур ҳисоблар бўйича тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўлиқлиги.

- автотранспортлар учун ёқилғиларнинг сотиб олинishi, кириш қилиниши ва белгиланган меъёрида сарф қилиниши;

- Бош банк ва филиалларнинг реклама ва эълон, ёзув чизув анжомлари, почта, телефон-факс, даврий нашрлар учун қилинган харажатлар ҳисоби;

- бюджетга туланадиган солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ҳамда ўз вақтида ўтказилиши;

- ҳар хил фондлар ва ҳомийлик ёрдамлари учун ўт-

қазилган маблағларнинг ҳисоби ва асослилиги аудитдан ўтказилади.

Шунингдек, Бош банк ёки филиаллар томонидан имзоланган барча шартномалар («ҳисоб-китоб банк шартномалари», «Мол етказиб берувчилар ёки иш ва хизмат кўрсатувчилар билан тузилган шартномалар», агар мавжуд бўлса, ижара (бино, ускуналар, транспорт воситалари) шартномаларининг қай тарзда тузилганлиги, амал қилиш муддатлари, шартнома талабларига риоя қилиниши текширилади.

8-§. КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ АУДИТДАН ЎТКАЗИШ

Кредит ҳисоб-китоб операциялари аудити Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва бевосита тижорат банкнинг кредит сиёсатига асосланган ҳолда ўтказилади.

Кредит портфели таҳлилига асосланган ҳолда аудит муайян берилган кредитга банкнинг таваккалчилигини аниқлайди. Ушбу босқич алоҳида эътибор беришни талаб этади. Чунки аудиторлар таваккалчилик даражасига қараб аниқ кредитга нисбатан ҳисобланган захирани қупайтириш ёки камайитиришга ҳақлидир, бу эса банк активининг сифатида ўз ифодасини топади.

Кредит портфелининг ҳолатини таҳлил қилишда аудитор кредит бериш билан боғлиқ бир нечта курсаткичларни, яъни берилган кредитнинг ўзига хос хусусияти, унинг таъминланиши, фоизларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида даромад ҳисобварақларига олиниши, қайтарилиш муддатлари ва ҳоказоларни ўрганиши лозим бўлади.

Кредит портфели бўйича қуйидагилар аудитдан ўтказилади:

- кредит олиш учун берилган буюртмаларнинг махсус китобда рўйхатдан ўтказилиш тартиби;
- ажратилган кредитлар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, ҳужжатларнинг тўлиқлиги, кредит қайтарилган ҳолатда ҳужжатларнинг белгиланган тартибда архивга топширилиши;
- кредитларнинг ҳар бир турига очилган аналитик ҳисобларнинг юритилиш тартиби;
- кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг ўз вақтида

ва тўғри ҳисобланиши, уларнинг тегишли ҳисобварақларга ўз вақтида ўтказилиши;

— муддати ўтказиб юборилган кредитлар ҳисобини ўз вақтида бухгалтерия ҳисобварақларида акс эттириш тартиби;

— берилган кредитлар учун талаб қилиб олинган муддатли мажбуриятномаларнинг тулиқлиги ва уларнинг ҳисоби;

— кредит портфели текширилгандан сўнг, йул қўйилган хатоликларни кўрсатиб бериш ҳамда уларни бартараф этиш ва кредит портфели сифатини яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши талаб этилади.

9-§. ЭМИССИЯ-КАССА ИШЛАРИНИ АУДИТДАН ЎТКАЗИШ

Эмиссия-касса ишларини аудитдан ўтказиш Марказий банкнинг 2003 йил 1 августдаги «Тижорат банкларида касса ишларини ташкил қилиш, пул тушумини инкассация қилиш ва бойликларни ташишга доир йўриқнома», 1993 йил 23 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларига кириб-чиқиш тартибини ташкил этиш қондалари», 1993 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муассасаларида касса тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш учун қўйиладиган техник талаблар» ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ўтказилади.

Текширувни ўтказишда биринчи навбатда операцион қайта санаш, кечки кассаларнинг қолдиғини олиш ва бошқа қимматликлар қолдиғини санаш, уларни касса журналлари ва банк баланси билан солиштириб текшириш, шу билан бирга касса ишининг қандай ташкил этилганига эътиборни қаратиш зарур. Чунки касса ишини тўғри йўлга қўйиш ҳамда давлат маблағлари ва бойликларининг сақланишини таъминлаш масалалари фақат шунга боғлиқ.

Нақд пулларнинг мавжудлиги тафтиш қилиниб, мажбурият филиал ёки Бош банкнинг амалиёт кассаси иш тартиби билан танишилганидан сўнг, қўйидагилар текширилади:

— касса операцияларининг лавозимлар жадвали, уларнинг тўлдирилганлиги, вазифаларнинг ходимлар уртасида тўғри тақсимлангани;

— ходимларнинг узлари бажараётган ишлари буйича йўриқномаларни қай даражада билишлари, улар билан техник ўқувлар ўтказилиши;

— иш вақти ва ишдан ташқари вақтда пул маблағлари ва бойликларни сақлашнинг таъминлангани;

— қатъий ҳисобда турадиган бланкаларнинг ҳисобини юритиш тартиби;

— савдо тушумларининг кечки кассаларга қабул қилиниши ва уларнинг қайта санаш кассасига тўғри ўтказилиш тартиби;

— касса тармоғи, пул сақлаш омборхоналари ва кассирлар иш жойларининг жиҳозланиши, пул маблағларини касса тармоқлари ичида ташишнинг техник талабларига мослиги;

— касса учун масъул ходимлар алмашганда ўтказиладиган ва чораклик касса текширишларининг тўғри ўтказилиши;

— операция кассалари ва пул сақлаш омборхоналарини ёпиш тартиби;

— кунлик касса ҳужжатларини расмийлаштиришнинг тўғрилиги, уларни сақлаш тартиби;

— пул сақлаш омборларини очиш, ёпиш, муҳрлаш, қўриқлаш хизматига топшириш ва қабул қилиб олиш қоидаларига риоя қилиниши;

— қўриқлаш хизмати, рухсатнома тартиби, қўриқлаш-ёнғиндан муҳофазалаш ва хавфдан огоҳ этувчи қўрилмаларининг аҳволи;

— оборот кассаларининг белгиланган лимитга риоя қилиниши;

— пломбирлар, муҳрлар, штамплар, клишелар ва калитларнинг ҳисоби ва уларнинг сақланиши;

— касса тармоқларидаги эшиклар ва деразаларнинг мустаҳкамлиги, ички тамбаларнинг мавжудлиги;

— кунлик касса ҳужжатларининг расмийлаштирилиш тартиби, барча ҳисоб юритиш дафтарларининг юритилиши;

— рухсатномаларни бериш тартиби, ишлатилган рухсатномаларнинг белгиланган муддатгача сақланиши, ушбу муддатдан сўнг уларни ҳисобдан чиқариш тартиби ва тўғри расмийлаштирилиши аудитдан ўтказилади.

10-§. ПУЛ МУОМАЛАСИ ИШЛАРИНИ АУДИТДАН ЎТКАЗИШ

Пул муомаласи ишлари аҳволини текширишда асосан Марказий банкнинг амалдаги йўриқномалари ва Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва кўрсатмаларга асосан текширилади. Бунда асосан қуйидагиларга эътибор бериллади:

- пул муомаласи ишининг қандай ташкил этилгани;
- пулнинг кассага қайтиш коэффицентининг асосли равишда тузилиши ва таҳлил қилиниши;
- корхона ва ташкилотлар томонидан касса буюртмаларининг ўз вақтида ва тўлиқ йиғиб олинishi;
- корхона ва ташкилотлар томонидан нақд пул тушумларининг банкка топширилиш ҳисобининг тўғри юритилиши;
- Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларининг ижроси;
- корхона ва ташкилотларга иш ҳақи бериш жадвалларининг мавжудлиги ва унга амал қилиниши;
- ҳужалик юритувчи субъектларга касса қолдиғи лимитларининг тўғри ва тўлиқ ўрнатилиши;
- савдо ва носавдо ташкилотларига нақд пул тушумларидан ишлатиш меъёрларининг тўғри ўрнатилиши;
- корхона ва ташкилотларнинг касса интизомларини текширишда уларнинг касса амалиётларини бажариш қоидаларига риоя қилиши, касса интизоми бўйича текшириш режаларининг бажарилиши ҳамда сифати ва самарадорлиги;
- банк иқтисодчилари томонидан текширишлардаги хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан банк раҳбарияти томонидан курилган чора-тадбирларнинг аҳволи текширилади.

11-§. ЖАМҒАРМА ИШЛАРИНИ АУДИТДАН ЎТКАЗИШ

Жамғарма ишлари аудитдан ўтказилётганда қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим:

- жамғарма кассаларида мавжуд бўлган нақд пул маблағларининг бухгалтерия ҳисобига тўғрилиги;
- қимматли қоғозларнинг сақланиши;

– аҳолининг буш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича ўрнатилган режа курсаткичларининг бажарилиши ва унинг таҳлили;

– омонатчиларга омонат дафтарчалари очиш тартиби ва уларнинг тўғри юритилиши;

– жамғармалар бўйича фоизларнинг тўғри ҳисобланиши ва бухгалтерия ҳисобварақларида акс эттирилиши;

– жамғарма операциялари охириги назорат бўлими ишларини текшириш;

– жамғарма кассаларининг мавжуд компьютер техникалари билан таъминлангани;

– жамғарма кассаларининг иш тартиби, қатъий ҳисобда турувчи бланкалар ҳисобининг тўғри юритилиши ва уларнинг сақланиши;

– аҳолидан маиший хизмат туловларининг тўғри қабул қилиниши ва ушбу туловларнинг тегишли ҳисобварақларга ўз вақтида ўтказилиши;

– омонат кассаси бўйича иш режаларнинг мавжудлиги ва унга амал қилиниши ҳамда бошқа талаб этилган ишлар аудитдан ўтказилади.

12-§. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АУДИТДАН ЎТКАЗИШ

Ушбу ишлар аудитдан ўтказилганда қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим:

– қимматли қоғозлар бўйича даромадларнинг тўғри ҳисобланиши ва уларнинг тегишли ҳисобварақларда ўз вақтида акс эттирилиши;

– қимматли қоғозларнинг сақланиш тартиби;

– акциядорлар реестрининг юритилиш тартиби;

– акциядорларга ҳисобланаётган дивидендларнинг тўғри тўланаётгани аудитдан ўтказилади.

13-§. ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АУДИТДАН ЎТКАЗИШ

Валюта ҳисоб операцияларини текширишда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилади:

– валюта ҳисобрақамларини очилиш тартиби ва ҳужжатларнинг тўлиқлиги;

– экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга олиш буйи-

ча очилган ҳисобрақамлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг тўғри олиб борилиши;

— чет эл валюталарида амалга оширилган операцияларнинг ўз вақтида ва тўғри ўтказилгани;

— экспорт ва импорт шартномаларини ҳисобга олишда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига қатъий амал қилиниши;

— Бош банк ёки филиалларда ташкил этилган валюта айирбошлаш шохобчалари, уларнинг рўйхатдан ўтганлиги, жиҳозланиши ва техник ҳолати, валюталарни сотиб олиш ва сотиш тартиблари аудит текширувидан ўтказилади.

Бош банк ёки филиалларда архив ишларини юритиш ишларини текшириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси банкларида архив ишларини юритиш тартиби» йўриқномаси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ўтказилади.

14-§. ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА АУДИТ-ДАН ЎТКАЗИШ

Маълумки, банк операциялари бозор шароитида таваккалчилик асосида амалга оширилади. Таваккалчилик асосида амалга оширилган барча банк операцияларида қанчалик зарар олиб келиши ёки кўзланган фойдани ололмаслик эҳтимоли мавжуддир. Бунда авваламбор таваккалчилик даражасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Таваккалчилик мавжуд бўлган банк операцияларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- кредит таваккалчилиги;
- фоиз тўловлари таваккалчилиги;
- ликвидлилик таваккалчилиги;
- ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга мос келмаслиги таваккалчилиги.

Банк операцияларининг ҳар бир тури учун таваккалчилик даражаси аниқланади. Шу боис ҳар банкда таваккалчилик даражасини белгилаш мезони ишлаб чиқирилиши ва у доим такомиллаштирилиб борилиши керак.

Тижорат банкининг ҳар бир сегментида таваккалчи-

калчилик даражасини қанчалик камайтириш имконияти борлигини текширади. Барча операциялар бўйича таваккалчиликларни баҳолайди ва хулосаларни ҳужжатлаштиради. Қуйида таваккалчиликларни бирма-бир кўздан кечириб чиқамиз.

Кредит таваккалчилиги — тижорат банкларидаги таваккалчиликлардан энг асосийси бўлиб, бунда қарз олувчи ўз зиммасига олган мажбуриятларини вақтида тўлиғича бажара олмаслиги мумкин. Миждозларнинг қарзни ўз вақтида қайтара олмаслик эҳтимоли юқори бўлган ҳолларда банк таваккалчилиги билан юқори фоиз ўрнатади ва фойда олишга эришади.

Банкда кредит таваккалчилиги янги ссуда берилганда, ссудалар бошқа банклардан сотиб олинганда, сотилганда, ссуда беришда қатнашганда ва бошқа банкларга берилган кредитлар учун кафолат таъминлаганда вужудга келади. Уларнинг ҳаммасида банк кредит таваккалчилиги мавжуд бўлиб, таваккалчилик даражаси ҳар хил бўлади.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан кредит операциялари амалга оширилганда қуйидаги қўшимча таваккалчиликлар учраши мумкин:

Гаров таваккалчилиги — бу гаров ҳужжатлари тўғри расмийлаштирилмаган, гаровга қўйилган мол-мулк банк назоратидан четда қолган, гаровга қўйилган мулкнинг нархи тушаётган бўлса ёки табиий офат натижасида вужудга келиши мумкин.

Концентрация таваккалчилиги — кредит портфелининг инкисодиёт тармоқларида, ҳудудларда ва айрим олинган қарздорлар ўртасида нотўғри диверсификация қилиш (тақсимлаш) натижасида вужудга келиб, ушбу тармоқ ва ҳудудларда инқирознинг вужудга келиши банкка катта зарар етказиши ёки банкнинг ҳам таназзулга юз тутишига олиб келади.

Мамлакат таваккалчилиги — айрим чет давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳволи қарз олувчининг ўз вақтида эркин айирбошланадиган валютада қарзни қайтариш имкони бўлмай қолганда юз беради. Чунки бу давлатларда эркин алмашинувчи валюта захиралари камлиги

курсининг ўзгариши қарз олувчининг молиявий аҳволига ёмон таъсир қилиши мумкин. Қарз олувчи кредитни чет эл валютасида қайтариш учун чет эл валютасини сотиб олиши керак. Миллий валютанинг эркин алмаштирилмайдиган валютага нисбатан курси ёмон томонга ўзгариши натижасида қарз олувчи зарур миқдорда миллий валюта-ни тушлаши қийинлашганда юз беради.

Қаллоблик таваккалчилиги — қарз олувчи алдаш орқали кредит олган бўлса, албатта бундай операция банкка зарар етказди.

Банкка тегишли шахслар билан боғлиқ таваккалчиликлар — тижорат банкларига алоқадор шахслар, хусусан Банк кенгаши ва бошқарув аъзоларига, йирик акциядорларга кредит берилганда, банк ва мижозларнинг манфаатлари бир-бирига мос келмаслиги натижасида юзага чиқади.

Ҳуқуқий-иқтисодий меъёрларга мос келиш таваккалчилиги — ҳуқуқий меъёрларга амал қилинмай берилган кредитлар банкка зарар келтириши мумкин. Кредит берилмаётганда зарур даражада ҳужжатлаштирилмаслиги, гаров ва кафолатнинг нотўғри расмийлаштирилиши натижасида банк ҳўжалик судларидаги жараёнларда ютқазиб, зарар кўриш мумкин.

Кредитлаш жараёни. Тижорат банкларида кредитлаш жараёни асосан тўрт босқичдан иборат бўлади:

- кредитнинг келиб чиқиши ва кредит бериш;
- кредит мониторинги;
- кредитларни таснифлаш;
- кредитлар тўғрисида маълумотнома.

Кредитнинг келиб чиқиши ва кредит бериш босқичида мижознинг кредит олиш учун берган аризаси ва унга илова қилинаётган молиявий ҳисоботлар, бизнес-режа, кредитни қасрга ва қандай ишлатиш бўйича истаклари эътиборга олиниши лозим.

Мижознинг кредит аризаси тўлиқ ўрганилиб, унинг молиявий ҳисоботлари, бизнес-режаси таҳлил қилиниши ва кредитни ўз вақтида тўлиғича қайтара олиши учун пул маблағлари ҳаракати ўрганилиши, кредитни қайтариш бўйича бошқа манбалар ҳам инобатга олиниши лозим.

Кредит ажратилишини тасдиқлашда хизматчилар ўртасида ўрнатилган маъмурий ваколатлар тартиби ўрганилиши керак. Ўрнатилган чегаралардан оптик суммалари кре-

диглар Кредит қўмитаси ёки Банк бошқаруви томонидан, айрим ҳолларда ҳар иккаласи томонидан тасдиқланиши зарур.

Кредит ажратилишини тасдиқлаш, кредит ажратиш ва уни мониторинг қилиб бориш жараёнлари бир-биридан ажратилган бўлиши керак.

Гаров ҳуқуқининг мавжудлигини назорат қилиш, ҳужжатлар хавфсизлигини таъминлаш, гаров маржаси аниқланиши зарур.

Бундан ташқари аудитор кредитни ўз вақтида ўрнатилган жадвал бўйича қайтариш имконияти, кредит мақсадли ишлатилиши устидан назорат олиб борилишини текшириб кўради.

Кредит мониторинги. Тижорат банки кредит бошқармаси ходимлари кредит портфели мониторингини олиб боради ва банк раҳбарияти диққат-эътиборини муаммоли кредитлар тўғрисидаги маълумотларга қаратади. Мониторингда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

- мижозларнинг молиявий ҳисоботлари олинади ва таҳлил қилинади;

- гаров қиймати қайта баҳоланади;

- вақти-вақти билан мижоз иш жойига ташриф буюриш;

- тармоқдаги корхоналар ютуқларидан кам бўлмаган кўрсаткичлар;

- мижоз иш фаолиятига молиявий талаблар.

Кредит мониторинги бўйича банк раҳбариятига ҳисобот берилади. Бу ҳисоботда кредит фаолияти, унда йўл қўйилган хатолар тўғрисида маълумотлар жамланади. Шу билан бирга муаммоли ссудалар аниқланади ва уларни реструктуризация қилиш ва айримларидан кечиш масаласи қўйилади. Бунда кредитларни таснифлаш катта аҳамиятга эга.

Кредитларни таснифлаш. Марказий банк томонидан ўрнатилган тартибга (мезонларга) асосан кредитнинг ўз вақтида қайтиши эҳтимолига қараб гуруҳларга ажратилади. Банк асосан муаммоли кредитлар билан ишлайди. Чунки муаммоли ссудалар доимий назоратда бўлиб, уларни реструктуризация қилиш ва тугатиш масаласи турди.

Тижорат банклари муаммоли кредитлардаги хатоларни тўғридан-тўғри асосан мижозлар билан иш олиб боради.

Мижозларни қаноатлантирадиган шароитларда кредитни реструктуризация қилиши мумкин ёки унинг таъминотини кўпайтириш мақсадида гаровга қўшимча мол-мулк оли-нади. Агар бу чоралар қўйилган натижаларни бермаса, унда кредитни қайтариш бўйича ҳуқуқий жараёнларни бош-лайди.

Кредит тўғрисида маълумотнома. Тижорат банклари ички аудитининг асосий функцияларидан бири бу кре-дитлаш жараёни ва кредит портфели сифати ҳамда бе-рилган кредитлар тўғрисида даврий маълумотнома тайёр-лашдир.

Маълумотнома тайёрлашда асосий эътибор ҳар бир кредит банкнинг кредит тўғрисидаги қабул қилган тар-тибларига мос келишига қаратилади. Банк раҳбарияти учун ҳар бир кредит файллари тўғрисида маълумот тайёрла-ниб, уларнинг камчиликлари кўрсатилиб, тузатиш йўллари таклиф қилинади.

Фоииз тўловлари тавakkалчилиги — тижорат банклари узининг кредит ресурсларига тўлайдиган фоиизлари ва кре-дит қўйилмаларидан келаётган фоиизлар ўртасидаги фарқ ҳисобига фаолият кўрсатади. Фоииз тўловлари ресурслар учун ҳам, қўйилмалар учун ҳам миждозлар билан бирор даврга шартнома асосида амалга оширилади. Тижорат банк-лари даромадлари, яъни фоииз тўловлари ўртасидаги фарқ (маржа) бозор шароитида доимий ўзгариб туради, агар банк бозордаги шароитни яхши ўрганмаса ва унга тезда мослашмаса фоиизлар ўртасидаги фарқ (маржа) жуда кам бўлиши ёки зарарга айланиб қолиш хавфи мавжуд.

Масалан, банк активлари ўрта ва узоқ муддатли кредит-лардан қатъий фоиизлар асосида даромад келтирса, бу қўйил-малар қисқа муддатли мажбуриятлар билан молиялаштири-лади. Қисқа муддатли депозитларни жалб қилиш вақтида фоииз тўловлари амалга оширилса ва активлар учун олдинги фоииз тўловлари тушумини давом эттирса, унда банк даромадлари харажатларини қоплай олмайди. Банк фоииз тўловларидан фойда олиш ўрнига зарар кўриши мумкин.

Акс ҳолда, яъни банк депозитлар учун узоқ муддатли қатъий фоииз тўловлари бўйича шартнома тузган бўлса, тез орада Марказий банк қайта молиялаш ставкалари па-сайиб, мос равишда банклар ҳам фоииз тўловларини па-сайтирса банк зарар кўриши мумкин.

Тижорат банклари фоиз ставкалари таваккалчилигини бошқаришда қуйидаги усуллардан фойдалангани маъқул:

- ҳаракатдаги активларнинг бир қисmini сотиш;
- янги актив ва пасcивлар учун фоиз тўлови даврларини мослаштириш;
- ҳаракатдаги ва режалаштирилаётган актив ва пасcивларни хежирлаш;
- хежирлаш учун қулай бўлган янги мукаммал молиявий қуроллардан фойдаланиш (фоиз тўловларининг сво-пи, фьючерс контрактлари, фьючерслар бўйича опцион-лар).

Ликвидлилик таваккалчилиги. Тижорат банклари ўз мажбуриятларини бажариш учун зарур миқдорда ликвид маблағларга эга бўлиши керак. Агар банк активлари тезда пулга айланмайдиган активларга (асосий воситаларга, инвестицион лойиҳаларга) жойлаштирилган бўлса, ликвид маблағларнинг йўқлиги туфайли мажбуриятларни бажариш учун қиммат маблағлар сотиб олади ва натижада зарар кўриши мумкин.

Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга мос келмаслиги таваккалчилиги. Тижорат банки фаолияти қонун ва ҳукумат қарорларига ҳамда Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига мос келмаслиги туфайли банк жуда катта зарар кўриши мумкин. Бу зарарлар жарима ёки санкциялардан бошланиб, то банк фаолиятини амалга ошириши учун берилган лицензияни чақириб олишгача боради. Тижорат банкларида ишлаб чиқиляётган ички йўл-йуриқлар юқорида кўрсатилган ҳуқуқий ҳужжатларга мос келиши керак.

Тижорат банклари қонунлар ва ҳукумат қарорлари ҳамда Марказий банк томонидан ишлаб чиқиляётган меъёрий ҳужжатларни матбуотда эълон қилинган кундан ёки кучга кирган вақтидан бошлаб, ҳисобга олиб борадиган бошқарма ёки ҳеч бўлмаса ходим ажратиши керак.

Ҳуқуқий ҳужжатлар жуда тез ўзгараётган ҳозирги ўтиш даврида бундай бошқарманинг тижорат банкларида тузилиши мақсадга мувофиқдир.

IV БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1-§. САМАРАЛИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ: УНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Банк фаолияти катта интеллектуал таваккалчиликка асосланган. Бинобарин, кредит муассасасини бошқариш тизими ҳам ўз навбатида банк операциялари кўламига қараб белгиланиши лозим. Токи банк эгалари (акциядорлар) ва инвесторлар киритган маблағларининг самарали ишлатилишига ишонч ҳосил қилсинлар. Марказий банк банк соҳасида давлат ва аҳоли манфаатларини ифода этувчи назорат тузилмаси сифатида банк тизимининг барқарор фаолият юритишидан манфаатдордир. Банкнинг бир маромда ишлаши кафолати уни бошқариш тизимини юқори даражада ташкил этиш ҳисобланади, бунинг асосий унсурларидан бири эса ички назорат тизимидир.

Ҳисоб-китоб ва молиявий ҳисоботлар буйича халқаро стандартларнинг қўлланилиши, амалиётга корпоратив бошқарув принципларининг жорий этилиши тижорат банкларидан ҳар томонлама изчил ривожланишни тақозо этади. Ўзбекистон банк тизимининг рақобатбардошлиги, унинг ташқи ва ички таъсирларга нисбатан барқарорлиги кўп жиҳатдан тижорат банкларида ички назорат тизимининг халқаро тажрибалар асосида йўлга қўйилгани билан изоҳланади.

Марказий банкнинг банкларда ички назорат ва корпоратив бошқарув тизимини шакллантиришга оид низом ва тавсияларидан чиқадиган хулоса шуки, ички назорат — бирдан-бир мақсад эмас, балки мақсадга эришиш воситасидир. Шу боис назорат тизими аҳволига масъуллик банк раҳбарияти зиммасига юклатилган. Чунки ички назорат банкнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун амалга оширадиган молиявий операциялар самарадорлиги, молиявий ҳисоботлар ҳаққонийлиги, қонунчилик ва мувофиқлаштирувчи идораларнинг талаблари бекаму кўст бажарилишини назорат қилиш жараёнидир.

Ички назорат тизими банкда ички назоратни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича умумий ҳоялар, қарашларни аниқлаш, шакллантириш бўғинидир. У ўз фаолияти давомида ички аудиторлар институти (IIA) томонидан ишлаб чиқилган ички аудитнинг халқаро стандартлари, Банк назорати бўйича Базель комитети таклифлари, қонун ва қонуности ҳужжатларига амал қилади.

Биргина Банк назорати бўйича Базель комитети 1998–2000 йиллар ичида тижорат банкларининг ички назорат тизимини назорат идоралари томонидан баҳолаш принципларини аниқлаб берувчи ва ривожлантирувчи қатор ҳужжатлар ишлаб чиқди. Буларга «Ички назорат тизимини баҳолаш принциплари» (№33), «Банкларда ички назорат тизими: ташкил этиш асослари» (№40), «Кредит ташкилотларида ички аудит ва мувофиқлаштирувчи идораларнинг ички ва ташқи аудиторлар билан муносабатлари» (№72), «Банкларда ички аудит ва мувофиқлаштирувчи идораларнинг аудиторлар билан муносабатлари» (№84)ни киритиш мумкин. Уларда банк назоратини амалга оширувчи идоралар учун баланс ва балансдан ташқари барча воситаларга банк ички назорати тизимининг муқобиллигини баҳолаш принциплари баён этилган.

Комитет айрим банкларнинг молиявий аҳволи ёмонлашиш сабабларини таҳлил қилиб, банклар фаолиятида муаммолар келтириб чиқарувчи 5 та умумий омилни аниқлади ва бу муаммоларни банкда самарали ички назорат тизимини шакллантириш ёки ундан фойдаланиш йўли билан бартараф этиш мумкинлигини баён этди. Бу муаммоларнинг *биринчиси* — банкда муқобил бошқарув назорати ва масъулияти етишмаслиги ҳамда жиддий назорат маданияти шаклланмаганида; *иккинчиси* — баланс ва балансдан ташқарида акс этган фаолиятнинг айрим турлари бўйича таваккалчиликнинг муқобил баҳоланмаслигида; *учинчиси* — вазифа ва бурчларни тақсимлаш, масъуллик чегарасини аниқлаш, ҳақиқийлигини тасдиқлаш, ҳисобварақларни солиштириб чиқиш, операцион фаолиятни текшириш каби назоратнинг асосий тадбирлари ўтказилмаслиги ёки йўлга қўйилмаганлигида; *тўртинчиси* — барча бўғиндаги раҳбар ходимлар ўртасида ахборот алмашуви етарлича йўлга қўйилмаганлиги, айниқса камчиликлар ҳақидаги ахборотларнинг раҳбариятга етиб бормасли-

гида; *бешинчиси* — камчиликларни тузатиш, фаолиятни тула мониторинг қилишда ички аудит дастурининг номуқобиллиги ёки самарасизлигида.

Базель комитети самарали ички назорат тизимини шакллантиришнинг 13 тамойилини ишлаб чиқди. Бу тамойиллар 5 туркумга гуруҳлаштирилган: бошқарув назорати ва назорат маданияти; рискларни аниқлаш ва баҳолаш; назоратни амалга ошириш ва ваколатларни тақсимлаш; ахборот ва биргаликда ҳаракат қилиш; мониторинг ва хатоларни тузатиш. Булар банк назорати идораларининг ички назорат тизимини баҳолаш тамойилларидир. Айни тамойиллар тижорат банкларида ички назорат тизимининг амалий ҳаракатини мувофиқлаштириб боровчи Марказий банкнинг 1998 йили 404-рақамли «Тижорат банкларида ички назоратни ташкил этишга доир тавсиялар» деб номланган ҳужжати қабул қилиниши учун асос бўлди.

Ички назорат тизимидаги бир-бирига боғлиқ бўлган бу беш таркибий унсур ички назорат тизими мақомини ошириш билан бирга банкни ривожлантиришнинг асосларидан бири бўлиб қолди. Ўзбекистонда ички назорат хизмати бевосита банк бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари зиммасига юклатилган бўлиб, улар банкда амалдаги меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш, янги низомлар ишлаб чиқишда қатнашади; меъёрий ҳужжатларда мувофиқлаштирилмаган масалаларни банк ёки кенгаш раҳбарларига етказди. Янги ҳужжатлар амалга киритилишидан аввал банкнинг барча бошқарма ва бўлимларида кўздан кечирилиб, уларнинг розилиги олинади. Бундан ташқари, қабул қилинаётган ҳужжатлар бошқа меъёрий ҳужжатлар мазмунига мос келиши учун ички аудит хизмати ва юридик хизмат экспертизасидан ўтказилади. Рўйхатга олинган барча ҳужжатлар нусхаси ички аудит хизматида сақланади, бундай тартиб ўз навбатида, банк ходимларининг фаолияти амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга мос келишини таъминлашга олиб келади.

Тижорат банклари ички назорат хизмати фаолиятига назар соладиган бўлсак, улар қуйидаги вазифаларни бажараётганининг гувоҳи бўламиз:

- банкнинг бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўғри ижро этилиши;
- зарур ички меъёрий ҳужжатлар юритилиши;

– ички ва ташқи меъёрий ҳужжатларга амал қилиниши;
– активлар бутлигини сақлаш;
– банк томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоботида туғри ва муқобил равишда акс эттирилиши;

– банк ташкилий тузилмасини яратиш;
– бўлим ва бошқармалар уртасида ваколат ва вазифаларни аниқ тақсимлаш, уларнинг фаолияти бир-бирининг ишини такрорлашининг олдини олиш;

– харажатларни қисқартириш;
– белгиланган меъёрлардан чекинаётганлиги туғрисида раҳбариятнинг ахборот билан таъминлаш;

– аниқланган камчиликларни тузатиш, таваккалчиликлар ва уларнинг даражасини пасайтиришга қаратилган чораларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш;

– банк фаолиятида руй берадиган манфаатлар уртасидаги зиддиятларни бартараф этиш.

Банк манфаатларига жавоб бериши ва бошқарув вазифаларини самарали амалга ошириш мақсадида тузилган ички назорат тизимининг иш принциплари кузатилганда қуйидагилар аён бўлади:

– тизим фаолиятининг йуналиши ва у бажараётган вазифалар авваламбор банкнинг асосий мақсадларига эришиш учун хизмат қилаётгани;

– тизим ишини ташкил этиш ва унинг келгуси фаолияти тижорат банки раисининг раҳбарлигида амалга оширилаётгани;

– тизим яхлит, бир-бирига узаро боғлиқ унсурлардан иборатлиги ва унинг ҳаракат доираси банкнинг барча фаолияти ва операциялар турларига мос экани;

– бошқарув тизимида иштирок этаётган барча даражадаги ижрочилар ва ижрочи раҳбарлар назорат остида экани;

– банк амалга оширадиган операцияларни мувофиқлаштирувчи барча ҳужжатлар, ходимларнинг вазифа ва ваколатлари аниқ тақсимланган бошқа зарур ҳужжатлар ишлаб чиқиляётгани;

– тизим банк фаолиятини, раҳбарларнинг ҳужжат шаклида қабул қилинган кўрсатмалари ва қарорлари ижросини назорат қилаётгани;

– раҳбариятга етиб келадиган барча ахборотларнинг сифатли ва ҳаққонийлиги таъминланаётгани;

– тизим ўз олдига қўйилган вазифаларни бажараётгани, банк ўтказаятган операциялар характери ва масштабига мос равишда харажатлар қилинаётгани.

Ички назорат тизимининг ўз ваколатлари доирасида муваффақиятли фаолият юритишини ички назорат хизмати ходимларининг олий маълумотга, профессионал малака ва кўникмага эга эканлиги, ички назорат олдига қўйилган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун етарлича штат бирлиги билан таъминлангани, унинг фаолияти ички назорат хизмати тўғрисидаги низомга асослангани ва бевосита банк кенгашига бўйсундирилгани, банкларда назорат маданияти ва муҳити шакллантирилгани, яъни оддий ходимлардан тортиб то раҳбарларгача ички назорат тизимининг мақсадини тушуниши билан изоҳлаш мумкин.

Ички назорат тизими ходимлари:

– текширилаятган филиал ёки бошқарма раҳбарлари ва ваколатли ходимлардан текширишларни ўтказиш учун зарур ҳужжатларни талаб қилиб олиш, жумладан, филиал ёки бошқарма бошлиғининг буйруқ ва фармойишлари, бухгалтерия, ҳисоб ва ҳисобот, пул-тўлов ҳамда компьютер таъминотига дахлдор ҳужжатларни сураб олиш ва улар билан бевосита танишиш;

– банк ходимлари амалга оширадиган хатти-ҳаракатлар ва операциялар қонунчиликка, Марказий банк талаблари ва банк ички ҳужжатларига мос келишини аниқлаш, қабул қилинган қарорлар ва уларнинг ижросини, олди-сотди битимлари ва бошқа процедуралар (яъни, операцияларни амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган хато ва чалкашликларни аниқлаш ва тузатишга йўналтирилган усуллар)нинг банк сиёсатига мос равишда ўтказилаятгани, банк фаолиятининг таваккалчиликлари ва молиявий аҳволи таҳлили натижаларини аниқлаш;

– ички назоратга юкланган вазифаларни бажариш учун ўрни келганда бошқа бўлинмалар ходимларини жалб этиш;

– текширилаятган филиал ёки бошқарма бошлиғи ёки вакили билан биргаликда ҳужжатлар, нақд пул ва бошқа қимматликлар, маълумотларни компьютерда қайта ишлаш ва сақлаш хоналарига кириш;

— банк ижрочи раҳбарлари рухсати билан ўзлари мустақил ёки текширилаётган филиал ёки бошқарма ходими ёрдамида ҳужжатлардан, файллардан нусха кўчириб олиш каби ҳуқуқларга эгадирлар.

Айни пайтда уларнинг зиммасига ниҳоятда масъулиятли вазифалар ҳам юклатилган. Булар:

— банк фаолиятидаги таваккалчиликлар ва операцион таваккалчиликларни, банкнинг жорий молиявий аҳволини доимий мониторинг қилиб борадилар;

— банк филиаллари ва бошқармалари фаолияти қонунчилик, меъёрий йўл-йўриқлар ва ички ҳужжатларга мос келишини мунтазам равишда текширувдан ўтказиб борадилар;

— банк ходимларининг қарорлар қабул қилишда ўрнатилган процедуралар, вазифалари ва ваколатлари доирасида ҳаракат қилишини доимий назорат қилиб борадилар;

— мустақил ёки бошқа идоралар ва банк раҳбарлари билан биргаликда банк ходимларининг қонунчилик, меъёрий ва ички ҳужжатларга риоя қилинмагани факти бўйича текширувлар ўтказадилар;

— аниқланган камчиликларни тузатиш бўйича йўл-йўриқ ва тавсиялар берадилар ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатадилар;

— ўтказилган ҳар бир текширишни тўлиқ ҳужжатлаштирадилар ва текшириш натижалари бўйича ўрганилган барча масалалар — аниқланган камчиликлар ва чалкашликлар, уларни тузатиш бўйича тавсиялар, шунингдек, камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан тегишли интизомий чораларни қўллаш масалалари акс этган хулосаларни расмийлаштирадилар;

— банк раҳбарлари ва тегишли филиал ёки бошқарма бошлиқларига аниқланган камчиликларни тузатиш чораларини кўриш учун, шунингдек, банк айрим ходимларининг фаолиятини таҳлил қилиб бориш мақсадида текшириш натижалари бўйича хулоса тақдим этадилар;

— пайдо бўлган барча таваккалчиликлар ҳақида, банк ходимларининг қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар ва ички фармойишларга зид хатти-ҳаракати хусусида, шунингдек, текширилаётган банк филиали ёки бошқармаси раҳбарларининг йўл қўйилган камчиликларни тузатиш мақсадида белгиланган талбирлари ва уларнинг натижалари

билан банк раҳбариятини зудлик билан хабардор этиб борадилар.

Мамлакатимиз етакчи тижорат банкларининг ички назорат хизмати фаолияти таҳлили курсатишича, ички назорат хизмати шунчаки тузилганини эмас, балки банк фаолиятидаги таваккалчиликларга муқобил бўлган самарали ички назорат тизими шакллантирилишига эътибор берилаётганидан гувоҳлик беради. Натижада ички назорат тизими банкнинг кундалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш бўйича бошқарув механизмига айланган. Энг муҳими, банкларда раҳбарларнинг эътибори барча бўғиндаги ходимлар профессионал ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларга риоя этиши лозим бўлган назорат муҳити яратилишига қаратилган.

Марказий банк низомида белгиланганидек, назорат тартиблари учун жавобгар ходимлар бевосита раҳбариятга ҳисобот берадилар.

Марказий банк тижорат банкларида ташкил этиладиган ички назорат хизмати фаолиятига шундай талабларни қўяди:

Ҳар бир таркибий тузилма ўзи амалга ошираётган операциялар устидан ички назоратни олиб бориши шарт бўлиб, бундай назорат масъул ижрочилардан тартиб тузилма бошлигигача барча ходимларнинг лавозим мажбуриятларига кириши лозим. Акциядорлар ҳам Банк кенгаши ва тафтиш комиссияси орқали ўз ички назоратларини амалга оширадилар.

Банк ички назорати қуйидагиларни ташкил этиш мақсадида тузилган ташкилот режаси ва барча мувофиқлаштирилган услуб ва чоралардан иборат бўлиши керак:

- 1) ўз активлари бутлигини таъминлаш;
- 2) ҳисобот маълумотларининг аниқлиги ва ишончлилигини текшириш;
- 3) операциялар самарадорлигига кўмаклашиш;
- 4) ҳисоб юритиш сиёсатига риоя этилишига ёрдамлашиш.

Маъмурий назорат — бу банкнинг пухта уйланган ташкилий тузилмасининг таснифланган ва аниқ тақсимланган ваколат ва мажбуриятлари қарор қабул қилиш ва улар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби (бунга муайян операциялар бўйича ваколатлар беришга доир

Бухгалтерия назорати активларнинг сақланишини ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлашга йўналтирилган, муайян тарзда шакллантирилган ҳужжат ва ҳисоботларни юритиш таркиби ва тизими бўлиб, шу билан бирга улар қуйидагилар бўйича асосланган ишонч ҳосил қилишга йўналтирилган:

- барча операциялар раҳбарият томонидан берилган ваколатлар доирасида амалга оширилмоқда;

- банк операцияларининг ҳужжатларда белгиланган бухгалтерия тамойилларига мос тарзда акс эттирилиши активлар ҳисобини аниқ юритиш имконини таъминламоқда;

- ходимларнинг активлар билан ишлашига рухсат раҳбарият томонидан берилган ваколатлар доирасида амалга оширилмоқда.

Активларнинг молиявий ҳисоботларда акс эттирилган қиймати мунтазам равишда (самарали назоратни амалга ошириш мумкин бўлган тарзда) ҳақиқатда мавжуд бўлган активлар қиймати билан солиштирилади ва аниқланган ҳар бир тафовутлар бўйича ўз вақтида чоралар кўрилади.

Бирон-бир шахс томонидан йўл қўйилган жиддий камчилик қисқа вақт ичида аниқланган тақдирда ички назорат самарали ҳисобланади.

Ички назоратнинг зарурий даражасига эришиш учун банкда қуйидаги асосий тамойил ва услублар мавжуд бўлиши керак:

- самарали ташкилий тузилма;

- тегишли йўналишдаги бухгалтерия сиёсати ва услублари;

- активларни сақланишига оид зарурий услублар;

- ички назоратнинг самарали дастури.

Ташкилий тузилма:

- банк кенгаши банк стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқиш, шунингдек, банк раҳбарияти томонидан зарур чораларини қабул қилиш жараёнларини назорат қилишга доир тадбирлар бўйича ҳам масъулдир;

- банкнинг ташкилий тузилмаси банк раҳбариятининг ҳуқуқлари, бўйсунуш тартиби ва ҳисобдорликни аниқ ифодалаши керак;

- банк раҳбариятининг тегишли ҳужжатларида ходим-

лар ваколати доираси аниқ кўрсатилиши ва улар лавозим тавсифномаларига киритилиши керак. Масалан, кредит-лаш лимити, инвестициялар ва қимматбаҳо қоғозлар савдосига доир ҳуқуқлар шулар жумласидандир:

— ходимларнинг мажбуриятлари (вазифалари) шундай тақсимланиши керакки, бир шахс бир операцияни бошидан охиригача бир ўзи бажармасин. (Масалан, кредит булимининг ходими кредит буйича бериладиган маблағларни ажратишда ёки ҳисобрақамга маблағ қабул қилишда иштирок этмаслиги керак; тулов ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга бўлган шахс банкнинг вакиллик ҳисобрақами буйича операцияларни бажармаслиги шарт; якунловчи балансни тузувчи шахс бошланғич ҳужжатлар билан ишламаган бўлиши керак.)

Банк ходимлари билан олиб борилаётган сиёсат қуйидагиларни таъминлаши керак:

а) огоҳлантирилмасдан туриб ходимларнинг мажбуриятларини алмаштириш;

б) ходимларнинг иш самарасини ва малакасини ошириш мақсадида ходимлар мажбуриятларини ўзгартириш муддатини узайтириш;

в) барча ходимлар, шу жумладан, раҳбар ходимлар ҳам икки ҳафтадан кам бўлмаган муддатга (масалан, таътил пайтида) узлари бажариб турган вазифаларидан озод этилсалар, бошқа ходимлар уларнинг ишларини бажаришлари тўғрисидаги талабга риоя қилишлари лозим.

Бухгалтерия сиёсати ва услублари

Банк ички назорати номувофикликларни тезда аниқлаш имкониятини берувчи услубларни ўз ичига қамраб олиши керак.

Барча операциялар қариндошлик буйича мажбурияти бўлмаган юқори малакали шахслар томонидан амалга оширилишини тақозо этади.

Ўз мажбуриятларини бажараётган ходимлар етарли вақтга, малакага ва билимга эга бўлишлари лозим.

Барча банкларда бухгалтерия ҳисобини юритиш қабул қилинган бухгалтерия ва банк тамойилларига тўғри келиши керак. Банкнинг ҳужжатлари ва ҳисоботи унинг реал ҳолатини акс эттириши ва операция натижаларини тўғри кўрсатиши зарур.

Банкнинг бухгалтерия тизими камида қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

— кундалик, оддий операцияларни амалга ошириш бўйича бухгалтерия йуриқномалари ва қўлланмаларининг мавжудлиги;

— ҳар қандай санада банкнинг молиявий ҳолатини аниқлаш имконини таъминлаш мақсадида ҳар бир банк операциясини батафсил қайд қилиши;

— илова ҳисобрақамлар, масалан, депозитлар, кредитлар, қимматли қоғозлар ва чет эл валютаси билан боғлиқ операция бўйича илова ҳисобрақамлар баланс ҳисоботидаги назорат рақамлари билан солиштирилиши;

— ҳисоб юритиш ва ёзувлар тизими банкнинг ҳар бир операциясини банк дафтарлари (регистрлари)дан утказиш имконини бериши;

— ҳисобларни таққослаш ишлари доимий равишда бевосита шу ҳисоблар бўйича операциялар бажармайдиган ва улар бўйича ёзув киритмайдиган ходимлар томонидан олиб борилиши керак.

Активларнинг бутлиги:

Активлар бутлигини сақлашнинг асосий усули бу — улар билан боғлиқ операцияларни бажариш бўйича ваколат доирасини белгилаш ва активлардан фойдаланувчи маълум бир гуруҳ ходимлар ҳуқуқлари сонини чеклашдир.

Масалан:

— нақд пул билан боғлиқ операцияларни бажарадиган ходимлар ўзларининг ваколатлари доирасида фаолият юритишлари керак. Бунда уларнинг ваколатлари банкнинг ички сиёсатида ўз аксини топган бўлиши лозим. Камчиликлар аниқланган тақдирда, бу ҳақда зудлик билан раҳбариятга хабар бериш ва уларнинг сабабларини излаб топиш керак;

— шароитдан келиб чиққан ҳолда, айрим пайтларда маълум активларнинг бутлигини таъминлаш учун қўшма (биргаликдаги) жавобгарлик ўрнатилиши мумкин. Қўшма жавобгарлик — бир хилдаги активларнинг ёки улар бўйича ёзувларнинг бутлиги учун 2 ёки ундан ортиқ шахсларга тенг равишда бир хил масъулият юклашдир. Бунда улар бу активга фақат биргаликда яқинлашиши мумкин (яъни, 2 та шахсда сейф, файл ёки ҳужжатлардан фойдаланиш учун 2 хил калит ёки 2 хил комбинация бўлади). Бундай биргаликдаги жавобгарлик белгиланган ҳолимлар орасида аниқ

чегараланган бўлиши ва барча зарур шахсларга маълумот учун етказилиши керак;

— иккиламчи назорат бир ходимнинг иши иккинчи ходим томонидан текширилиши ёки тўлдирилиши керак бўлган операцияларга нисбатан ўрнатилиши лозим. Иккинчи шахснинг мавжудлиги биринчи шахс томонидан бажарилган операция ёки фаолият шу шахснинг ваколат доирасида бажарилганлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилиш учун йўналтирилади (масалан, банк ихтиёрида бўлган гаровни қарз олувчига қайтариб беришда иккиламчи назорат зарур);

— банк биносига кириш рухсатномалар бўйича банк соқчилари орқали ёки махсус электрон ўтиш тизимлари орқали амалга оширилиши керак.

Банкларнинг молия, хусусан қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятининг қонунчиликка мос келишини ички назорат қилиш Марказий банкнинг 571-рақамли «Банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги операцияларига қўйиладиган талаблар» йуриқномаси асосида амалга оширилади.

Умуман олганда, ички назорат тизимининг самарали фаолият юритиши банк менежерларининг тизимга бўлган муносабати билан белгиланади. Шу боис ички назорат хизмати фаолиятининг самарадорлиги ва муқобиллигини аниқ шакллар, усуллар ва технологиялар, унга сафарбар этилган одамлар, текширишлар ва аниқланган хатолар сони эмас, балки банк раҳбарларининг ички назоратнинг барча процедуралар устидан назорат ўрнатишга, таваккалчиликларни ўз вақтида баҳолаш ва уларнинг салбий таъсирини камайтиришга йўналтирилган назорат чораларининг самарадорлигига қаратилган хатти-ҳаракати белгилаб беради. Банк менежменти ишлаб чиқилган процедуралар устидан шундай қоида ўрнатиши лозимки, таклиф этилаётган ҳар бир хизмат тури унга хос бўлган барча рискни ва уларнинг муқобил чораларини эътибордан четда қолдирмасин. Менежерлар ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолашда банк томонидан амалга оширилаётган барча операциялар ички назорат хизмати эътиборида бўлаётгани, аниқланган таваккалчиликлар даражаси бўйича қўрилаётган муқобил чоралар қанчалик самара келтираётганини назардан қочирмасликлари, ички назорат

рат хизматининг самарадорлигини таъминлашга қаратилган, дунёда тупланган бой тажрибалардан дадиллик билан фойдаланмоғи лозим.

2-§. БАНК ФАОЛИЯТИДАГИ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАР УСТИДАН НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Тижорат банкларида тузиладиган ички назорат фаолияти авваламбор таваккалчиликларни чегаралаш, банк томонидан амалга ошириладиган операциялар ва олди-сотди битимларининг амалдаги қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар, профессионал фаолияти стандартлари ва этикаси талабларига биноан ижро этилишини таъминлаш тартибини аниқлашга қаратилади. Банк назорати буйича Базель комитетининг «Банк назорати самарадорлигини таъминлашнинг асосий принциплари» деб номланган ҳужжатида банк таваккалчилигини бошқариш самарадорлигини таъминлашга доир бир қатор йўл-йўриқлар берилади. Унга кўра, ички назоратни маъмурий ва молиявий назорат усуллари билан дастлабки, жорий ва кейинги тартибда амалга ошириш тавсия этилади. Маъмурий назорат операцияларни фақат унга ваколати бўлган шахслар томонидан банкда ўрнатилган ваколат ва процедураларга қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилишини, молиявий назорат эса операцияларни турли хил молиявий хизматларнинг тасдиқланган ва қабул қилинган банк сиёсати ҳужжатларига қатъий риоя этилган ҳолда юритилишини, ҳисоб ва ҳисоботларда муқобил равишда акс этилишини таъминлайди.

Маъмурий ва молиявий назорат камида қуйидагиларнинг етарли даражада ишончли бўлишини тасдиқлаши лозим:

- банк ходимларининг банк мулкидан фойдаланишга, мижозлар ва кредиторларнинг ҳисобварақлари буйича амалга ошириладиган операцияларни унга фақат ваколати бўлган ходимлар томонидан бажарилиши;

- операциялар бухгалтерия ҳисобида Марказий банк томонидан ўрнатилган тартибларга мос равишда қайд этилиши, банк активлари ва пасивлари ҳаққоний акс эттирилиши ва ҳисоботларнинг белгиланган шаклларда тулдирилиши;

- банк активлари ва пасивлари ҳақидаги маълумотлар тегишли равишда қамраб олинishi ва даврий текши-

ришлар нуқтан назаридан туриб тасдиқланиши, тафовутлар мавжуд бўлганда бу тафовутларни бартараф этишга қаратилган зарур чоралар кўрилаётганини тасдиқлаш лозим.

Банк фаолиятининг асосий таваккалчиликлари устидан ўрнатиладиган ички назорат тизими асосан уч даражада: шахсий (ходим даражасида), микро ва макро даражада ташкил этилади.

Таваккалчиликлар айрим ходимларнинг ноўрин хатти-ҳаракати ва қарори туфайли ҳам пайдо бўлади. Бундай таваккалчиликлар банк ижрочи шахсларининг қарорлар қабул қилишда (операциялар таркиби ва кўлами) ўзларига берилган ваколатлар доирасидан чиқиб кетишлари, банк ходимларининг операцияларни амалга оширишда белгиланган процедураларга, шунингдек, молиявий воситалар бозорида шаклланган ва ўрнатилган тартиб-қоида ва касб этикаси меъёрларига амал қилмасликлари натижасида юз беради. Бундай таваккалчиликлар қимматликларни ўтириш; банкка зарар келтирадиган олди-сотди битимлари тузиш ва операциялар ўтказиш, уларнинг натижаларини яшириш; банкни хуфийна ёки жиноят унсурлари аралашган иқтисодиётга жалб этиш натижасида пайдо бўлади. Бу даражада ички назорат хизматининг асосий объекти қарорлар қабул қилишда алоҳида ходим, унинг хатти-ҳаракати ва ваколати бўлади. Ички назорат хизмати бундай шароитда хизмат мавқеидан фойдаланиб, банк номидан қарор қабул қиладиган муайян доирадаги ходимларнинг ўрнатилган мезонларга риоя қилиши устидан назорат ўрнатади, вазифага тайинланишига розилик беради.

Ички назорат тизими дастлабки назоратни кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйишдан бошламоғи лозим. Бунда хатти-ҳаракати шубҳа уйғотадиган, ишчанлиги билан ажралиб турмайдиган ва жамоатчилик ўртасидаги обрўси унчалик бўлмаган, банк молиявий ҳолатига тегишли қарорлар қабул қилинишига етарлича муносиб бўлмаган шахснинг тегишли қарорлар қабул қилишдаги имкониятлари бартараф этилмоғи зарур. Бу мақсадларга етишиш учун ходимлар билан ишлаш хизмати ва хавфсизликни таъминлаш хизмати ходимлар бажарадиган иш ва унинг кўламдорлиги масъулияти, малакаси (маълумоти ва стаж) бўйича аниқ мезонларга эга бўлиши лозим. Ички

назорат хизмати ўрнатилган мезонларга риоя этилаётганини назорат қилиб боради, вазифа тақозоси билан банк номидан қарорлар қабул қилишга ваколати буладиган ходимлар доирасининг вазифага тайинланиши учун розилик беради.

Ички назорат хизмати ходим билан тузилган меҳнат шартномаси мазмуни, ходимнинг хизмат вазифасини бевосита бажаришга киришиши билан унинг қўлида вазифавий мажбуриятлари қатъиян белгиланган ҳужжат (хизмат йўриқномаси)нинг мавжудлигини текширади.

Ички назорат хизмати ходимнинг ўзига юклатилган вазифани бажариш жараёнида:

- ходимнинг банк, филиал ёки бошқарма миқёсида банк операциялари ва бошқа операцияларни амалга ошириши ўрнатилган тартибларга мос келаётганини назорат этувчи тизимнинг ишлаш қобилияти ва самарадорлигини текширади. Назорат тизимининг самарадорлиги ва ишлаш қобилияти деганда, ходимнинг белгиланган банк операциялари ҳажми ва таркиби, ходим томонидан амалга оширилаётган ресурсларни жалб этиш ва жойлаштириш бўйича олди-сотди битимлари ва операциялар умумий сийёсатга мос равишда олиб борилишида ўз ваколати доирасидан чиқиб кетишига йўл қўймайдиган процедуралар ва механизмлар мавжудлиги тушунилади. Ички назорат хизмати, шунингдек, ходимнинг белгиланган хизмат вазифаларини қай тарзда бажаришини жорий равишда текшириб боради.

Қуйидагилар ички назорат хизматининг:

- дилер ва брокерларнинг очиқ позицияларда хусусий лимитига риоя этилиши;

- бир шахс томонидан жалб этиладиган ва ажратиладиган ресурслар ҳажми;

- олди-сотди битимлари ва операциялар ҳажми белгиланиши, ўрнатилган ҳажмдан куп бўлганда бу олди-сотди битими ва операциялар бўйича қарорлар қабул қилиш юқори раҳбарлар ёки мунтазам фаолият юритадиган комиссия (кредит қўмитаси, бошқарув аъзолари ва ҳоказо) томонидан имзоланиши мажбурий тартибдаги объектларидир.

Ички назорат хизмати қуйидагиларни:

- ходимнинг дастлабки ҳужжатларни тузри қилиши;

— таққослаш, розилик олиш ва имзолаш процедура-
ларига тўлиқ риоя этилиши;

— ҳужжатлар асосида баланс маълумотларини проце-
дураларини шакллантиришни изчил назорат остига олиб
боради.

Текширишлар банк балансида ва бошқа (ички ва Мар-
казий банк томонидан ўрнатилган) ҳисобот шаклларида
акс этган операцияларнинг тўлақонлиги, ўз вақтида ба-
жарилгани ва тўғрилиги нуқтаи назаридан ўтказилади.

Шунингдек, юқори мансабдор шахс томонидан ходим
амалга оширган операциянинг (йирик олди-сотди битим-
лари ёки операциялар бўйича — ички назорат хизмати би-
лан биргаликда) натижаларини мунтазам кўриб бориш
ҳам ички назорат тизимининг объекти саналади. Бунда хо-
димнинг олди-сотди битимларининг нафақат белгилан-
ган ҳажм ва шартларга риоя этиши, балки ходимнинг
олди-сотди битими тузаётган шериклари, ҳалол ишлай-
диган юридик ва жисмоний шахсларнинг чекланган дои-
раси ҳам назорат қилиб борилади.

Ички назорат хизмати банк ахборотлари махфийлиги-
ни таъминлайдиган процедураларнинг самарадорлиги, хо-
димларнинг ички мувофиқлаштирувчи ҳужжатларида ўр-
натилган ва белгиланган ваколатига қараб, банкнинг мав-
жуд ахборот базасига кириши тартибига риоя этилишини
ҳам назорат қилади.

Ички назорат хизматининг асосий объекти — банкда
қарорлар қабул қилиш тизими аҳволи, акциядорлар то-
монидан аниқланган ва тегишли ҳужжатлар билан тас-
диқланган банкнинг тижорат фаолиятини ривожлантириш
бўйича танлаган тактикасига мос ҳаракат қилишига қара-
тилиши лозим. Мазкур вазифанинг бажарилиши банк ак-
циядорларининг умумий йиғилишида жорий молия йили-
да банк эришиши лозим бўлган, миқдорий ва сифат ме-
зонлари аниқ кўрсатилган банкнинг ривожланиш концеп-
цияси қабул қилинишини кузда тутди. Шу билан бир вақт-
да Банк кенгаши ва Банк бошқаруви қўйилган мақсад-
ларга эришиш учун иқтисодиётдаги вазият ва молия бо-
зорларидаги конъюнктуранинг ўзгариши билан боғлиқ во-
ситаларни қўллаш ва ривожланиш концепциясига тегиш-
ли тузатишлар киритиб бориш учун зарур ваколатлар оли-
ши зарур

Ички назорат хизмати дастлабки назорат жараёнида банк раҳбарларига банк олдида қўйган мақсадларга эришиш реаллиги ҳақида хулоса тақдим этади, шунингдек, унга эришиш учун зарур бўлган ички ташкилий қарорлар тизимини такомиллаштириш ҳақида таклифлар киритади. Ички назорат хизмати банкнинг ривожланиш дастури қабул қилиниши масаласи кўриб чиқиляётганда, дастурнинг ҳақиқатан ҳам бажарилиши нуқтаи назаридан Марказий банк меъёрий курсатмаларида белгиланган таваккалчиликларнинг оптимал аҳамияти ва пруденциал меъёрлари дастурига риоя этилишини баҳолайди.

Айни вақтда банк бошқаруви тизимига қабул қилинаётган таваккалчиликларнинг оптимал процедуралари киритилишини назорат қилади:

а) қабул қилинаётган қарорлар банкнинг ҳар бир бўғинида банк фаолиятидаги таваккалчиликларнинг сифат (операциялар ва олди-сотди битимларини амалга оширишда қўлланиладиган воситалар таркиби ва тижорат шартлари) ҳамда миқдорий (суммалар бўйича лимитлар) чекловлари ўрнатилиши керак;

б) банк бошқармалари даражасидаги барча чекланган таваккалчиликлар шундай аниқланиши лозимки, Марказий банк томонидан ўрнатилган барча пруденциал меъёрлар, шунингдек, амалдаги қонунчиликда белгиланган талаблар ва молиявий бозорлар учун хос бўлган стандарт расм-русумларга жавоб бериши эътибордан четда қолмаслиги шарт;

в) ҳар бир таркибий бўлинманинг ваколатлари ва масъулияти аниқ чегараланган бўлиши лозим, қачонки вазифалар бир-бирини такрорлаб қолса ёки катта таваккалчилик мавжуд бўлган олди-сотди битимлари амалга ошириляётган ҳолларда коллегиял равишда қарорлар қабул қилиш механизми мавжуд бўлиши керак;

г) айрим таркибий бўлинмалар амалга ошираётган операциялар ва олди-сотди битимлари ҳажми, таркиби ва шартлари банкда ўрнатилган чекловларни зудлик билан қайта кўриб чиқадиган, шунга мос равишда таваккалчиликларни қайта тақсимлаш тартиби ўрнатилиши лозим;

д) агар банк турлича деб билган таваккалчиликларнинг салбий таъсири бир вақтда бошланса, банк мажбуриятларидан ҳоли бўлган маблағларга вақтинчалик тан-

қислик сезиб қолса, банк зудлик билан чоралар кўриш режасига эга бўлиши керак.

Жорий назорат босқичида ички назорат хизмати банк бошқармалари ва бўлимларини мунтазам комплекс ва тематик текширишлар асосида жорий фаолият жараёнидаги таваккалчиликларни оптималлаштиришнинг дастлабки босқичидаги қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилади.

Бунда ички назорат хизмати қуйидаги параметрларга риоя этилаётганини доимий асосда кузатиб боради:

- таваккалчиликларнинг миқдорий ва сифат аҳамиятини, шунингдек Марказий банкнинг пруденциал меъёрларига мос равишда банк бўйича ва унинг айрим бўлимлари бўйича таваккалчиликлар кўрсаткичининг жорий аҳволи ҳақида банк раҳбариятини зудлик билан ва ҳаққоний хабардор қилиб борилишини;

- банк бошқармалари ва бўлимлари, ходимларининг банк номидан қабул қилинган мажбуриятларга ўз вақтида риоя этишини ва улар бўйича ҳисоб-китоб қилинишини, олди-сотдилар ва операциялар амалдаги қонунчилик ва иш расм-русумларига, шу жумладан қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси сифатида банкларнинг мажбуриятларига мос равишда ўтказилишини;

- қайтмаслик эҳтимоли бўлган ссудалар ва қимматли қоғозларга қўйилган маблағларнинг қадрсизланиши бўйича резервларни шакллантириш заруратини эътиборга олган ҳолда жорий харажатлар ва чиқимларни даромадлар ёки ўз маблағлари ҳисобидан қоплашда банкнинг ўз капитали ҳажмининг камайиб кетишига йўл қўйилмаслиги ва зарар кўрмаслигини;

- берилган кредитлар бўйича банк қабул қилган гаровларнинг сифатини;

- йирик миқдорда кредитлар бериш, банкка алоқадор шахсларга кредит ажратиш чоғида қарорларни банкда ёки Марказий банк томонидан ўрнатилган тартибга риоя этилган ҳолда амалга оширилишини, коллегияликда қабул қилинишини таъминлашни;

- молиявий бозорларда фойдаланилаётган сегментларнинг (банклараро ва бошқа молиявий бозорларда тасвирланган) даромадлари ёки ҳажмда фавқулодда ўзгаришлар юз берса, зудлик билан ресурсларни жалб қилиш ёки маб-

лағларни охиригача жойлаштириш имкониятлари мавжудлигини;

- олди-сотди битимлари ва операцияларни амалга оширишда (шартномаларнинг стандарт шаклларида фойдаланиш, шартномалар имзоланишидан олдин юридик хизмат билан келишилгани, телефонда ёки қоғозсиз технологияларни фойдаланиш орқали амалга ошириладиган олди-сотди битимларининг зарур процедураларга риоя этилгани) иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва юридик жиҳатдан тўғрилигига риоя этилишини;

- бухгалтерия ҳисоботидаги синтетик ва таҳлилий маълумотларнинг, шу жумладан бўлимлар бўйича тайёрланганларининг ҳам бир-бирига мослигини.

Ички назорат хизмати хавфсизлик хизмати билан биргаликда қачонки бошқарма, бўлим ёки ходим томонидан амалга оширилаётган операциялар ҳажми ёки қўлланиладиган воситалар таркиби қўтилмаганда ошиб кетиши нуқтаи назаридан тематик текширувларни ўтказиши.

Марказий банк ички назорат хизматига қуйидаги функционал ҳуқуқлар ва мажбуриятлар берилишини тавсия этади:

- агар муайян олди-сотди битими шартларида эҳтимол тутилган зарарлар банк капиталининг 3 фоизидан ошиб кетса, розилик олиш;

- таркибий бошқарма, бўлим ёки ходим томонидан амалга оширилаётган операция ўрнатилган риск даражасидан ошиб кетса, уни банк бошқарувининг ваколатли органида қарор қабул қилинмагунча тўхтатиб туриш.

Ички назорат хизмати келгуси назорат жараёнида банк раҳбариятига таваккалчиликлар устидан назорат қилиш ва баҳолаш услубини такомиллаштириш, шунингдек, ўрнатилган назорат тартибидаги бузилишларга чек қўйиш нуқтаи назаридан таклиф киритади, таваккалчиликлар хараakterистикасини ўрганишни ташкил этади, таваккалчиликларни бошқариш амалиётини таҳлил қилади.

Ташқи макроиқтисодий ва меъёрий-ҳуқуқий шароитлар туфайли банкка нисбатан бўладиган таваккалчиликларга қуйидагилар киради:

- мамлакат ва халқаро молия бозорларида банк ўтказиладиган операциялар ва олди-сотди битимларининг даромадлари ва ҳажми банк манфаатларига жавоб бермаслиги;

- иқтисодий (соҳавий ва минтақавий) ривожланишнинг умумий ва таркибий салбий тенденциялари;
- давлат иқтисодий сиёсатининг ноқулай ўзгариши;
- мамлакат ва хорижий меъёрий-ҳуқуқий шарт-шароитларнинг банк фаолияти учун ноқулай ўзгариши.

Бу босқичда ички назорат хизматининг асосий объекти — иқтисодий ва меъёрий-ҳуқуқий шарт-шароитларнинг банк ишига, банкни бошқаришга таъсири нуқтаи назаридан, банкнинг жорий ва истиқболдаги танланган ривожланиш йўналишлари самарадорлигини таҳлил қилишдир.

Ички назорат хизмати дастлабки назорат тарзида маълумотларнинг илк базасининг тўлақонлиги, таркиби ва ўз вақтида янгиланишини назорат қилиб боради, улар асосида банкнинг таҳлил ва функционал бўлимлари истиқболдаги баҳолар ва вазиятни прогноз қилади.

Банк раҳбарларини тез ва мунтазам равишда ахборот билан таъминлаб туришнинг мавжуд тизими назорат қилинади. Хусусан:

- таҳлилий хизматнинг жорий вазиятлар бўйича таклиф ва хулосалари ҳақида;
- бозорнинг тегишли сегментларида вазиятнинг ривожланиши прогнозлари ҳақида;
- банк фаолияти, умуман иқтисодиётнинг меъёрий-ҳуқуқий соҳасини таъминлаш ҳақида.

Ички назорат хизмати масъул ходимлар ва банкнинг таркибий бўлимлари томонидан вақти-вақти билан таҳлил ва прогноз топшириқлари бажарилишини текшириб турадилар, банк раҳбариятига таҳлилий характердаги хулоса ва таклифларнинг ўз вақтида етказилишини жорий назорат қиладилар.

Банкнинг функционал бўлимларида банк бозорга таклиф этаётган маҳсулотларнинг сифати ва қийматининг рақобатбардорлиги, уларни бошқа банклар таклиф этаётган хизматлар билан таққослайдиган назорат тизимининг мавжудлигини текшириб борадилар.

Функционал бўлимларнинг рақобатчилар ҳаракатига, шунингдек, номолиявий секторда ҳужалик конъюнктурасининг ўзгаришига ўз вақтида муносабат билдиришини баҳолайди.

Истиқболдаги назорат:

Ички назорат хизматининг бундан кейинги назорати

таҳлилий хизматнинг хулоса ва таклифлари вазиятнинг реал ривожланиб боришига мувофиқлигини таққослаб боришга қаратилади. Банк раҳбариятига тегишли таклифларни киритиб боради.

3-§. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ НАЗОРАТНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Тижорат банкларида ички назоратни таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари икки катта гуруҳ — қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тизими ҳамда банкнинг ички меъёрий ҳужжатларидан иборат.

Тижорат банклари фаолиятига тегишли ҳамда ички назоратни ташкил этиш масалаларига бевосита алоқадор қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тизими ўзида қуйидагиларни акс эттиради:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг айрим ҳужжатлари;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари;
- ўз-ўзини бошқариш идоралари: Қимматбаҳо қоғозлар маркази, Фонд биржаси ва ҳоказо;
- аудиторлик фаолияти стандартлари.

Ички назоратни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш соҳасида аудиторлик стандартлари банк тизимида ички назорат фаолиятининг услубий томонларини мувофиқлаштириб туришда катта аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга аудиторлик стандартлари ички назорат олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилишида — ички назоратни ташкил этиш талаблари, текширишлар тартиби, ҳужжатлар таркиби ва ҳоказоларни аниқлаб бермоқда.

Марказий банк томонидан тижорат банкларига нисбатан ўрнатилган таваккалчилик, ликвидлик, бир қарздор ёки ўзаро алоқадор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси, кредит ажратиш каби низом ва талаблари банкларда ички назоратни ривожлантиришга шарт-шароит яратди. Юқорида саналган ҳужжатлар жорий этилиши билан банк мене-

жерлари ички назоратга расмийчилик билан эмас, балки мазмун жиҳатдан ёндашдилар.

Тижорат банкларида ички назоратнинг меъёрий-ҳуқуқий таъминланиши ҳақида гапирар эканмиз, шуни таъкидлаш зарурки, унинг ахборот базаси 12-иловада кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари, бошқа кўплаб ҳужжатларда ҳам акс этган. Тижорат банклари ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, улар ўртасида тузилган шартномалар, шунингдек Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари билан тартибга солинади. Банк кенгаши ёки бошқаруви томонидан тасдиқланадиган тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатлари банкларда самарали ички назорат тизимини яратиш, банк фаолиятига хос бўлган таваккалчиликни самарали бошқариш (таваккалчиликни аниқлаш, баҳолаш, кузатиш)ни, ҳавфсиз ва соғлом банк фаолиятини юритишни, банк қонунчилигига бўлиқ риоя этилишини таъминлаш, банк фаолиятини бошқариш ва банк операцияларини амалга оширишни қулайлаштириш мақсадида ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Уларни яхши ўзлаштирмасдан туриб, ички назорат вазифасини амалга ошириб бўлмайди. Шуниси муҳимки, банк ходимлари ишлаётган ҳужжатларда барча сўнгги ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилган бўлиши керак. Бу Марказий банкнинг тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар туғрисидаги Низомида ҳам ўз аксини топган: «Тижорат банки ички меъёрий ҳужжати тааллуқли Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қонунчилиги ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларида ўзгаришлар юз берса ва унда муддат белгиланмаган бўлса, банк бир ҳафта муддат ичида ўзининг меъёрий ҳужжатига тегишли ўзгартириш киритиши шарт».

Кези келганда, ички назоратни самарали ташкил этиш. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлашда маълумотларни узатиш ва сақлашнинг мавжуд электрон базаси катта наф келтираётганини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур. Бу борада Марказий банк томонидан тижорат банклари раҳбарларига катта масъулият юклангани қўйилган натижани бермоқда.

Ички назоратни ташкил этишда биринчи навбатда тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларидан т

деланилади. Бу тизим банк фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган барча ички ҳужжатларни ўз ичига қамраб олади ва шунга қараб, яхлит меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилади, банкнинг ички ва ташқи муносабатлари ҳам улар асосига қурилади.

Ҳўжалик субъектлари фаолиятини мувофиқлаштирадиган ички меъёрий ҳужжатлар тизими «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларда белгиланган эди. Шундан сўнг Марказий банк ўзининг бир қанча меъёрий ҳужжатларида қонунда белгиланган талабларни аниқлаштирди ва банкларнинг ички ҳужжатлари тизими ҳолати бўйича масъулиятни банк ижрочи раҳбарлари ва кенгаши зиммасига юклади.

Марказий банкнинг «Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низомида банк ички ҳужжатлари тизимини шакллантириш принциплари белгилаб берилди, унда айтилишича, банк, унинг миждозлари, акциядорлари манфаатларига дахлдор барча қарорларни қабул қилишдаги процедуралар ва ваколатлар банк ички ҳужжатларида бўлиши лозим. Марказий банк томонидан белгиланадиган талаблар, йўриқномалар, низомлар тижорат банкларининг ўзларига зарур бўлган ички ҳужжатларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу ҳужжатларга қуйидагилар киради:

- қарор қабул қилиш жараёнларини аниқлайдиган, филиаллар ва ходимлари уртасида вазифа ва ваколатларнинг тақсимланиши ҳақидаги ҳужжатлар;

- банкнинг маблағларни жойлаштириш ва жалб этиш ҳақидаги операцияларини белгилайдиган сиёсати, молия бозорларидаги операцияларини регламент қиладиган талабларни бажаришга дахлдор ҳужжатлар;

- банкнинг қимматли қоғозларни эмиссия қилиш, миждозларнинг ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш, автоматлаштирилган банк тизимига кириш иждозат этилган ходимларининг ваколатини тақсимлаш тўғрисидаги низомлар;

- ички назорат тизими фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳужжатлар.

Ички меъёрий ҳужжатлар тизимининг асосий унсур-
лари қуйидагилардир:

— Банкларда аудит

- таъсис ҳужжатлари;
- банк бошқаруви ва кенгашининг ҳужжатлари;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш процедуралари ва тартибларини мувофиқлаштирадиган, олди-сотди битимлари тузиш ва операцияларни амалга оширадиган меъёрий тусдаги банк ички ҳужжатлари.

13-иловада қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар курсатилган ҳолда тижорат банкининг асосий ички меъёрий ҳужжатлари рўйхати келтирилган бўлиб, бу ички меъёрий ҳужжатлар юқорида санаб утилган ҳужжатлар билан мувофиқлаштирилади.

Таъсис шартномаси, банк устави, филиаллар (ваколатхоналар) ва бошқалар хусусидаги низомлар таъсис ҳужжатларидир.

Таъсис ҳужжатларига бўлган талаблар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатлари билан мувофиқлаштирилади. Масалан, Марказий банкнинг «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги низомида банк устави, банк амалга оширмақчи бўлган операциялар рўйхати, устав капитали миқдори, ундаги улушларнинг тақсимланиши, фондлар, жумладан, захира ва суғурта фондлари рўйхати, уларни ташкил этиш ва фойдаланиш қоидалари, устав капиталини кўпайтириш ва камайтириш тартиби, чиқарилаётган акциялар турлари, уларнинг номинал қиймати, турли хилдаги акциялар нисбати, даромад (фойда), дивидендларни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби, банк акциядорлари ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби, банк аудити тартиби, жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва бухгалтерлик ҳисоби халқаро андозаларига мувофиқ ҳисоботлар ва аудиторлик дастурларининг мақсади, банк бошқарув органлари, уларнинг ташкил этилиши, ваколатлари ва вазифалари тўғрисидаги маълумотлар, банк бошқарув органлари томонидан қарорлар қабул қилиниши тартиби, жумладан, акциядорларнинг малакали кўпчилик овози талаб қилинадиган масалалар рўйхати, йиллик ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатларни эълон қилиш ҳамда банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиблари бўлиши кераклиги кўрсатилган. Бундан ташқари,

банкнинг таъсис ҳужжатлари ваколатлар соҳасини, банк органларини ташкил этиш тартиби, шу жумладан, акциядорлар йиғилиши, банк кенгаши, бошқарув органларини ташкил этиш тартибларини аниқлаши керак.

Банк бошқаруви ва кенгашининг ҳужжатлари катта аҳамиятга эгадир, чунки банкнинг ривожланиш стратегияси ва тактикасини аниқлайдиган муҳим қарорлар айнан улар томонидан қабул қилинади. Бу ҳужжатларда банкни ривожлантириш соҳасидаги сиёсий масалалар, унинг филиаллари, йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, кадрлар таркиби, уларнинг ваколати ва бошқа масалалар мувофиқлаштирилади.

Бу ҳужжатлар орасида банкни ривожлантириш дастури (ёки стратегик ва тактик ривожлантириш режалари) катта аҳамиятга эга. Иқтисодий субъектлар фаолиятида режалар мавжудлиги ниҳоятда муҳим бўлса-да, шунга қарамай банклар тажрибасида бу талаблар тўла бажарилмайди. Шу боисдан Марказий банк бу талабни «Банкларда корпоратив бошқариш тўғрисида»ги низомига киритган.

Банкни ривожлантириш дастури Марказий банкнинг меъёрий ҳамда банк мулкдорларининг умумий йиғилиши (яъни банк бошқарувининг юқори органи) ҳужжатларига мос равишда алоҳида ҳужжат сифатида тўлдирилиб, тасдиқланиши керак. Дастурда банкни ривожлантиришнинг ҳам жорий, ҳам истиқболдаги йўналишлари ҳамда банк фаолиятининг миқдорий ва сифатифода этилган мақсадли йўналишлари, уларга эришиш воситалари ва усуллари белгиланиши лозим. Акциядорлар умумий йиғилиши ташқи муҳит (иқтисодиёт, молия бозорларидаги конъюнктураларнинг сезиларли даражада ўзгариши)ни эътиборга олиб, банк кенгашига ва банк ижроия органига тасдиқланган режаларга ўзгартиришлар киритиш бўйича тегишли ваколатлар бериши лозим.

Ички ҳужжатлар асосан олди-сотди битимлари тузиш ва операцияларни амалга оширишга дахлдор бошқарув қарорларини қабул қилиш процедуралари ва тартибларидан ташкил топади, аммо уларнинг мундарижаси ҳам хилма-хил бўлади. Бу гуруҳдаги ҳужжатларнинг рўйхати жуда кенг ва муайян банк фаолиятининг ўзига хослиги, хусусан, банк томонидан амалга ошириладиган операциялар тури ва ҳажми, кўрсатадиган хизматлари ва ҳоказоларга боғлиқдир.

Яна бошқа бир гуруҳдаги ҳужжатларга ички назорат тизими ҳақидаги низом ва унга тегишли ҳужжатлар; актив ва пассив операцияларни амалга оширишда банк сиёсатини аниқлайдиган ҳужжатлар; қарорлар қабул қилиш процедураларини аниқлайдиган ҳужжатлар; банк бўлимлари ва ходимлари ўртасида вазифа ва ваколатлар тақсимланишини аниқловчи ҳужжатлар; банкда ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби белгиланган ҳужжатлар киради.

Ички назорат ҳақидаги тавсиялар «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонунлар асосида ишлаб чиқилган. Марказий банкнинг «Тижорат банкларида ички назоратни ташкил этишга оид тавсиялари» ва «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув» низомида барча банкларда ички назоратни ташкил этиш тартиби ва унинг вазифалари белгиланган. Уларда ички назорат тизими банк бошқаруви органи томонидан ташкил этилиши, бунда ички назорат тизимининг фаолият кўрсатиши жараёнлари устидан мониторинг олиб бориш, тизим фаолиятига боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, тизимни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида банкларда ички назорат хизмати ташкил қилиниши лозимлиги кўрсатилган. Ички назорат хизмати банк устави ва банк бошқаруви томонидан тасдиқланган ички назорат хизмати тўғрисидаги низом асосида иш юритади. Ички назорат хизмати тўғрисидаги низом мазкур хизматнинг мақсади, вазифаси, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, ҳисоботдорлик тартибини аниқлаб бериши керак. Ички назорат хизмати вақти-вақти билан ўз фаолияти ҳақида банк бошқаруви ва кенгаши раҳбарларига ҳисобот бериб туради.

Банк бўлимлари ўртасида хизмат ахборотларини беришни чеклаш тартиби банк хизматчиларининг операцияларни автоматлашган банк тизимида (маълумотларнинг электрон базасига киришни чеклаш) амалга оширишдаги иштироки даражасини аниқлаши лозим.

Ноқонуний равишда ўзлаштирилган пул маблағлари

ёки бошқа мулкларни легализация қилишга қарши кураш, шунингдек, операцияларни амалга оширишда стандарт амалиётга мос келмайдиган хабарларни бериш тартибларини ишлаб чиқиш, банклар банкка ноқонуний равишда олинган даромадларнинг киришига йўл қўймаслик борасидаги ишларни олиб боришда Марказий банкнинг «Хавфсиз бўлмаган ва носоғлом банк фаолияти тўғрисида»ги низомига суянишлари керак. Банкнинг соғлом фаолият юритиши учун ички ҳужжатларда ахборотнинг махфийлигини ҳимоялаш бўйича чоралар, ҳисоб-китоблар нақд ва нақд пулсиз амалга ошириладиган операцияларни бажарувчи ходимлар учун махсус тартиблар, банк ходимлари шубҳали операцияларни аниқлайдиган аломатлар рўйхати, банк ходимлари малакасини ошириш ва ўқув дастурларида иштирок этиш сингари жиҳатлар қамраб олиниши керак.

Банк, шунингдек, маблағларни жалб қилиш ва жойлаштириш бўйича ўз сиёсатини аниқлайдиган ҳужжатларга ҳам эга бўлиши лозим. Бу ҳужжатлар қонунчилик ва Марказий банк меъёрий ҳужжатлари талаблари, профессионал фаолияти ва ишбилармонлик таомилларига риоя қилган ҳолда банк томонидан ўрнатилган фаолиятининг мақсадли йўналишларига олиб келадиган олди-сотди ва операцияларни амалга ошириш тартибини таъминлаши зарур.

Санаб ўтилган ҳужжатлар банк амалга оширадиган операциялар, шунингдек, бу олди-сотди ва операцияларнинг миқдорий ва сифат параметрларини аниқлайдиган рўйхатни аниқлаб бериши лозим. Уларда у ёки бу операцияларни амалга оширишда қабул қилинган қарорлар процедуралари ва тартиблари, операциялар турлари ва уларнинг миқдорий характеристикаси кўрсатилган ҳолда қарорлар қабул қилишдаги ваколатлар ишлаб чиқилган бўлиши керак. Бундан ташқари, коллегиял равишда қабул қилинадиган операциялар рўйхати ҳам ўз аксини топиши лозим.

Банк сиёсатини аниқловчи талаблар ҳужжатларига Марказий банкнинг нафақат меъёрий ҳужжатида, балки йўл-йўриқларида ҳам айтиб ўтилган. Жумладан, унда шундай дейилади: «Активларни таҳлил қилишда фойдаланиладиган муайян мезонлар, шунингдек, ссудалар бўйича бўлиши мумкин бўлган йўқотишлар учун захираларни

шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилиш ва ижро этиш процедуралари банкнинг кредит ва ҳисоб сиёсатини аниқловчи тегишли ҳужжатларида акс этиши керак.

Банкнинг ички ҳужжатларига зарур бўлган талаблар, бизнингча, банк амалга оширадиган операциялар (олдиротдилар), кўрсатиладиган хизматнинг барча турлари бўйича ички йўл-йўриқлари (низомлари) мавжуд бўлиши керак. Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари тижорат банкида қуйидаги ҳужжатлар бўлишини талаб этади:

— банкнинг қимматли қоғозлар эмиссияси бўйича низоми;

— молиявий бозорларда операцияларни регламентация қиладиган талабларни ижро этиш бўйича чораларни аниқлайдиган йўл-йўриқлар;

— миждлар учун ҳисобварақлар очиш ва хизмат кўрсатиш бўйича ва бошқалар бўйича низоми.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга оширишни аниқлайдиган ҳужжатлар, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда кўрсатилганидек, жамиятнинг ички ҳужжатлари қуйидагилар бўлиши керак:

— кузатув кенгаши фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган низоми;

— жамият (банк бошқаруви) ижроия органининг коллегиял фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган низоми;

— жамиятнинг тафтиш комиссияси фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган низоми.

Бундан ташқари, банк тажрибаси кўрсатишича, бу ҳужжатлар ёнида бошқа коллегиял органлар (кредит комитети, активларни бошқариш комитети ва ҳоказолар), шунингдек, юқори раҳбар шахслар (банк, унинг филиаллари ва ваколатхоналар раҳбарлари)нинг ваколатларини аниқловчи ҳужжатлар ҳам бўлиши керак.

Банк бўлимлари ва банк ходимлари ўртасидаги вазифа ва ваколатларни аниқловчи ҳужжатларга, авваламбор, банкнинг таркибий тузилиши ҳақидаги низоми киради. Бизнингча, бунда банкнинг штат жадвалида кўрсатилганидек, барча лавозимлар учун вазифавий йўл-йўриқлар бўлиши керак.

Банкда ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибиди

мувофиқлаштирувчи ҳужжатлар сирасига Марказий банкнинг «Банкларда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш туғрисида»ги низоми киради. Бу ҳужжатда, филиаллараро ҳисоб-китоб ҳисобварақларини очиш ва юриштиш тартиби, филиаллараро ҳисоб-китоблар ҳисобварақлари бўйича ҳисобларни амалга ошириш ва ҳужжатларни айланиш тартиби, банк бўлимлари ўртасида баҳсли масалаларни мувофиқлаштириш тартиби, ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишни назорат қилиб бориш тартиби баён этилиши лозим.

ХУЛОСА

Тижорат банкларида ички назоратни таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини кўриб чиқиш бизда шундай хулоса туғдирмоқда:

- бу соҳада ечилиши керак бўлган муаммолар кўп, уларнинг ечимини топиш ички назоратга дахлдор масалаларни комплекс илмий жиҳатдан ўрганмасдан туриб, топиш мумкин эмас;

- ички назоратнинг мавжуд меъёрий-ҳуқуқий таъминланиши барча камчиликлари билан жуда кенг ва кўп қирралидир, аммо тижорат банклари фаолиятида булар етарлича фойдаланилмаяпти;

- ички назоратнинг самарадорлигини аниқлаш, баҳолаш усуллари ишлаб чиқилмаган;

- ички назоратни такомиллаштириш чет эл банклари тажрибасини ўрганиш, бу соҳадаги илғор иш услубларини кенг ёйишга эътибор қаратилиши лозим.

Банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи

МАЛАКА СЕРТИФИКАТИ

№ _____

Мазкур малака сертификати ушбу сертификат берилган санадан бошлаб банк аудитини амалга ошириш рухсат этилган

(аудиторнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

(малака сертификати берилган сана ва унинг рақами)

аудиторга берилган. Сертификат 200__ йил _____ да _____-рақам билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рўйхатига киритилган ва у берилган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Банк аудити ўтказиш учун сертификат (малака сертификати) бериш ва аудиторлар малакасини аттестациядан ўтказиш

комиссияси раиси

(имзо)

Берилган сана

Мухр

2-илова

Банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи

СЕРТИФИКАТ

№ _____

Ушбу сертификат банк аудитини амалга ошириш рухсат этилган

(тулиқ номи, ташкилий ҳуқуқий шакли, давлат рўйхатидан ўтганлиги ва аудиторлик факти-

тини амалга ошириш учун лицензия берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар) аудиторлик ташкилоти (фирмаси)га берилган.

Сертификат мазкур аудиторлик ташкилотига Марказий банкнинг банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатиغا эга камидикинча аудитор мавжуд бўлган ҳолдагина ҳақиқий ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилотига берилган сертификат 200__ йил _____ да _____-рақам билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рўйхатига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Банк аудити ўтказиш учун сертификат (малака сертификати) бериш ва аудиторлар малакасини аттестациядан ўтказиш комиссияси раиси

(имзо)

Берилган сана

Мухр

Аудитнинг умумий режаси
 Текширилаётган банк
 Аудит ўтказиш вақти
 Одам-сонт миқдори
 Аудиторлик гуруҳи раҳбари
 Аудиторлик гуруҳи таркиби
 Қўлада тутилган аудиторлик таваккалчилиги
 Қўлада тутилган муҳимлиги даражаси

Т.р	Рожаланштирилмаган иш турлари	Ўтказиш вақти	Бажарувчи	Изоҳ
	2	3	4	5
	Ишчи гуруҳнинг барча аъзолари вазифалари, шунингдек аудитнинг умумий режаси низомалари билан таъинштирилмади			
1	Банк ички назорати ахволи аўдити			
1	Банкнинг таъсис ва қайда этиш хужжатларини аўдит қилиш			
1	Банк устави фондди ва бошқа фондларнинг шакллантирилишини аўдит қилиш			
1	Мижозларга хисоб-касса хизмати кўрсатишини аўдит қилиш			
5.1	Хизмат кўрсатишини аўдит қилиш			
5.2	Ишлар ахволини аўдит қилиш			
5.2.1	Мижозларнинг юрдаке ишларини аўдит қилиш			
5.2.2	Мижозлар хисоби юритилишини аўдит қилиш			
5.2.3	Пластик карточкалар бўйича хисоб юритилишини аўдит қилиш			
5.2.4	Мижозларнинг касса интизомига риоя қилишини аўдит қилиш			
5	Касса операцияларини аўдит қилиш			
6.1	Касса операциялари ташкил этилишини аўдит қилиш			
6.2	Касса операциялари ахволини аўдит қилиш			

Г.р.	Режааштирилган иш турлари	Утказиш вақти	Бажарувчи	Изоҳ
7	Валюта операцияларини аудит қилиш			
7.1	Валюта операциялари ташкил этилишини аудит қилиш			
7.2	Валюта операциялари аҳволини аудит қилиш			
7.2.1	Нақд валюталар олди-сотдиси, жумладан, хорижий валютани сотиб олишдан олинадиган солиқларни аудит қилиш			
7.2.2	Экспорт-импорт операциялари аудити, валюта назоратини амалга ошириш			
7.2.3	Экспортдан тушадиган валюталар тушуми, жумладан валютани сотишни амалга ошириш			
7.2.4	Импорт битимлари бўйича товарлар киримини аудит қилиш			
7.2.5	Ҳисобварақларда хорижий валюта қолдиқларини қайта баҳоланишини аудит қилиш. Очиқ валюта позициясининг ҳисоби ва лимитига риоя этилишини аудит қилиш			
8	Банкнинг актив-пассив операциялари ва уларнинг ҳисоботда акс этирилишини аудит қилиш			
8.1	Актив-пассив операциялари ташкил этилишини аудит қилиш			
8.2	Актив-пассив операциялар аҳволини аудит қилиш			
8.2.1	Кредит операцияларини аудит қилиш			
8.2.2	Депозит операцияларини аудит қилиш			
8.2.3	Бошқа операцияларни аудит қилиш			
9	Қимматли қогозлар билан операцияларни аудит қилиш			
9.1	Қимматли қогозлар билан операцияларнинг ташкил этилишини аудит қилиш			
9.2	Қимматли қогозлар билан операцияларни аудит қилиш			
9.2.1	Давлат қимматли қогозлари			
9.2.2	Корпоратив облигациялар			
9.2.3	Корпоратив акциялар			
9.2.4				

10	Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва уни ташкил этилиши умумий аҳволини аудит қилиш			
10.1	Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботлар ташкил этилишини аудит қилиш			
10.2.1	Асосий воситалар ҳисобини аудит қилиш			
10.2.2	Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисобини аудит қилиш			
10.2.3	Номоддий активларни аудит қилиш			
10.2.4	Хўжалик материалларини аудит қилиш			
10.2.5	Капитал қўйилмалар ва тазмирлаш харажатлари ҳисобини аудит қилиш			
10.2.6	Ходимларнинг иш ҳақиға ойлик тўлаш ва бошқа тўловлар ҳисобини аудит қилиш			
10.2.7	Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳисобини аудит қилиш			
10.2.8	Банк тасарруфида қолган фойда ҳисобини аудит қилиш			
10.2.9	Бошқа операцияларни аудит қилиш			
11	Банкнинг солиқ қонунчилигига риоя этилишини аудит қилиш			
11.1	Ҳисобдан чиқариш ҳамда солиқ ва бошқа мажбуриятлар бўйича тўловлар ташкил этилишини аудит қилиш			
11.2	Ҳисобдан чиқариш ҳамда маҳаллий ва республика миқёсидаги солиқлар тўлови ташкил этилишини аудит қилиш			
11.2.1	Фойдадан солиқ			
11.2.2	Қўшимча қиймат солиғи			
11.2.3	Қимматли қогозлар билан операциялар бўйича солиқлар			
11.2.4	Автомобил йўлларида фойдаланиш солиғи			
11.2.5	Транспорт воситалари сотиб олиш солиғи			
11.2.6	Транспорт эгаларидан олинадиган солиқ			
11.2.7	Мулк солиғи			
11.3	Ҳисобдан чиқариш ва маҳаллий солиқлар тўлови ташкил этилишини аудит қилиш			

Т.р.	Режалаштирилган иш турлари	Ўтказиш вақти	Бажарувчи	Изоҳ
11.3	Ҳисобдан чиқариш ва маҳаллий солиқлар тўлови ташкил этилишини аудит қилиш			
11.3.1	Тураржой фонди ва ижтимоий-маданий соҳадаги объектларни сақлаш бўйича солиқлар тўловини аудит қилиш			
11.3.2	Транспорт солиғи			
11.4	Бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ва ҳисобдан чиқаришлар ташкил этилишини аудит қилиш			
11.4.1	Ижтимоий сугурта фондига			
11.4.2	Аҳолининг бандлик фондига			
11.4.3	Мажбурий сугурта фондига			
11.4.4	Пенсия фондига			
12	Ноаниқ мажбуриятларни аудит қилиш			
13	Банк фойдасини шакллантириш ва ундан фойдаланишни аудит қилиш			
14	Иқтисодий меъёрларга риоя этилишини таҳлил қилиш			
15	Банк фаолияти таҳлили			
15.1	Баланс таркиби таҳлили			
15.2	Фойда ва зарарлар таркиби ҳақида ҳисобот таркиби таҳлили			
15.3	Кўрсаткичларни коэффицентлаш таҳлили			
15.4	Банк фаолиятининг натижалари таҳлили			
16	Банк фаолиятининг тўхтовсизлиги бўйича қўлланиладиган воситалар баён этилган хулосалар			
17	Аудиторлар томонидан иш ҳужжатлари юритилиши бўйича иш сифати ва иш режасининг бажарилиши устидан назорат			
18	Идорада ишлаш			

Аудиторлик ташкилотининг раҳбари

Унинг номидан аудиторлик хулосасига имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик гуруҳи раҳбари

4-илова

Аудит умумий режаси

Текшириладиган банк

Аудит ўтказилган давр

Одам-соат миқдори

Аудиторлик гуруҳи раҳбари

Кўзла тутилган аудиторлик таваккалчилиги

Кўзла тутилган муҳимлиги

Аудит қисмлари бўйича аудиторлик процедура-лари рўйхати	Ўтказиш вақти	Бажарувчи	Аудитор иш ҳужжатлари	Изоҳлар
1	2	3	4	5
1. Банкнинг кредитлаш жараёнини бошқариш сиёсати таҳлили				
1.1. Банк бошқаруви, банк кенгаши, умумий йиғилиш иштирокчиларининг кредитлаш жараёнини бошқаришдаги роли ва ваколат-ла-ри			Банк устави, Банк кенгаши низоми, банк бошқаруви низоми, умумий йиғилиш иштирокчилари, банк кенгаши аъзолари, банк бошқаруви аъзолари йиғилишлари протоколлари	Ҳар бир бошқарув органининг масъу-лияти ва ваколатларини аниқлаш, қабул қилинган қарорларни кўриб чиқиш
1.2. Ишлаб чиқилган кредит сиёсати мав-жудлиги			Кредит сиёсати бўйича низом	Кредитлаш жараёнини самарали бош-қариш мақсадида қабул қилинган ни-зомларнинг кредит сиёсатига мослиги-нинг ваколатли орган томонидан тас-диқланиши
1.3. Кредит комитетининг маъмули ва унинг фао-лиятини аниқлайдиган ич-ки ҳужжатлар			Кредит комитети тўтрисидаги низом, Кредит комитети қарорлари прото-коллари	Ваколатли орган томонидан кредит ко-митети бўйича низомнинг тасдиқлани-ши, кўриб чиқиладиган масалаларни урганиш, қарорлар қабул қилишда кол-легиалликни тасдиқлаш

1	2	3	4	5
1.4. Кредит операцияларини мувофиқлаштирадиган ички йўл-йўриқлар			Юридик шахсларни кредитлаш қоидалари, жисмоний шахсларни кредитлаш қоидалари, кредит таваккалчиликларини баҳолаш бўйича низом ва ссудалар бўйича кузда тутилган йўқотишлар учун резервлар яратиш, банк бўлимларида кредитлаш қоидалари	Ваколатли орган томонидан ички ҳужжатларни тасдиқлаш, ички йўл-йўриқлардаги низомларнинг меъерий ҳужжатларга мослигини кўриб чиқиш, кредитлаш жараёнини мувофиқлаштирадиган ички ҳужжатларнинг етарлилиги (етарли эмаслиги) бўйича ҳулосалар
1.5. Кредит бўлими, ходимлар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши ва уларнинг бурчлари			Кредит бўлими тўғрисида низом, кредит бўлими ходимларининг вазифалари бўйича йўл-йўриқлар	Ваколатли орган томонидан тасдиқланиш, вазифаларнинг тақсимланишини ўрганиш, кредит бўлими ходимларининг мажбуриятлари, ваколати ва масъулигини кўриб чиқиш
2. Назорат воситаларини тестдан ўтказиш				
2.1. Кредит бериш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинишида бошқарув органлари ўртасида ваколатларнинг тақсимланиши			Банкнинг қарорлар қабул қилишда процедуралари белгиланган ички ҳужжатлари	Кредит ажратиш ҳақидаги қарорнинг қабул қилинишида ваколатларнинг тасдиқланиши
2.2. Бир қарз олувчига, узаро боғлиқ шахслар, акциядорлар, инсайдерларга ўрнатилган кредитлаш limiti			Банкнинг бу масалани мувофиқлаштирадиган ички ҳужжатлари	Банкнинг кредитлаш устидан ўрнатилган лимитларга риоя қилишини тасдиқлаш
2.3. Кредит операцияларига тааллуқли ҳужжатларни юридик жиҳатдан баҳолашнинг мавжудлиги			Банкнинг бу масалани мувофиқлаштирадиган ички ҳужжатлари	Ички назорат тизими талабларига риоя этилиши мақсадида ҳужжатларда юристлар имзоларининг мавжудлигини тасдиқлаш

Кредит операцияларини ҳисобини автоматлаштириш даражасини ўлчиш, таҳлилий маълумотларни шакллантириш учун дастурий таъминот имкониятлари, назорат воситалари			Қўлланиладиган дастурий таъминот, ташқарига чиқадиган ҳисоботлар шакли, уларнинг маълумотлари	Аудиторлик процедураларини режалаштиришда тузилган назорат инструментларидан фойдаланишини кўриб чиқиш, ахборот ҳаққонийлигини баҳолаш даражаси, ахборот таваккалчилигини ўрганиш
3. Кредит операциялари ва уларнинг таркиби				
3.1. Банклараро кредитлар 3.2. Кредитлар: – корхона ва ташкилотларга; – жисмоний шахсларга; 3.3. Банк кафолатларини бериш 3.4. Лизинг операциялари			Кредитлар бўйича ички таҳлилий ҳужжатлар, корхона ва ташкилотлар, жисмоний шахслар ҳақидаги маълумотлар, акциядорлар, инсайдерларга берилган кредитлар бўйича маълумотлар, формалар	Кредит операцияларининг бухгалтерия ҳисоби счетларида ҳаққоний акс этганини тасдиқлаш, бухгалтерия утказмаларининг ўз вақтида аниқлигини баҳолаш: – тегишли счетларда қарз олувчининг таснифига боғлиқ равишда ҳисобга олиш тўғрилиги, кредитларни ажратиш муддатлари; – кредит линияларининг балансдан ташқари счетларда тўғри ҳисобга олиниши, гаров мажбуриятлари, кредитлар; – кредитларнинг муддати узайтирилиши билан кредитларнинг бошқа счетларга ўз вақтида ўтказилиши, қарз олувчининг кредит мажбуриятларини ўз вақтида бажаролмаслиги туфайли счетининг муддати ўтган ссудалар счетга ўтказилиши; – тегишли ҳисобрақамларида фоизларнинг ўз вақтида ва тўғри ҳисоблаб борилиши;

1	2	3	4	5
				– муддати ўтган фойзлар сче­тида ўз вақтида олинмаган фойзларнинг ўз вақтида акс эттирилиши; – берилган банк кафолатлари баланс­дан ташқари сче­тларда ўз вақтида ва туғри акс этганини текшириш; – лизинг операцияларини ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатларни текшириш
4. Кредитлар ажратиш ва унга боғлиқ бўлган банкнинг ички процедуралари				
4.1. Кредит аризасини куриб чиқиш процедуралари			Банкнинг ички ҳужжатлари	Қарз олувчининг кредит тарихи ва обрусини ўрганиш, кредит операцияларининг техник-иқтисодий асосларини таҳлил қилиш
4.2. Қарз олувчидан олинини зарур бўлган ҳужжатлар			Тегишли ички ҳужжат, қарз олувчиларнинг кредит ишлари	Кредит иши ўрганилаётган барча ма­сала­ларда зарур ҳужжатларнинг мав­жудлиги, яъни аудиторлик танлан­ма­сига тортилганлари
4.3. Қарз олувчи туғри­сида етарли ва тўла маъ­лу­мот мавжудлиги			Банкда қарз олувчининг молиявий аҳволини таҳлил қилиш усули, кредит ходимларининг тегишли хулосалари	Олинадиган натижаларнинг тўла ва ҳаққонийлигини билиш мақса­дида қўлланиладиган усулни ўрганиш, кредит таваккалчиликларини бош­қариш сифатини баҳолашда кредит ходимларининг салбий хулосаларига қарамай кредит ажратилгани факт­ларини аниқлаш
4.4. Ссудаларнинг тўла таъминланишини кўриб чиқиш, гаров мажбурият­ларининг туғри расмий­лаштирилиши			Кредит ходимлари, юристларнинг ссудалар тўла таъминланганлиги, гаров ликвидлиги ҳақидаги хулосаси	Гаров мажбуриятлари туғри расмий­лаштирилганини баҳолаш, айрим гаров объек­тларининг мавжуд бозор баҳо­ларига мослигини таққослаш ор­қали туғри баҳо­ланганини тасдиқлаш

4.5. Кредит ҳужжатла­рини расмийлаштириш процедуралари, уларнинг ҳужжат айланмаси			Қарз олувчиларнинг кредит иши	Банк томонидан ўрнатилган тартибда расмийлаштирилганини тасдиқлаш, барча имзолар мавжудлигини текши­риш, кредит шартномаларининг ўз вақтида имзоланмаганлиги фактла­рини аниқлаш, уларга киритилган қўшимча ва ўзгаришлар
5. Ажратилган кредитлар бўйича кредит бўлими тадбирларини назорат қилиш таҳлили				
5.1. Кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши­нинг назорат қилиниши­ни ўрганиш			Қарз олувчиларнинг кредит иши, бошқа банк ҳужжатлари	Кредитлардан мақсадли фойдаланишнинг банк томонидан текширилиши ташкил этилганини тасдиқлаш, гаров сақланиши, унинг аҳволи ва сифати, оборотдаги товарларни гаровга олиш бўйича кредитлашда тегишли ҳуж­жатларнинг, ссудаларнинг ўз вақтида қайтарилмаслиги таваккалчилиги ўсиши билан боғлиқ банкнинг бошқа назорат тадбирларининг ўз вақтида расмийлаштирилиши
5.2. Ссудаларнинг муддати узайтирилиши асослилигини текшириш			Қарз олувчиларнинг кредит иши, кредит комитетининг протоколлари	Муддати узайтирилишига сабаб бўлган омилларнинг етарлилигини тасдиқлаш
5.3. Даъво ишларининг қўрилиши ва юритилиши			Банк иштирок этган суд иши тутагандан кейинги ёки судлов жараёнидаги про­цессуал ҳужжатлар (даъво аризалари, жавобгарлар жавоби, суд қарорлари)	Кредит бўлими тавсияларига юридик бўлимнинг самарали ишини тасдиқ­лаш
6. Ссудалар бўйича қарздорликни риск гуруҳлари бўйича таснифлаш ва ссудалар бўйича қўзда тутилган йўқотишлар учун шакллантирилган резервнинг тўлалигини аниқлаш				

1	2	3	4	5
6.1. Ссудаларни таваккалчилик гуруҳи бўйича Марказий банкнинг меърий ҳужжатларига мувофиқ тарзда вақти-вақти билан таснифлаб турилишини кўриб чиқиш			Кредит комитетининг протоколлари, заҳираларга ажратмалар бўйича дастлабки бухгалтерия ҳужжатлари, тегишли формалар, кўзда тутилган йўқотишлар бўйича заҳиралар ҳисоби, ссудалар бўйича кўзда тутилган йўқотишлар заҳирасининг ҳаракати тўғрисида маълумотлар	Резерваларнинг ўз вақтида шакллантирилишини тасдиқлаш, банк маълумотлари бўйича ссудаларни таснифлаш пайти йўл қўйилган камчиликлар ва аудит жараёнида олинган маълумотлар. Йўл қўйилган камчиликлар аниқланган ҳолларда молиявий натижаларни тузатиш қийматини баҳолаш, иқтисодий меъёрларни қайта ҳисобдан ўтказиш
6.2. Ссудаларни расмийлаштирилган мезонлардан келиб чиқиб, ссуда таваккалчилигининг янада қуйи гуруҳига ўтказилиши банк органи ваколатига гириши			Банк таъсис ҳужжатлари, банк кенгаши, бошқаруви, кредит комитетининг протоколлари	Банк органи мухтор ваколатларини тасдиқлаш, белгиланган ҳолатларда Марказий банкни ўз вақтида хабардор этиш ва банк бошқаруви органи қарорига нисбатан розилиги (рози эмаслиги) бўйича фикрини билиш
7. Банк томонидан айрим иқтисодий меъёрларнинг бажарилганини таҳлил қилиш				
7.1. Нормативлар кўрсаткичи таҳлили: - Н6 «Бир қарз олувчига ёки алоқадор қарз олувчилар гуруҳига максимал таваккалчилик ҳажми»; - Н7 «Йирик кредит рисклари максимал ҳажми»; - Н9 «Бир акциядорга кредит таваккалчилигининг юқори миқдори»; - Н10 «Инсайдерларга ажратилган кредит, қарз олувчиларнинг юқори даражаси»;			Кўрсатилган иқтисодий меъёрларнинг ҳисобот санасига, айрим баланс ҳисоб-китоби баён этилган аҳамияти ҳисоб-китоби	Текшириш натижалари бўйича аудиторларнинг хулосасига асосланиб, норматив ҳисоб-китоблар учун маълумотларни тасдиқлаш

1	2	3	4	5
Кредит операцияларининг ликвидлик ҳисоб-китобига таъсирини баҳолаш			Ликвидлик иқтисодий нормативларининг ҳисобот санасига, айрим баланс ҳисоб-китобининг баён этилиши аҳамияти ҳисоб-китоби	Текшириш якуналари бўйича маълумотлар кўрсаткичини тасдиқлаш, кредит операцияларининг ликвидлик кўрсаткичларига таъсири, банк ликвидлигини бошқариш сифати бўйича хулосалар

Аудиторлик ташкилотининг раҳбари

Унинг номидан аудиторлик хулосасига имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик гуруҳи раҳбари

NNN банки акциядорлари ва бошқарувиغا

Сизлар ўз банкингизнинг 2004 йил 31 декабргача бўлган молиявий ҳолати, фойда ва зарарлар тўғрисида ҳамда 2003 йилдаги пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги тегишли ҳисоботни биз томонимиздан аудиторлик текширувидан ўтказишимизни сўрабсизлар. Биз бундан қоят мамнунмиз ва аудиторлик текширувларини ўтказишга рози эканимизни билдирамыз. Биз аудиторлик текширувини молиявий ҳисобот тўғрисида ўз фикримизни билдириш мақсадида ўтказамиз.

Аудиторлик текширувлари Халқаро аудиторлик стандартларига мос равишда ўтказилади. Бу стандартлар биздан молиявий ҳисобот жиддий нуқсонларга эга эмаслигига етарлича ишонч ҳосил қилиш учун аудиторлик текширувларини режалаштириш ва ўтказишимизни талаб қилади. Аудит тестлар ёрдамида текшириш, суммаларнинг ҳужжатли тасдиқлари ва молиявий ҳисоботга изоҳлардан иборат бўлади. Шунингдек, аудит банк раҳбарлари томонидан қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби принциплари таҳлили, ҳисоб-китоблар, молиявий ҳисоботнинг яхлитлигини баҳолашни ўз ичига олади.

Текширишларда текшириш жараёнидаги айрим муқаррар чекловлар, жумладан, бухгалтерия ҳисоботи ва ички назорат тизимидаги мавжуд аниқ чекловлар туфайли банк фаолиятининг барча қирраларини тўла қамраб олмайди, шу боис айрим хато ва камчиликлар аниқланмай қолиш таваккалчилиги бўлиши мумкин.

Аудиторлик ҳисоботиغا илова тарзида биз сизларга текширишларимиз давомида бухгалтерия ва ички назорат тизимидаги барча хато ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тавсияларимизни тақдим этамыз.

Биз сизларга шунинг эслатиб қўймоқчимизки, молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва унинг ҳаққонийлиги, жумладан, тегишли маълумотларнинг очилгани учун банк раҳбарлари масъул бўладилар. Бу бухгалтерия ҳужжатларидаги ёзувлар аниқлиги ҳамда ички назорат тизимининг самарали ташкил этилиши, бухгалтерия тизимининг иш тизими ва сиёсати, банк активлари бутлигини сақлашни ўз ичига олади. Аудиторлик ишимизнинг бир қисми сифатида биз банк раҳбариятидан аудиторлик текширувлари туфайли номимизга билдириладиган барча тасдиқ ва баённомаларимизни ёзма равишда тасдиқлашини сўраймиз.

Биз банк ходимлари билан ўзаро ҳамкорлигимиз самарали бўлишига умид билдирамыз ва уларнинг текширишга дахлдор бўлган ҳар қандай ахборотни тақдим этишига ишонамыз. Бизнинг иш ҳажмига қараб белгиланган баҳоларимиз текширишга белгиланган ҳар бир аудиторнинг сарфлайдиган вақти ва чўнтак харажатларини кўзда тутган. Ҳар бир аудиторнинг соатбай ставкаси зиммасига юкланган масъулият даражаси ва иш тажрибасига қараб белгиланган.

Мазкур хатимизга агар ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмаса ёки бузилмаса уч йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Банкингизнинг молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказиш шартларига рози эканингизни ёзма равишда билдиришингиз

ва мазкур хатта илова этилаётган нусхани имзолаб юборишларингизни сўрайман.

Аудиторлик фирмаси номи

NNN банки номидан

Раҳбари имзоси

сана

сана

6-илова

ХОЛИС АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

NNN банки акциядорлари ва бошқарувига

Биз NNN банкининг илова этилаётган 2004 йил 31 декабргача бўлган балансини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш масъулияти банк раҳбарияти зиммасидадир. Бизнинг масъулиятимиз мазкур ҳисоботлар ҳақида биз ўтказган аудиторлик текширувларига асосланган ҳолда фикр билдиришдан иборат.

Қуйида баён этилганлардан ташқари, бизнинг аудиторлик текширувларимиз Халқаро аудиторлик стандартларига мос равишда ўтказилди. Бу стандартлар биздан молиявий ҳисоботларнинг сезиларли хатоларга эга эмаслигига старлича ишонч ҳосил қилиш мақсадида аудиторлик текширувларини режалаштириш ва ўтказишни талаб этади. Аудит тестлар ёрдамида текшириш, суммаларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва молиявий ҳисоботларга тушунтиришларни ўз ичига олади. Шунингдек, аудит банк раҳбарияти томонидан амалда қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби принциплари таҳлили, ҳисоб-китоблар, молиявий ҳисоботнинг яхлитлигини баҳолашни ҳам қамраб олган. Биз олиб борган текширишлар ўз хулосамизнинг старлича асосга эга эканини тўла исботлайди.

3-изоҳда қайд этилганидек, мазкур молиявий ҳисобот Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларининг 29-стандартини («Иқтисодий гиперинфляция шароитида молиявий ҳисобот»)га мос равишда тузатилмаган. Бундай тажриба, бизнинг фикримизча, Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига жавоб бермайди. Биз мазкур стандартни қўлдамасликнинг самарасини аниқлай олмадик.

4-изоҳда қайд этилганидек, банк молиявий ҳисоботларга йўқотиш эҳтимоли бўлган ссудаларни қоплаш учун 500 млн. сўм миққоридан шакллантирилган резервни киритмаган. Бу ҳол, бизнинг фикримизча, Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига жавоб бермайди. Шунингдек, 80 млн. сўм ҳажмида ҳисобланган фойзлар ундириб олингани шубҳалидир. бу тажриба ҳам Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига жавоб бермайди. Шундан келиб чиқиб, соф ссудаларни 500 млн. сўмга камайтириш, бошқа активларни 80 млн. сўмга камайтириш, соф фойда ва тақсимланмаган фойдани 580 млн. сўмга камайтириш зарур.

Бизнинг фикримизча, юқорида баён этилган фактларнинг таъсири туфайли банкнинг 2003 йил 31 декабрга бўлган фойда ва зарарлар гуғрисидаги ҳисоботи ва пул маблағларининг ҳаракати гуғрисидаги ҳисоботи Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига жавоб бер-

майди. Бизнинг фикримизча, МХХСнинг 29-стандарти қўлланмаслигини истисно этганда, молиявий ҳисоботлар ҳаққонийдир, барча сезиларли муносабатларда банкнинг 2002 йил 31 декабрга бўлган молиявий аҳволини акс эттиради ва унинг фаолияти натижалари ҳамда пул маблағлари ҳаракати Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мос келади.

NNN аудиторлик фирмаси

2005 йил 17 март

7-иловга

МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

NNN банки бошқаруви ва акциядорларига

Биз NNN банкининг 31.12.2002 йил ва 31.12.2003 йил ҳолати баланси ҳамда даромадлари, икки йил ичида молиявий аҳволидаги ўзгаришлар ва тақсимланмаган фойдага онд тегишли ҳисоботларни текшириб кўрдик. Бу ҳисоботлар учун бутун масъулият банк раҳбарлари зиммасидадир. Бизнинг мажбуриятимиз — ушбу молиявий ҳисоботларни текшириш натижалари асосида хулоса тайёрлашдан иборат.

(Стандарт хулосанинг асосий қисми келтирилади)

15-иёҳда баён этилганидек, кредитлар бўйича эҳтимол тutilган зарарларни қоплаш учун 31.12.2002 йилда шакллантирилган қўшимча захира 30 млн. сўм 2003 йил операцияларига киритилган. Бизнинг фикримизча, бу сумма 2002 йил ҳисоботларига киритилиши лозим. Агар шакллантирилган бу захира 2002 йил молиявий ҳисоботларида тўғри акс эттирилса, 2002 йилдаги соф зарар ва тақсимланмаган фойда камомади ошиб, акциядорлик капитали эса 30 млн. сўмга камайиб кетиши мумкин. Банк 2003 йил ҳисоботларида, яъни акциядорлик капитали ва йил давомида молиявий ҳолатлардаги ўзгаришлар бўйича ҳисоботларда акс этганидек, соф зарарни эса 192 минг сўм эмас, балки соф даромадни 70 млн. сўм қилиб кўрсатиш керак эди.

Бизнинг фикримизча, юқоридагилардан келиб чиқиб, 31.12.2002 йил ҳолатига операциялар, акциядорлик капитали ва 2002 ва 2003 йиллардаги молиявий ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботлар умум томонидан қабул қилинган бухгалтерия принципларига кўра, NNN банкининг 31.12.2002 йил ҳолатига молиявий аҳволи ва 2002 ҳамда 2003 йилдаги операциялари натижалари ва молиявий аҳволидаги ўзгаришлар аниқ эмас.

Аммо NNN банкининг 31.12.2003 йил ҳолатидаги баланс, бизнинг фикримизча, молиявий аҳволининг барча сезиларли жиҳатларини аниқ акс эттиради.

Аудитор

31 январь 2004 йил

**NNN акциядорлик-тижорат банкининг 2005 йил 1 январь ҳолатига
баланс ҳисоботи**

Банк рўйхат рақами:

Манзили:

(минг сумда)

№	Активлар	
1	Нақд пуллар ва бошқа касса ҳужжатлари	1 306 930
2	ЎзР МБдаги пул маблағлари	751 658
3	Бошқа банклардаги маблағлар	131 236
4	Олди сотди учун қимматли қогозлар, соф	55 771
4.1	Олди сотди учун қимматли қогозлар	55 771
4.2	Қимматли қогозлар буйича эҳтимолий йўқотишларга қарши заҳиралар	0
5	Қайта сотиб олиш шарти билан сотиб олинган қимматли қогозлар, соф	0
6	Банкларга берилган кредитлар, соф	0
7	Мижозларга берилган кредитлар, соф	8 017 506
8	Лизингга йўналтирилган маблағлар	0
9	Ҳисобланган, лекин ундирилмаган фоизлар	171 060
10	Инвестициялар, соф	713 903
10.1	Инвестициялар	713 903
11	Асосий воситалар, номоддий активлар, камбаҳоли ва тез эскирувчи буюмлар	4 646 041
12	Келгуси давр харажатлари	0
13	Бошқа активлар	366 193
14	Бошқа активлар буйича эҳтимол тутилган йўқотишларга қарши заҳиралар	0
15	Жами активлар	16 160 268
	Пассивлар	
	Мажбуриятлар	
1	Талаб қилиб олинмадиган депозитлар	4 983 403
2	Жамғарма депозитлари	101 844
3	Муддатли депозитлар	745 192
4	Банкларнинг депозитлари	351 000
5	Банкларга кредитлар	0
6	Бошқа кредитлар	3 563 693
7	Ўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	3 337
8	Сотиб олиш шарти билан сотилган қимматли қогозлар	0
9	Бошқа пассивлар	1 374 908
10	Жами мажбуриятлар	1123 377
	Акциядорлик капитали	
11	Устав капитали, шу жумладан:	3 578 124
11.1	Оддий акциялар	3 511 642
11.2	Имтиёзли акциялар	66 482
12	Кушилган капитал	0
13	Акциядорлардан қайта сотиб олинган акциялар	0

№	Активлар	
14	Йиғилган соф фойда ва фондлар	1 458 767
15	Тақсимланмаган фойда	0
16	Жами акциядорлик капитали	5 036 891
17	Жами пассивлар	16 160 268
Кўзда тутилмаган вазиятлар		
1	Банк томонидан берилган кафолатлар, кафиликлар	574 888
2	Чақириб олинмайдиган мажбуриятлар	0
3	Бошқа кўзда тутилмаган вазиятлар ҳисобрақами	0
4	Жами кўзда тутилмаган вазиятлар моддалари	574 888

2004 йил якуни бўйича даромадлар ва харажатлар ҳисоботи

(минг сумла)

1	Фоишли даромадлар	
1.1	Маблагларни бошқа банкларда кредитлар ва депозитлар кўринишида жойлаштириш	3 777
1.2	Бошқа мижозларга берилган ссудалар	1 568 341
1.3	Лизингга йўналтирилган маблаглар	0
1.4	Қатъий белгиланган даромадли қимматли қогозлар	0
1.5	Бошқа манбалар	32 101
	Жами фоишли даромадлар	1 604 219
2	Фоишли харажатлар	
2.1	Банклардан жалб қилинган маблаглар, шу жумладан, қарз ва депозитлар	55 260
2.2	Бошқа мижозлардан жалб қилинган маблаглар, шу жумладан, қарз ва депозитлар	0
2.3	Ижара ҳақи	0
2.4	Жами тўланган фоишлар	456 592
3	Ссуда ва аванслар бўйича эҳтимол тутилган йўқотишларни баҳолашга қадар бўлган соф фойда	1 147 627
4	Ссуда ва аванслар бўйича эҳтимолий йўқотишларни баҳолаш	0
5	Ссуда ва аванслар бўйича эҳтимолий йўқотишларни баҳолашдан кейинги соф фойда	1 147 627
6	Воситачилик даромадлари	1 669 989
7	Воситачилик харажатлари	141 885
8	Йиғимлар ва воситачилик ҳақи бўйича соф фойда	1 528 104
9	Чет эл валютасидаги ва бошқа валюта қимматликларини бўйича операциялардан тушган соф фойда	44 347
10	Қимматли қогозлар олди-сотдисидан ва РЕПО операцияларидан тушган соф фойда	5 939
11	Инвестицион қимматли қогозлар операциялари дан келиб тушган соф фойда	0
12	Бошқа операциялардан тушган соф фойда	22 100
12.1	Бошқа жорий даромадлар	22 100

12.2	Бошқа жорий даромадлар	35 347
13	Жами операцион даромадлар	121 446
14	Иш ҳақи ва ходимларга ажратилган бошқа тўловлар	867 817
15	Бошқа операцион харажатлар	1 104 641
15.1	Эксплуатация харажатлари	393 041
16	Жами операцион харажатлар	1 972 458
17	Захираларни шакллантиришга қадар бўлган соф жорий даромадлар	824 719
18	Ссудалар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар миқдорининг ўзгариши	1 233
19	Қимматли қогозлар бўйича эҳтимол тутилган йўқотишларга қарши захиралар миқдорининг ўзгариши	0
20	Бошқа захиралар миқдорининг ўзгариши	1 233
21	Солиқлар тўланишига қадар бўлган соф фойда	617 331
22	Фойда солиғи	377 734
23	Тўланиши кечиктирилган фойда солиғи	0
24	Солиқлар тўлангандан кейинги кўзда тутилмаган харажатлар	69 080
25	Жорий даврдаги фойда (зарарлар)	170 517

2004 йил 31 декабрь ҳолатига пул маблаглари ҳаракати туғрисидаги ҳисобот

(минг сумла)

	Моддалар номи	
1	Операцион фаолият	
1.1	Олинган фоишлар	1 604 219
1.2	Олинган воситачилик ҳақи	1 669 989
1.3	Бошқа олинган операцион даромадлар	85 633
1.4	Тўланган фоишлар	(456 592)
1.5	Тўланган воситачилик ҳақи	(141 885)
1.6	Ходимларни таъминлаш харажатлари, тўланган	(867 817)
1.7	Умумий, маъмурий ва бошқа операцион харажатлар, тўланган	(1 424 997)
1.8	Операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришларга қадар бўлган операцион фойда (1.1к1.2к1.3-1.4-1.5-1.6-1.7)	468 550
	Операцион активлардаги купайиш (камайиш)	
1.9	ЎЗР МБдаги мажбурий захира ҳисобрақами	49 635
1.10	Банклар ва бошқа маъмурий ширкатлар билан алоқалар	(29 777)

	Мабдалар номи	
1.11	Мижозларга ссуда ва бунақлар	(940 271)
1.12	Қимматли қоғозлар	14 668
1.13	Бошқа активлар	(362 003)
	Операцион мажбуриятлардаги қўпайиш (камайиш):	
1.14	Банклар ва бошқа молиявий институтларнинг ҳисобварақлари	0
1.15	Мижозларнинг депозитлари	(505 110)
1.16	Бошқа қарзлар	796 999
1.17	Бошқа мажбуриятлар	241 971
